

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
УМУМИЙ ХИРУРГИЯ, ТОПОГРАФИК АНАТОМИЯ ВА ОПЕРАТИВ
ХИРУРГИЯ АСОСЛАРИ КАФЕДРАСИ

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Ўқув ишлари бўйича проректор
Қ.Н.Хаитов _____

“ ____ ” _____ 2019 йил

510000 – “Соғлиқни сақлаш” таълим соҳаси
5510200 – “Педиатрия иши” таълим йўналиши
5111000 – “Касбий таълим” (5510100 - “Даволаш иши”)
5510100 - “Даволаш иши” таълим йўналиши

“КЛИНИК АНАТОМИЯ” ФАНИ БЎЙИЧА

ЎҚУВ УСЛУБИЙ МАЖМУА

II-курс IV-семестр

Умумий ўқув соати	– 78
Шу жумладан:	
Маъруза	– 18
Амалий машғулотлар	– 36
Мустақил таълим соати	– 24

ТОШКЕНТ – 2019

Клиник анатомия фани Ўқув услубий мажмуаси 5510200 - Педиатрия иши, 5111000 – “Касбий таълим” (5510100 - “Даволаш иши”), 5510100 - “Даволаш иши” таълим йўналишининг ДТС-2018 нинг тасдиқланган (ЎзР ССВ 2018. 30.08 №544) Ўқув режаси ва Ўқув дастури бўйича тузилган.

Тузувчилар:

Клиник анатомия кафедраси профессори, т.ф.д. Ш.М.Ахмедов
Клиник анатомия кафедраси ассистенти, М.Ю.Акрамова

Такризчилар:

Ў.М.Миршарапов Тошкент тиббиёт академияси одам анатомияси ва ОХТА кафедраси профессори, т.ф.д.
А.Г.Ахмедов ТошПМИ патологик физиология ва одам анатомияси кафедраси доценти, т.ф.н.

Фаннинг Ўқув услубий мажмуаси Тошкент педиатрия тиббиёт институти Марказий услубий кенгашининг 2019 йил « 19 » 06 даги « 10 » - сон қарори билан тасдиқланди.

Кафедра мудири, проф.

Т.А.Асқаров

**Тиббий педагогика ва даволаш
факультети декани**

А.Р.Валиев

Ўқув-услубий бўлим бошлиғи

Н.В.Агзамова

Клиник анатомия фанидан II-курсталабалари учун мўлжалланган ишчи ўқув дастурига 2019-2020 ўқув йили учун ишлаб чиқилди:

ДТС – 2018 йил ўтилиши муносабати билан 5510200 “Педиатрия иши” таълим йўналиши, 5111000 – “Касбий таълим” (5510100 - “Даволаш иши”), 5510100 - “Даволаш иши” таълим йўналиши учун ўқув услубий мажмуа ишлаб чиқилди.

Клиник анатомия фанидан III-курс V-семестр ўқув услубий мажмуага ассистент М.Ю.Акрамова томонидан қуйидаги ўзгаришлар киритилди:

Акрамова М.Ю.—Барча мавзулар қайта кўриб чиқилди, камчиликлар бартараф этилди. Барча мавзулар учун тест саволлари ва кластер органайзери, амалий кўникмалар киритилди. Барча мавзулардаги анатомик терминларга хос глоссарий киритилди.

Клиник анатомия кафедраси

Ассистент:

М.Ю.Акрамова

Клиник анатомия фанидан
МАЪРУЗАЛАРНИНГ календар-тематик режаси

№	Маърузалар мавзуси	Соат
1.	Клиник анатомия фан сифатида (тарихи, ўрганиш усуллари). Қорин олд-ён деворининг клиник анатомияси, болаларда ва катталарда қорин бўшлиғи юқори қават аъзоларининг клиник анатомияси.	2
2.	Болаларда ва катталарда қорин бўшлиғи пастки қават аъзолари ва қоринпарда орқа бўшлиғи аъзоларининг клиник анатомияси.	2
3.	Аёллар ва эркаклар чаноқ аъзоларининг клиник анатомияси.	2
4.	Болаларда ва катталарда кўкрак қафаси девори, сут беги, диафрагма, плевра ва ўпкаларнинг клиник анатомияси. Болаларда ва катталарда олдинги ва орқа кўкс оралиғи аъзоларининг клиник анатомияси.	2
5.	Болаларда ва катталарда бўйиннинг клиник анатомияси: мушаклари, фасциялари, учбурчаклари ва аъзолари.	2
6.	Болаларда ва катталарда калла соҳаси мия қисмининг клиник анатомияси.	2
7.	Болаларда ва катталарда калла соҳаси юз қисмининг клиник анатомияси.	2
8.	Болаларда ва катталарда қўл ва оёқ соҳаларининг клиник анатомияси.	2
9.	Вегетатив нерв тизимининг клиник анатомияси ва 31 жуфт орқа мия нервлари.	2
	Жами	18

Клиник анатомия фанидан
АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАРНИНГ календар-тематик режаси

№	Машғулот мавзуси	Соат
1.	Тана соҳаларининг клиник анатомияси асослари. Жарроҳлик асбоблари. Тўқималарни кесиш ва тикиш. Чок ва тугун турлари. Маҳаллий оғриқсизлантириш усуллари. Операция ва унинг турлари (мўлжаллар, суяк ўсиқлари, линиялар).	2
2.	Болаларда ва катталарда қорин олд-ён деворининг клиник анатомияси, қорин оқ чизиги, киндик халқаси ва чов каналининг клиник анатомияси.	2
3.	Болаларда ва катталарда қорин олд-ён деворида ўтказиладиган кесмалар клиник анатомик асослари.	2
4.	Болаларда ва катталарда қоринпарда ва қорин бўшлиғи юқори қавати аъзоларининг клиник анатомияси (жигар ва ўт пуфағи).	2
5.	Болаларда ва катталарда қорин бўшлиғи юқори қавати аъзоларининг клиник анатомияси (меъда, талоқ ва меъда ости бези).	2
6.	Болаларда ва катталарда қорин бўшлиғи пастки қавати аъзоларининг клиник анатомияси, қорин бўшлиғидаги халталар, синуслар ва чўнтақларнинг клиник аҳамияти.	2
7.	Болаларда ва катталарда қорин бўшлиғи юқори қавати аъзолари операцияларининг клиник анатомик асослари: гастротомия, гастростомия, ошқозон резекцияси ва гастроэнтероанастомозлар.	2
8.	Ингичка ва йўғон ичак операцияларининг клиник анатомик асослари.	2
9.	Болаларда ва катталарда қоринпарда орқа бўшлиғи аъзолари ва бел соҳасининг клиник анатомияси.	2
10.	Қоринпарда орқа бўшлиғи аъзоларида бажариладиган операцияларнинг клиник анатомик асослари.	2
11.	Аёллар чаноғи аъзолари ва оралиғининг клиник анатомияси.	2
12.	Эркаклар чаноғи аъзолари ва оралиғининг клиник анатомияси.	2
13.	Чаноқ соҳасида бажариладиган операцияларининг клиник анатомик асослари.	2
14.	Болаларда ва катталарда кўкрак девори ва сут безининг клиник анатомияси.	2
15.	Болаларда ва катталарда диафрагма, плевра ва ўпкаларнинг клиник анатомияси.	2
16.	Болаларда ва катталарда олдинги кўкс оралиғи аъзолари: юрак ва перикард, айрисимон без, диафрагма нервлари, трахея ва бош бронхларнинг клиник анатомияси.	2
17.	Болаларда ва катталарда орқа кўкс оралиғи аъзоларининг клиник анатомияси.	2
18.	Кўкрак девори ва сут безида бажариладиган операцияларнинг клиник анатомик асослари.	2
	Жами	36

Амалий машғулот дарсларининг Хронокартаси

Дарс соатлари				Кўриладиган масалалар
I	II	III	IV	
8 ³⁰ -8 ³⁵	10 ²⁰ -10 ²⁵	12 ⁵⁰ -12 ⁵⁵	14 ³⁵ -14 ⁴⁰	Йўқлама ва маънавий-тарбиявий ишлар
8 ³⁵ -9 ⁰⁵	10 ²⁵ -10 ⁵⁵	12 ⁵⁵ -13 ²⁵	14 ⁴⁰ -15 ¹⁰	Ўтилган мавзу муҳокамаси ва талабаларни баҳолаш
9 ⁰⁵ -9 ¹⁵	10 ⁵⁵ -11 ⁰⁵	13 ²⁵ -13 ³⁵	15 ¹⁰ -15 ²⁰	Янги мавзуни тушунтириш
9 ¹⁵ -9 ²⁰	11 ⁰⁵ -11 ¹⁰	13 ³⁵ -13 ⁴⁰	15 ²⁰ -15 ²⁵	Танаффус
9 ²⁰ -9 ³⁰	11 ¹⁰ -11 ²⁰	13 ⁴⁰ -13 ⁵⁰	15 ²⁵ -15 ³⁵	Янги мавзуни тушунтириш
9 ³⁰ -9 ⁴⁵	11 ²⁰ -11 ³⁵	13 ⁵⁰ -14 ⁰⁵	15 ³⁵ -15 ⁵⁰	Янги мавзу бўйича мультимедиа дастурлари намойиши
9 ⁴⁵ -9 ⁵⁵	11 ³⁵ -11 ⁴⁵	14 ⁰⁵ -14 ¹⁵	15 ⁵⁰ -16 ⁰⁰	Талабаларнинг мустақил ишлаши
9 ⁵⁵ -10 ⁰⁵	11 ⁴⁵ -11 ⁵⁵	14 ¹⁵ -14 ²⁵	16 ⁰⁰ -16 ¹⁰	Интерфаол усуллар билан ўтилган мавзуни мустаҳкамлаш

Амалий машғулот №1

Тана соҳаларининг клиник анатомияси. Жарроҳлик асбоблари. Тўқималарни кесиш ва тикиш. Чок ва тугун турлари. Маҳаллий оғриксизлантириш усуллари. Операция ва унинг турлари (мўлжаллар, суяк ўсиқлари, линиялар).

Иш босқичнинг давомийлиги 2 соат (1пара) 90 мин	Ишни олиб борилиши	
	Муаллим томонидан	Талаба томонидан
1-босқич Ўқув дарсига кириш қисми (30 мин)	Машғулотдан мақсад- Талабаларга тана соҳаларининг клиник анатомияси билан таништириш, жарроҳликда ишлатиладиган асбоб ускуналарни таништириш, қайси соҳада қайси асбобларни ишлатиш кераклигини, асбоблар билан қандай ишлаш кераклигини ўргатиш. Талабага тўқималарни кесиш ва тикиш техникасини, чок қўйиш ва уни ечиш техникасини, маҳаллий оғриксизлантириш усуллари ўргатиш. Талабаларни операция ва унинг турлари билан таништириш. Операция ва унинг турлари тўғрисида маълумот бериш. 1. Ўқитувчи янги мавзунинг асоси тушунтиради. Ўқитувчи тана соҳаларининг бўлиниши, жарроҳлик асбобларининг турлари, уларнинг қайси операцияларда қўлланилиши, чок ва тугун турлари, маҳаллий оғриксизлантириш усуллари, операция ва унинг турларини, венапункция ва венасекция қилиш усуллари, венапункция ва венасекцияга кўрсатмаларни тушунтиради. 1.1. Талабалар машғулоти юзасидан билишлари керак. - Тана соҳаларининг клиник анатомиясини; - Жарроҳлик асбобларининг турларини; - Жарроҳлик асбобларини ушлаш қоидасини ва ишлатиш тартиби, талабларини; - Тўқималарни қаватма-қават кесиш ва тикишни; - Чок қўйиш ва уни ечишни; - Маҳаллий оғриксизлантириш усуллари; - Инъекция турлари ва уларнинг техникасини. - Венапункция нима? - Венасекция нима? - Паллиатив операция тури нима? - Радикал операция тури нима? - Шошинч операцияга кўрсатма? - Режали операцияга кўрсатма? 2. Қуйидаги қўникмаларни талабалар қила билишлари керак: - Жарроҳлик асбобларини ушлаш тартибини;	Эшитишади аниқлик киритишади, саволлар беришади.

	- Нинатутқичга нина ўрнатиш ва унга ип улашни; - Муляжда тўқималарни қаватма-қават кесишни; - Муляжда тўқималарни қаватма-қават тикишни; - Муляжда чок қўйиш ва уни ечишни; - Муляжда мушак ораси, тери ости ва вена ичи инъекцияларини қилиб кўрсатишни. - Венапункция қилиш техникасини; - Венасекция қилиш техникасини.	
2-боскич Асосий (40мин)	2.1. Савол жавоб шаклида билимларини актуаллаштириш ўтказилади Назорат саволлари: 1. Жарроҳлик ускуналари неча турга бўлинади ва уларга қўйиладиган талаблар; 2. Жарроҳлик ускуналарининг стериллаш қоидаларини айтиб беринг; 3. Чок қўйиш ва уни ечиш техникасини айтиб беринг; 4. Скальпелни неча хил ушлаш тартиби бор ва уларни айтиб беринг; 5. Маҳаллий оғриқсизлантириш турлари, уларни қўллаш техникаси; 6. Инъекция турлари ва техникаси айтиб беринг. 7. Венапункция нима? 8. Венасекция нима ? 9. Паллиатив операция нима ? 10. Радикал операция нима ? 11. Шошилиш операцияга кўрсатма. 2.2 Ўқув машғулоти структурасига биноан амалий ишлар орқали, «Тушунчалар таҳлили» технологияси орқали талабалар билимини мустаҳкамлаш. Амалий ишлар: - Талабалар жарроҳлик асбоблари, уларнинг турларини, улар билан ишлаш тартибларини, скальпел, унинг турлари ва ушлаш тартиблари, нинатутқичга нинани ўрнатиш тартибларини ўрганишади; - Тўқималарни қаватма-қават кесиш ва тикиш техникаларини, чок қўйиш ва уни ечишни муляжларда ўзлари бажариб ўрганишади; - Мушак ораси, тери ости ва вена ичи инъекцияларини муляжда ўзлари бажариб ўрганишади; 3. Аналитик қисм Вазиятли масала. 1. Болада вена ичи инъекцияси ўтказилиши керак. Лекин дори воситаси юборилаётган пайтда инъекция соҳаси терисининг шишиши кўзатилмоқда. Инъекция жараёнида қандай хатоликка йўл қўйилган? 2. Тўқимани тикаётганда купол чандиқлар қолмоқда.	Жавоб берадилар, эшитадилар, гуруҳда ишлайдилар, натижаларин ипрезентация қиладилар.

	Нима сабабдан чандиқ қолмоқда? 3. Бемор шок ҳолатида ётибди.бу пайтда биринчи ёрдам кўрсатиш мақсадида венапункция қилишни иложи бўлмади.Бу ҳолатда сизнинг тактикангиз? 4. Беморда венапункция қилишни иложи бўлмади.Бу ҳолатда венасекция қилиш керак.Венасекция қилиш учун нечта қават кесилади?	
3-боскич Яқунловчи- натижаловчи боскич (20 мин)	1.Мавзу бўйича хулоса чиқарилади, талабаларнинг фикрни мавзун асосига йўналтириб, профессионал иш юритишда қилинган ишларни муҳимлигини айтиб ўтади. 2.Гуруҳни алоҳида қатнашчиларини иш олиб боришини баҳолайди, ўзаро баҳолашни яқунига етказди. 3.Ўқув машғулотини мақсадига етишиш даражисини таҳлил қилади ва баҳолайди. 4.Аудиториядан ташқари бажариладиган мустақил ишни тарқатади.	Ўз-ўзини баҳолаш/ҳам ма қатори баҳолашни ўтказди. Саволлар беради.

Назарий қисм.


Топография –topos – жойлашув, grapho – ёзаман сўзидан олинган маъно бўлиб, ахзоларни танада жойлашувини, қушничилигини, скелетга (суякларга) нисбатан жойлашишини ўрганади. Шунинг учун ҳам бу фанда голотопия – аъзонинг танага нисбатан жойлашуви, склетотопия – суякларга нисбатан ўрни, синтопия – аъзоларни қўшнилари муносабати дейиладиган иборалар тез-тез ишлатилади. Шунингдек ОХТА фанида томия- кесиш, стомия- най солиш ёки бўш аъзоларни бир бирига улаш, резекция-аъзони бир қисмини олиб ташлаш, эктомия-мутлоқ олиб ташлаш, ампутация-қўл-оёқдадистал қисмини олиб ташлаш, эгзоартикуляция-бўғимдан олиб ташлаш каби жарроҳлик муолажалари тез-тез бажарилиб туради.

Оператив хирургия эса тезкорлик ва тежамкорлик билан кесиш, кам қон кетадиган жой ва усул билан қаватма-қават кесиш боришни ўргатади, бунинг учун эса операция қилинадиган соҳани қаватма-қават тузилиши ва клиник анатомиясини билиш керак бўлади

Жарроҳлик асбоблари 5 та турга бўлинади:

1. Кесувчи асбоблар: скальпеллар, арралар, ампутация пичоқлари, қайчилар ва ҳ.к.
2. Қон тўхтатувчи асбоблар: Москицимон қисқичлар, Кохер ва Бильрот қисқичлари, резинали жгутлар ва ҳ.к.
3. Ёрдамчи асбоблар: пинцетлар, шпателлар, жароҳатни кенгайтирувчи илмоқлар, корнцанг, цапка ва ҳ.к.
4. Махсус асбоблар: Дешан нинаси, трахея конюласи, симли арра, троакар ва ҳ.к.
5. Бирлаштирувчи асбоблар: ниналар, нина тутқичлар, тикиш учун ишлатиладиган материаллар: ипак, капрон, кетгут ва ҳ.к.

Топширик 1. Тушунтирилган мавзу бўйича график органиайзери (Кластер усули) тўлдиришади.



Топширик 2.

Тест саволлари:

1. Сўргичсимон ўсимтасининг трепанациясида қўлланиладиган асбоб?
А. Воячек стамескаси
Б. Листон қисқичи
В. сунгак қошиқчаси

Г. Джигль арраси
Д. арра

2. Калла трепанациясидаги махсус асбоб:

- А. Джигль арраси
- Б. Воячек стамескаси
- В. Листон қайчиси
- Г. суяк қошиқчаси
- Д. Фарабеф илгаги

3. Хирургик пинцет нимани ушлаб туриш учун қўлланилади:

- а) фасцияни
- б) ковак аъзоларни
- в) қон томирларни
- г) паренхиматоз аъзоларни
- д) нерв пояларини

4. Бошни резекцион трепанация қилишда қайси асбоб ишлатилади:

- а) жигли арраси
- б) япроксимон арра
- в) воячек стамескаси
- г) суяк қошиқлари
- д) линтон амбурлари

5. Жарроҳлик асбоблари неча турга бўлинади:

- а) 5 та
- б) 4 та
- в) 3 та
- г) 2 та
- д) бўлинмайди

6. Йирик, магистрал қон томирлардан қон кетганда томирни боғлаш учун қайси асбобдан фойдаланилади:

- а) Дешан нинасидан
- б) кесувчи нинадан
- в) тешувчи нинадан
- г) жароҳатламайдиган бир марталик нинадан
- д) скальпелдан

7. Трахеотомия операциясида қўлланиладиган асбоб:

- а) бир тишли илгак
- б) уч тишли илгак
- в) турт тишли илгак
- г) пинцетдан
- д) распатордан

8. Лапаратомияда қайси йўлдан кесиб кирилса қон кам кетади ёки умуман кетмайди?

- а) қориннинг оқ чизигидан
- б) қориннинг тўғри мускулидан
- в) тўғри мускулнинг латерал қиррасидан
- г) тўғри мускулнинг медиал қиррасидан

д) бел соҳасидан

9. Сийдик қопини пункция қилишда ишлатиладиган асбоб:

а) Троакар ёки Бир нинаси

б) коловорот

в) Дешан нинаси

г) резинали катетер

д) металл катетер

10. Кесиби тикувчи ниналар қайси тўқималарни тикишда ишлатилади:

а) терини

б) фасцияни

в) ичакларни

г) қон томирларни,

д) қорин пар дани.

Топширик 3.

Талабаларни баҳолаш варақаси

аъзонинг номи қорининг оқ чизиги, киндик тизимчаси ва чов канали

терминлар			Аъзо қисмлари	Аъзонинг фаолияти
Лотинча	Русча	Ўзбекча		

Машғулотнинг таъминланиши:

Плакатлар, муляжлар, мультимедиа, планшета, видеофильмлар.

Жорий баҳолаш мезони

Балл	Баҳо	Талабанинг билим даражаси
86-100	Аъло	Талаба жарроҳлик ускуналарини классификациясини, уларни ишлатилишини ва операция турларини тушунтира олса. Мавзу бўйича ўтилатган венасекция ва венапункция операцияларига кўрсатмалар ва қарши кўрсатмаларни билса, оператив очиб кириш ва оператив усулларни айтиб бера олса. Амалий кўникмаларни бажариб бера олса.
71-85	Яхши	Талаба жарроҳлик ускуналарини классификациясини, уларни ишлатилишини ва операция турларини тушунтира олса. Мавзу бўйича ўтилатган венасекция ва венапункция операцияларига кўрсатмалар ва қарши кўрсатмаларни билса, оператив очиб кириш ва оператив усулларни айтиб бера олса. Амалий кўникмаларни бажаришда қийналса ва ўқитувчи ёрдамида бажарса.
55-70	Қониқарли	Талаба жарроҳлик ускуналарини классификациясини, уларни ишлатилишини ва операция турларини тўлиқ тушунтира олмаса. Мавзу бўйича ўтилатган венасекция ва венапункция операцияларига кўрсатмалар ва қарши кўрсатмаларни, оператив очиб кириш ва оператив

		усулларни тасаввур қилса
55 дан кам	Қониқарсиз	Талаба ҳеч қандай тасаввурга эга бўлмаса.

Амалий машғулот №2

Болаларда ва катталарда қорин олд-ён деворининг клиник анатомияси, қорин оқ чизиғи, киндик халқаси ва чов каналининг клиник анатомияси.

Иш босқичнинг давомийлиги 2 соат (1пара) 90 мин	Ишни олиб борилиши	
	Муаллим томонидан	Талаба томонидан
1-босқич Ўқув дарсига кириш қисми (30 мин)	Машғулот мақсад - Талабаларга қорин олд-ён деворини чегарасини ўргатиш. Қорин олд ён деворини қаватлари ва соҳаларга бўлинишини ва унда жойлашган аъзоларни ташқи тасвирини аниқлаш. Қорин оқ чизиғининг ҳосил бўлиши ва унинг клиник аҳамияти, киндик халқаси ва унинг ҳосилалари, чов каналининг ҳосил бўлиши ва унинг ҳосилаларини ўргатиш. Ўқитувчи янги мавзунини оғзаки тушунтиради: Талабалар машғулот юзасидан билишлари керак: - Қорин олд-ён деворининг чегараларини; - Қорин олд ён деворининг қаватларини; - Қорин олд-ён деворининг соҳаларини; - Қорин олд-ён деворининг қон билан таъминланиши ва иннервацияларини; - Қорин оқ чизиғининг ҳосил бўлишини ва унинг клиник аҳамиятини; - Киндик халқасининг ҳосил бўлиши ва унинг ҳосилаларини; - Чов каналининг ҳосил бўлиши, унинг элементларини; - Чов каналининг деворларини. 1.Қуйидаги кўникмаларини талабалар қила билишлари керак: Муляжда қорин олд-ён деворини чегарасини кўрсатиш. Қорин олд-ён деворини соҳаларга бўлишни ва шу соҳаларда қайси аъзолар жойлашини кўрсата билишлари керак. Қорин оқ чизиғини муляжда кўрсатиш.	Эшитишади аниқлик киритишади, саволлар беришади.
2-босқич Асосий (40мин)	2.1.Блиц-сўроқ савол-жавоб шаклида билимларини актуаллаштириш ўтказилади. Назорат саволлари: 1. Қорин олд-ён деворининг чегаралари. 2. Қорин олд-ён деворини соҳаларга шартли	Жавоб берадилар, эшитадилар, гуруҳда ишлайдилар, натижаларини презентация

	бўлиниши. 3. Қорин олд-ён девори қаватлари. 4. ўнг ва чап ковурга ости соҳаларига қайси аъзолар жойлашади? 5. Эпигастрал соҳада қайси аъзолар жойлашади? 6. Қориннинг ўнг ва чап ёнбош соҳаларида қайси аъзолар жойлашади? 7. Киндик соҳасида қайси аъзолар жойлашади? 8. ўнг ва чап чов ёнбош соҳаларида қайси аъзолар жойлашади? 9. Қорин оқ чизиғи қандай ҳосил бўлади? 10. Чов каналининг деворларини нима ҳосил қилади? 11. Киндик халқасидан қандай элементлар ўтади? 2.2. Ўқув машғулотини структурасига биноан амалий ишлар, вазиятли масалалар ўрганилади. Амалий ишлар. - Қорин олд-ён девори, унинг чегаралари, - Қорин олд-ён деворини соҳаларга шартли бўлиниши, - Қорин олд-ён девори қаватлари, ва қорин олд-ён деворидаги 9та соҳада жойлашган аъзоларни ўрганадилар. - Қорин оқ чизиғи ҳосил бўлишини чизиб бериш. 2.3. Аналитик қисм Вазиятли масала: 1) ўнг ёнбош соҳасида оғриқ пайдо бўлди. Бу соҳада қайси аъзолар жойлашган. 2) Эпигастрал соҳада оғриқ пайдо бўлди. Бу соҳада қайси аъзолар жойлашган. 3) Чап ковурга ости соҳасида оғриқ пайдо бўлди. Бу соҳада қайси аъзолар жойлашган. 4) Беморда чов бойлами, бурмаси атрофида шиш борлиги аниқланди. Бу шиш чов чуррасими ёки сон чуррасими, қандай аниқласа бўлади? 5) Чақалоқлар тез-тез киндик чурраси билан касалхонага тўшадилар нега айнан киндик чурраси чақалоқларда тез-тез учрайди, киндик халқаси соҳасида қорин деворининг қайси қаватлари бўлмайди?	қиладилар.
3-боскич Яқунловчи- натижаловчи боскич (20 мин)	1. Мавзу бўйича хулоса чиқарилади, талабаларнинг фикрлари мавзунинг асосига йўналтириб, профессионал иш юритишда қилинган ишларни муҳимлигини айтиб ўтади. 2. Гуруҳни алоҳида қатнашчиларни иш олиб боришини баҳолайди, ўзаро баҳолашни яқунига етказди.	Ўз-ўзини баҳолаш/хамма қатори баҳолашни ўтказди. Саволлар беради.

	3.Ўқув машғулоти мақсадига етишиш даражисини таҳлил қилади ва баҳолайди. 4.Аудиториядан ташқари бажариладиган мустақил ишни таркатади.	
--	---	--

Назарий қисм:

Қориннинг олдинги ён деворлари юқоридан тўш суягининг ханжарсимон ўсиғидан қовурға ёйлари бўйлаб қўлтик ости ўрта чизигича, пастдан – қов суягининг устидан, чов бурмаси орқали ёнбош суягининг олдинги юқори ўткир ўсиғича ўтказилган чизикқа тўғри келади.

Қорин бўшлиғида жойлашган аъзоларнинг теридаги ташқи тасвирини аниқлаш ва уларни ўзаро топографо – анатомик муносабатини ўрганиш мақсадида қориннинг олдинги ён деворини иккита кўндаланг горизонтал чизиклар ёрдамида 3та соҳага ва иккита вертикал чизиклар орқали яна 9та соҳага бўлиб ўрганилади. Бунда, юқорги кўндаланг чизик, 10-қовурғалар ёнининг пастки қирраларини ўзаро бирлаштиради.

Пастки горизонтал чизик иккала ёнбош суяқларининг олдинги юқори ўсиқларини бирлаштиради. Натижада қориннинг олдинги ён деворида 3та соҳа ҳосил бўлиб, юқори горизонтал чизикдан устида – қорин бўшлиғи усти соҳаси, иккала горизонтал чизиклар орасида – қорин бўшлиғи хусусий соҳаси ва пастки горизонтал чизикдан пастда – қорин бўшлиғи пастки соҳаларига шартли равишда бўлинади.

Қорин олди ва ён девори тери тери ости ёғ қавати ва умумий фациядан ибора биринчи қаватга ва иккинчи мускул қаватига бўлиб ўрганилади.

Иккинчи қават асосан мускуллардан ташкил топган.

Ён мускуллар:


Қориннинг ташқи қийшиқ мускули — *musculus obliquus externus abdominis*. Бу мускул VIII- қовурғадан бошланиб, ёнбош суяги қиррасининг лабига ёпишади, мускул толалари юқоридан пастга ва ташқаридан ичкарига йўналган. Мускул пай апоневрози — *aponeurosis musculi obliquus externi abdominis* га айланиб, барча мускуллар ва апоневрозлар устидан ўтиб, тўш суягининг ханжарсимон ўсиғи билан қов бирлашмасининг юқори қисмига ёпишиб қорин олд ён девори оқ чизигини *linea alba* ни ҳосил қилишда иштирок этади.

Қориннинг ташқи қийшиқ мускули пай апоневрози ёнбош суягининг олдинги юқорги дўнгиллиги ва қов суягининг дўмбоқчаси ўртасида тортилиб ичкарига эгилиб қалинлашади. Бир оз ичкарига бурилгач тарновсимон арикча ҳосил қилиб чов бойлами *Ligamentum inguinale* ни ҳосил қилади.

Ташқи қийшиқ мускулнинг пай апоневрози чов бойламининг пастки қисми юқорисида икки бўлакка бўлинади. Пай апоневрозининг юқори ва пастки оёқлари - *crus mediale et crus laterale* дейилади. Унинг юқори оёғи қов суяқларининг бирлашган жойига бориб ёпишса, пастки оёғи қов суягининг дўмбоқчасига бирикиб қайтувчи ва кўтарилиувчи толаларни беради, ҳамда пай апоневрозининг юқори оёғига бирикиб - *iig. reflexum* бойламини ҳосил қилади. Шундай қилиб, чов соҳасида ташқи қийшиқ мускулнинг пай оёқлари ва бу оёқларни бирлаштирувчи пай толалари ўртасида чов каналининг ташқи сатҳий тешиги (ҳалқаси) — *annulus inguinalis superficialis* ҳосил бўлади.

Чов канали — *canalis inguinalis* деб, қориннинг қийшиқ мускуллари орасида жойлашган бўшлиққа айтилади. Ички қийшиқ ва кўндаланг мускуллар пастки қисмининг чов бойламига етиб бормаслиги натижасида уларнинг орасида бўшлиқ пайдо бўлади. Чов каналининг тўртта девори ва иккита тешиги тафовут этилади. Унинг юқори деворини – ички қийшиқ ва кўндаланг мускулларнинг пастки қирралари, пастки деворини – чов бойлами, олдинги деворини – ташқи қийшиқ мускул апоневрози, ички деворини – қориннинг ички фасцияси ҳосил қилади.

Топширик 1. Тушунтирилган мавзу бўйича график органайзерни (Кластер усули) тўлдиришади.





Топширик 2.

Тест саволлари.

1. Қорин олди ён деворининг юкори чегарасини аникланг?

- А) 10-қовурға ёйлари ва тўш суягининг ханжарсимон усиғи.
- Б) 12-қовурға ёйлари ва тўш суягининг ханжарсимон усиғи.
- В) 11-қовурға ёйлари ва тўш суягининг ханжарсимон усиғи.
- Г) 8-қовурға ёйлари ва тўш суягининг ханжарсимон усиғи.
- Д) 6-қовурға ёйлари ва тўш суягининг ханжарсимон усиғи.

2. Қорин олди ён деворининг пастки чегарасини аникланг?

- А) ёнбош суягининг олдинги юкори киррасидан чов бойламлари оркали ков симфизигача.
- Б) 12-қовурғадан чов бойламлари оркали ков симфизигача.
- В) 10-қовурғадан чов бойламлари оркали ков симфизигача..
- Г) 9-қовурғадан чов бойламлари оркали ков симфизигача.
- Д) 11-қовурғадан чов бойламлари оркали ков симфизигача.

3. Қорин олди ён девори нечта қаватдан ташкил топган?

- А) 9та қаватдан ташкил топган.
- Б) 4та қаватдан ташкил топган.
- В) 5та қаватдан ташкил топган.
- Г) 6та қаватдан ташкил топган.
- Д) 7та қаватдан ташкил топган.

4. Қорин олди ён девори нечта сохага бўлинади?

- А) 9та сохага
- Б) 5та сохага
- В) 6та сохага
- Г) 7та сохага
- Д) 10 сохага

5. Қорин олди ён деворининг юза қаватини кўрсатинг?

- А) тери, т/о ёғ қавати, юза фасция

- Б)қорининг ташки ва ички қийшиқ мускули
 В)кундаланг мушак ва фасция
 Г)ички ёғ ва қорин парданинг париетал вароғи
 Д) қорин парданинг париетал вароғи ва қорининг ички қийшиқ мускули.

6. Қорин олди ён девори 2та горизонтал чизиклар ёрдамида қайси сохаларга бўлинади?

- А)эпигастрал сохага.
 Б)мезогастрал сохага.
 В)Хипогастрал сохага.
 Г)Чанок сохасига.
 Д)Кукрак сохасига.

7.Жигар ва ўт пуфаги қорин олди ён деворининг қайси сохасига жойлашган.

- А) ўнг қовурға ости сохасига.
 Б) чап қовурға ости сохасига.
 В) ўнг чов-ёнбош сохасига.
 Г)Чап чов-ёнбош сохасига.
 Д)Киндик сохасига.

8. Ошқозон ва 12 бармокли ичакнинг юқорига қисми қорин деворининг қайси сохасига жойлашган.

- А)Хусусий эпигастрал сохасига.
 Б)ўнг қовурға ости сохасига.
 В) чап қовурға ости сохасига.
 Г) ўнг чов-ёнбош сохасига.
 Д) қов усти сохасига.

Топширик 3.

Талабаларни баҳолаш варақаси

аъзонинг номи қорининг оқ чизиги, киндик тизимчаси ва чов канали

терминлар			Аъзо қисмлари	Аъзонинг фаолияти
Лотинча	Русча	узбекча		

Машғулотнинг таъминланиши:

Плакатлар, муляжлар, мультимедиа, планшета, видеофильмлар.

Жорий баҳолаш мезони

Балл	Баҳо	Талабанинг билим даражаси
86-100	Аъло	Талаба қорин-олд ён деворини сохаларини, қаватларини, қон билан таъминланиши, иннервацияси ва лимфа тизимини тушунтира олса. Қорин тўғри мускули қинини тузилишини, қорин деворидаги қава-кавал ва порто-кавал анастомозларни билса. Амалий кўникмаларни бажариб бера олса.
71-85	Яхши	Талаба қорин-олд ён деворини сохаларини, қаватларини, қон билан таъминланиши, иннервацияси ва лимфа тизимини тушунтира олса. Қорин тўғри мускули

		қинини тузилишини, қорин деворидаги қава-кавал ва порто-кавал анастомозларни айтишда қийналса. Амалий кўникмаларни бажаришда хатоликларга йўл қўйса.
55-70	Қониқарли	Талаба қорин-олд ён деворини соҳаларини, қаватларини, қон билан таъминланиши, иннервацияси ва лимфа тизимини тўлиқ тушунтира олмаса. Қорин тўғри мускули қинини тузилишини, қорин деворидаги қава-кавал ва порто-кавал анастомозларни айтишда қийналса. Амалий кўникмаларни ўқитувчи ёрдамида бажарса.
55 дан кам	Қониқарсиз	Талаба ҳеч қандай тасаввурга эга бўлмаса.

Амалий машғулот №3

Болаларда ва катталарда қорин олд-ён деворида ўтказиладиган кесмалар клиник анатомик асослари.

Иш боскичнинг давомийлиги 2 соат (1пара) 90 мин	Ишни олиб борилиши	
	Муаллим томонидан	Талаба томонидан
1-боскич Укув дарсига кириш қисми (30 мин)	Машғулотдан мақсад- Талабаларга қорин олд-ён деворида ўтказиладиган кесмалар, қорин девори чурралари таснифи, чов ва киндик чурралари операцияларининг топографо-анатомик хусусиятларини тушунтириш. Ўқитувчи янги мавзунини оғзаки тушунтиради Талабалар машғулот юзасидан билишлари керак: - Қорин олд-ён деворида ўтказиладиган кесмаларни; - Қорин девори чурралар таснифини; - Чов ва киндик чурралар операциялари топографо-анатомик хусусиятларини. Қуйидаги кўникмаларни талабалар қила билишлари керак: - Муляжда қорин деворида ўтказиладиган кесмаларни кўрсата билишни; - Чов ва сон чуррасини муляжда фарқлаб кўрсатишни; - Қорин девори чурраларини фарқлай билишни.	Эшитишади аниқлик киритишади, саволлар беришади.
2-боскич Асосий (40мин)	Блиц-сўроқ, савол- жавоб шаклида билимларини актуаллаштириш ўтказилади Назорат саволлари 1. Қорин олд-ён деворида қандай кесмалар ўтказилади? 2. Қорин девори чурралари таснифи? 3. Қийшик чов чурраси деб нимага айтилади? 4. Тўғри чов чурраси деб нимага айтилади?	Жавоб берадилар, эшитиладилар, гуруҳда ишлайдилар, и натижаларини, презентация қиладилар.

	5.Ортирилган чов чурраси нима? 6. Туғма чов чурраси нима? 7.Чов ёрғок чурраси ҳақида маълумот беринг? 8.Киндик чурралари ҳақида маълумот беринг? Ўқув машғулоти структурасига биноан Амалий ишлар вазиятли масалалар ёрдамида ўрганилади. Амалий ишлар. 2. Аналитик қисм: Вазиятли масала: 1. Беморда чов бойлами, бурмаси атрофида шиш борлиги аниқланди. Бу шиш чов чуррасими ёки сон чуррасими, қандай аниқласа бўлади? 2. Чақалоқлар тез-тез қиндик чурраси билан касалхонага тўшадилар нега айнан қиндик чурраси чақалоқларда тез-тез учрайди, қиндик ҳалқаси соҳасида қорин деворининг қайси қаватлари бўлмайди?	
3-боскич Яқунловчи-натижаловчи боскич (20 мин)	3.1Мавзу буйича хулоса чиқарилади, талабаларнинг фикрни мавзуни асосига йуналтириб, профессионал иш юритишда килинган ишларни муҳимлигини айтиб утади. 3.2 Гуруҳни алоҳида катнашчиларни иш олиб боришини баҳолайди, узаро баҳолашни якунига етказди. 3.3 Уқув машғулотини мақсадига етишиш даражисини таҳлил қилади ва баҳолайди. 3.4Аудиториядан ташқари бажариладиган мустақил ишни таркатади.	Ўз-ўзини баҳолаш/хамма катори баҳолашни утказди. Саволлар беради.

Назарий қисм:

Қорин бўшлиғи органларидаги операцияларда унинг алоҳида боскичларини изчил кетма кет бажариш қоидаларига риоя қилиш лозим. Операцияни енгиллаштириш ва қорин бўшлиғи органларига юқумли микроблар тушушининг олинди олиш мақсадида, қорин бўшлиғидан ташқарига чиқарилган органлар стерилланган сочиклар билан изоляция қилинади-алоҳидаланади ва улар совиб ҳамда қуриб қолмаслиги учун ҳўл сочикчалар билан ўралади.

Ўрта лапаротомия қориннинг оқ чизиги бўйлаб ўтказилади. У тўшнинг ханжарсимон ўсиғидан қиндиккача, қиндикдан қов суягига бажарилиши мумкин. Юқори ўрта лапаротомияда тери ва тери ости клетчаткаси ханжарсимон ўсиқдан бошлаб пасткга томон кесилади ва қиндикка етмасдан тугатилади. Қориннинг оқ чизиги кесилади. Қўндаланг лапаротомия муҳим аҳамиятга эга бўлишига қарамасдан, жарроҳликда кенг қўлланмади. Қўндаланг лапаротомия лапаротомиянинг 2 тури-юқори ва пастки турлари тафовут қилинади.

Бурчаксимон кесмалар қорин бўлиғи органларига очиқ қилишда, қўпинча урта лапаротомиянинг ўрин деворини қўшимча қўндаланг ёки қийшиқ кесмалар билан патологик учоқнинг жойлашганига қўра ўнг ёки чап томонга очишдаги комбинация ҳисобланади. Ривожланиш даражаси,локализацияси ва структурасига қўра қуйидаги чурралар фарқ қилинади:

-бошланғич чурралар, бунда қорин ташқи қийшиқ мускули апоневрозининг, яъни чов канали олдинги девори енгилгина чўзилади, шунингдек, чов канали ташқи тешиги ҳажми

катталашади, шу вақтнинг ўзида чурра бўртиғи чов каналида жойлашади ва ташқи тешик орқали пастга тушмайди.

-қийшиқ чов чурралари, бунда чурра бўртиғи уруғ тизимчаси йўлини такрорлайди;


-тўғри чов чурраси –чурра халтаси медиал чов чуқурчаси орқали,чов чуқур халқасидан медиалроқ бўртади. Чурра бутун чов каналидан ўтмасдан, фақат деярли медиал чов чуқурчаси сатҳида жойлашган унинг ташқи тешиги орқали ўтади.Бундай чов чуррасида чурра халтаси умумий қин пардасидан ташқарида жойлашади ва ёрғоққа ўтиб кетмайди;

-тўғриланадиган чурралар - бундай чурра бўртиғи қорин бўшлиғида эркин тўғриланади;

-тўғриланмайдиган чурралар, чурра халтаси билан уни ўраб турган атроф тўқималар ва чурра таркибининг чандиқ тўқима туфайли бир-бири билан чатишиб ўсиб кетиши оқибатида қорин бўшлиғига тўғриланмайди;

-қисилган чурралар, яъни бунда чурра таркибидаги аъзо ва тўқима чурра дарвозаси сатҳидаги чов каналининг ташқи халқаси олдида кескин сиқилади.

Топшириқ 1. Тушунтирилган мавзу бўйича график органиайзерни (Кластер усули) тўлдиришади.



Топширик 2.

Тест саволари:

1. Чов каналида қайси нерв ётади
 - а) сон таносил нервнинг таносил шохи
 - б) ёнбош қорин усти нерви
 - в) сон нерви
 - г) уятли нерв
 - д) ўтиргич нерв

2. Қорин тўғри мускулининг қинини нима ҳосил қилади
 - а) қориннинг ташқи, кийшик, кўндаланг мускуллар апоневрози
 - б) хусусий фасция
 - в) тери
 - г) кўндаланг фасция
 - д) қорин парда

3. Кийшик чов чуррасида чурра ҳалтаси қаерда жойлашади
 - а) уруғ тизимчасининг ичида
 - б) уруғ тизимчасидан ташқарида
 - в) умумий қин пардасидан ташқарида
 - г) кремастер мускули толаларидан ичкарида
 - д) умумий қин пардасидан ичкарида

4. Кийшик чов чуррасида чурра ҳалтаси қаерда жойлашади
 - а) уруғ тизимчасининг ичида
 - б) уруғ тизимчасидан ташқарида
 - в) умумий қин пардасидан ташқарида
 - г) кремастер мускули толаларидан ичкарида
 - д) умумий қин пардасидан ичкарида

5. Тўғри чов чуррасида чурра ҳалтаси қаердан ўтади
 - а) чов каналининг юза тёшиги орқали
 - б) чов канали орқали
 - в) чов каналининг чуқур тёшиги орқали
 - г) ташқи чов чурраси орқали
 - д) сийдик пуфаги устидаги чуқурча орқали

6. Қориннинг олдинги ён деворида кўндаланг фасциядан чуқур дс нима жойлашади
 - а) қорин парда олд ёғ клеткаси
 - б) қорин парданинг париэтал варағи
 - в) ички кийшик мускулнинг апоневрози
 - г) қориннинг тўғри мускули
 - д) қориннинг кўндаланг мускули

Топширик 3.

Талабаларни баҳолаш варақаси

аъзонинг номи қориннинг оқ чизиги, киндик тизимчаси ва чов канали

терминлар			Аъзо қисмлари	Аъзонинг фаолияти
Лотинча	Русча	узбекча		

Машғулотнинг таъминланиши:

Плакатлар, муляжлар, мультимедиа, планшета, видеофильмлар.

Жорий баҳолаш мезони

Балл	Баҳо	Талабанинг билим даражаси
86-100	Аъло	Талаба қорин олд-ён деворида ўтказиладиган кесмаларни, қорин девори чурраларини ҳосил бўлиши механизмини ва чов чурраларини таснифини тушунтира олса. Киндик ва чов чурралари операцияларга кўрсатмалар ва қарши кўрсатмаларни билса, оператив очиб кириш ва оператив усулларни айтиб бера олса. Амалий кўникмаларни бажариб бера олса.
71-85	Яхши	Талаба қорин олд-ён деворида ўтказиладиган кесмаларни, қорин девори чурраларини ҳосил бўлиши механизмини ва чов чурраларини таснифини тушунтира олса. Киндик ва чов чурралари операцияларга кўрсатмалар ва қарши кўрсатмаларни билса, оператив очиб кириш ва оператив усулларни айтиб беришда хатоликларга йўлқўйса. Амалий кўникмаларни бажаришда қийналса.
55-70	Қониқарли	Талаба қорин олд-ён деворида ўтказиладиган кесмаларни билса, қорин девори чурраларини ҳосил бўлиши механизмини ва чов чурраларини таснифини тушунтиришда хатоликларга йўл қўйса. Киндик ва чов чурралари операцияларга кўрсатмалар ва қарши кўрсатмаларни адаштира, оператив очиб кириш ва оператив усулларни айтиб беришда қийналса. Амалий кўникмаларни бажара олмаса.
55 дан кам	Қониқарсиз	Талаба ҳеч қандай тасаввурга эга бўлмаса.

Амалий машғулот №4

Болаларда ва катталарда қоринпарда ва қорин бўшлиғи юқори қавати аъзоларининг клиник анатомияси (жигар ва ўт пуфағи).

Иш босқичининг давомийлиги 2 соат (1пара) 90 мин	Ишни олиб борилиши	
	Муаллим томонидан	Талаба томонидан
1-босқич: Ўқув дарсига кириш қисми	Машғулотдан мақсад: Талабаларга қорин бўшлиғи ва унинг деворларини, қорин парда	Эшитишади аниқлик киритишади,

(30 мин)	бўшлиғини, қаватларга бўлинишини, болалар ва катталарда меъда, жигарнинг жойлашишини, ўлчамларини, жигар-ўн икки бармоқ ичак бойлами клиник анатомиясини, ўт пуфаги, талок, меъда ости бези ва ўн икки бармоқли ичак синтопияси, скелетотопияси, қон томирлари ва иннервациясини ўргатиш. Ўқитувчи янги мавзунини оғзаки тушунтиради. Талабалар машғулоти юзасидан билишлари керак: - жигар ва ўт пуфагини клиник анатомияси; - қорин бўшлиғи юқори қавати чегаралари; - жигар – ўн икки бармоқ ичак бойлами клиник анатомияси; - ўт пуфаги ва талокнинг клиник анатомияси; Қуйидаги кўникмаларни талабалар қила билишлари керак: - Муляжда жигарнинг чегараларини аниқлашни; - Муляжда ўт пуфаги ва ўт йўллари кўрсатишни.	саволлар беришади.
2-боскич Асосий (40мин)	Савол жавоб шаклида билимларини актуаллаштириш ўтказилади Назорат саволлари: 1. Қорин бўшлиғи юқорги қаватига қайси аъзолар киради? 2. Жигарни голотопияси? 3. Жигарни синтопияси? 4. Жигарни скелетотопияси? 5. Жигар бойламлари ва қон билан таъминланишини айтиб беринг. 6. Дарвоза венаси топографиясини гапириб беринг. 7. Ўт пуфаги клиник анатомиясини айтиб беринг. 8. Ўт пуфагини қон билан таъминланиши? 2.2. Ўқув машғулоти структурасига биноан амалий ишлар, вазиятли масалалар ёрдамида ўрганилади. Амалий ишлар. 2.3. Аналитик қисм: Вазиятли масалалар: - Ўт умумий йўлидан тошни олиб ташлаш учун унинг синтопиясини билиш керак. Ўт-тош касаллиги операциясида қайси аъзоларни ихтиётлик билан суриб қўйилади? - Чувалчангсимон ўсимтасини олиб ташлаш учун қорин бўшлиғига очиб кирилганда, уни ўзгармаганлиги, аксинча ўсимтанинг атрофида ўт суюқлиги борлиги аниқланди. Сизнингча ўт суюқлиги қандай қилиб қорин пастки қаватига ўтиб қолган?	Жавоб берадилар, эшитадилар, гуруҳда ишлайдилар, и натижаларини, презентация қиладилар.
3-боскич Яқунловчи-	1.Мавзу бўйича хулоса чиқарилади, талабаларнинг фикрлари мавзунини асосига йўналтириб, профессионал	Ўз-ўзини баҳолаш/хамма

натижаловчи боскич (20 мин)	иш юритишда килинган ишларни муҳимлигини айтиб утади. 2.Гуруҳни алоҳида қатнашчиларни иш олиб боришини баҳолайди, ўзаро баҳолашни якунига етказди. 3.Ўқув машғулотини мақсадига етишиш даражисини таҳлил қилади ва баҳолайди. 4.Аудиториядан ташқари бажариладиган мустақил ишни тарқатади.	катори баҳолашни утказди. Саволлар беради.
-----------------------------------	--	--

Назарий қисм:

Кўндаланг чамбар ичак ва унинг тутқичи қорин бўшлиғини икки қаватга: юқори ва пастки қаватларга бўлиб туради. қорин бўшлиғи юқори қаватида қўйидаги аъзолар жойлашган: меъда, жигар ўт пуфаги, талоқ, ҳамда гарчи қорин парда орқа бўшлиғида жойлашган бўлсада голотопик нуктаи-назардан юқори қаватга тўғри келгани учун меъда ости беши ва ўн икки бармоқли ичакнинг юқориги қисмлари қиради. Аъзолардан ташқари йирик қон томирлар, қорин парда варақлари ҳосил қилган халталар, чўнтаклар ҳам жойлашади.

Жигар қорин бўшлиғининг юқори қаватида жойлашиб диафрагма остида куп қисми билан ўнг ковурга соҳасида, бир қисми қориннинг юқориги соҳасида, жуда оз қисми билан чап ковурга соҳасида ётади. Жигарнинг жойлашига ва уни ўраб турган аъзоларига қараб: диафрагма юзаси ва орқага қараган юзаси тафовут қилинади. Унинг диафрагма юзасида сагитал йўналишда ўроқсимон бойлами ўтиб, уни ўнг ва чап бўлақларга бўлиб туради, орқа юзаси қорин пардадан ҳоли бўлиб, у ерда пастки кавак вена ўтадиган эгат бор. Жигарнинг қорин бўшлиғига қараган юзасининг ўнг томонида ўт пуфаги чуқурчаси, чап томонида юмалоқ бойлам ёриғи бўлиб, унинг ичидан жигарнинг юмалоқ бойлами ўтади.

Жигарнинг юқорги юзаси диафрагмага, қориннинг олдинги деворига тегиб туради. Унинг пастки юзаси меъдага, 12 бармоқ ичакка, ўт пуфагига, кўндаланг чамбар ичакка ва меъда ости бешига тегиб туради. Жигар чап бўлаги қирраси талоқнинг ички юзасига етиб боради.


Жигар мезиперитонеал қорин аъзолари гуруҳига қиради. Жигарнинг қуйидаги бойламлари бўлади. Жигарнинг юмалоқ бойлами, ўроқсимон бойлам, жигарнинг учбурчаксимон ўнг ва чап бойламлари, жигар буйрак бойлами, жигар 12 бармоқли ичак бойлами, жигар ошқозон бойламлари.

Жигарга икки манбадан қон келади. Буларнинг бири жигарнинг хусусий артерияси, иккинчиси қопқа венаси.

Қопқа венаси пастки ковак венанинг олдинги томонида йўлашган бўлиб, жуда ҳам узун эмас (3-5 см), лекин кўндаланг қисми анчагини йўгон бўлади (10-12 мм) бўлади.

Қопқа венасининг ўнг ва чап шохлари жигар паренхимасига киргандан сунг худди жигар артерияси каби майда тармоқчаларга бўлинади. Тармоқчалар борган сари майдалаша боради. Бу майда тармоқчалар жигар бўлақчалари ўртасидан ўтаётиб бўлақлараро веналар номини олади. Бу майда веналар қайтадан йириклашиб, марказий веналарга ўтади. Югувчи веналар бир-биридан қўшилиб йириклашади ва пировардида жигар веналарини ҳосил қилади. Жигар веналари сон жиҳатидан кўп (3-4) бўлиб, улар пастки ковак венага қўяди.

Топшириқ1. Тушунтирилган мавзу бўйича график органиайзерни (Кластер усули) тўлдиришади.



Топшириқ 2.

Тестлар:

1. Жигар нечта бўлақдан иборат
 - а) 2
 - б) 3
 - в) 4
 - г) 5
 - д) 6
2. Жигар куйидаги бойламлари бўлади
 - а) lig.teres hepatis.

- б) lig.falciforme hepatis
- в) lig.coronarium hepatis
- г) lig.gastrocolicum.
- д) lig.gastrolienale.

3. Жигарнинг кон билан таъминланиши

- а) жигарнинг хусусий артерияси.
- б) қопқа венаси
- в) ошқозон артерияси.
- г) талоқ артерияси
- д) буйрак артерияси.

4. Қопқа венаси қайси вена

- а) меъда ости беги, талоқ
- б) талоқ, ўт пуфаги
- в) пастки ва юкори ичак туткич веналари.
- г) ички ёнбош венаси.
- д) ташки ёнбош венаси.

5. lig.hepatoduodenale жигар 12 бармоқли ичак бойлами таркиби.

- а) умумий ўт йули
- б) қопқа венаси.
- в) жигар артерияси.
- г) ошқозон артерияси.
- д) ошқозон ости беги артерияси.

6. Умумий ўт йули нечта бўлаги тафовут қилинади

- а) 4
- б) 2
- в) 3
- г) 5
- д) 6

7. Фатер сўргичи қаерда жойлашган?

- а) 12 бармоқли ичак орқа қисмида.
- б) Умумий ўт йўли деворида.
- в) Пуфак деворида.
- г) Жигар ўт йули деворида.
- д) 12 бармоқли ичак олдинги деворида.

Топшириқ 3.

«Тушунчалар таҳлили»

Тушунча	мазмун
Топография	

Топографо-анатомик терминология	
Жигар ва ўт пуфагининг скелетотопия	
Жигар ва ўт пуфагининг голототопия	
Жигар ва ўт пуфагининг синтопия	
Жигар ва ўт пуфагининг қон билан таъминланиши	
Жигар ва ўт пуфагининг иннервацияси	
Жигар ва ўт пуфагининг лимфа оқими	

Топшириқ 4.

ОХТА фанидан талабаларни баҳолаш варақаси

терминлар			Аъзо қисмлари	Аъзонинг фаолияти
Лотинча	Русча	Ўзбекча		

Машғулот таъминланиши: Расмлар, муляжлар, скелет, препаратлар, диафильмлар ва видеофильмлар.

Жорий баҳолаш мезони

Балл	Баҳо	Талабанинг билим даражаси
86-100	Аъло	Талаба жигар ва ўт пуфагининг голотопияси, скелетотопияси ва синтопияси, қон билан таъминланиши, иннервацияси, лимфа тизимини тушунтира олса. Қоринпардага таъриф бера олса. Амалий кўникмаларни бажариб бера олса.
71-85	Яхши	Талаба жигар ва ўт пуфагининг голотопияси, скелетотопияси ва синтопияси, қон билан таъминланиши, иннервацияси, лимфа тизимини тушунтира олса. Қоринпардага таъриф беришда ҳамда амалий кўникмаларни бажаришда хатоликларга йўл қўйса.
55-70	Қониқарли	Талаба жигар ва ўт пуфагининг голотопияси, скелетотопияси ва синтопияси, қон билан таъминланиши, иннервацияси, лимфа тизимини тушунтиришда қийналса. Қоринпардага таъриф беришда хатоликларга йўл қўйса. Амалий кўникмаларни ўқитувчи ёрдамида бажарса.
55 дан кам	Қониқарсиз	Талаба ҳеч қандай тасаввурга эга бўлмаса.

Амалий машғулот № 5

Болаларда ва катталарда қорин бўшлиғи юқори қавати аъзоларининг клиник анатомияси (меъда, талоқ ва меъда ости бези).

Иш босқичининг давомийлиги 2 соат (1пара) 90 мин	Ишни олиб борилиши	
	Муаллим томонидан	Талаба томонидан
1-босқич Укув дарсига кириш қисми (30 мин)	Машғулотдан мақсад- Талабаларга меъда, талоқ ва меъда ости бези клиник анатомияси ҳақида маълумот бериш. Ўқитувчи янги мавзунини оғзаки тушунтиради. Талабалар машғулот юзасидан билишлари керак: - Меъданинг клиник анатомияси, қон ва нерв билан таъминланишини; - талоқнинг ва голотопияси, синтопияси, скелетотопиясини; - меъда ости безининг голотопияси, синтопияси, скелетотопиясини; - катта чарви топографиясини; Қуйидаги қўникмаларни талабалар қила билишлари керак: - Муляжда ва плакатда меъда, талоқ ва меъда ости безининг қон томири, лимфа оқими ва нервларини кўрсата билишлари керак.	Эшитишади аниқлик киритишади, саволлар беришади.
2-босқич Асосий (40мин)	Савол жавоб шаклида билимларини актуаллаштириш ўтказилади Назорат саволлари: 1. Меъданинг синтопияси; 2. Меъданинг скелетотопияси; 3. Меъданинг қон билан таъминланиши; 4. Талоқнинг синтопияси; 5. Талоқнинг скелетотопияси; 6. талоқнинг қон билан таъминланиши; 7. Меъда ости безининг синтопияси; 8. Меъда ости безининг скелетотопияси; 9. Меъда ости безининг қон билан таъминланиши; Ўқув машғулотини структурасига биноан амалий ишлар ва вазиятли масалалар орқали талабалар билимини мустаҳкамлаш. Амалий ишлар: - конспект дафтарида меъда, меъда ости бези ва талоқни расмини чизишади; - плакат ва муляжда меъда, меъда ости бези ва талоқни қон томир ва нервларини, қўшни	Жавоб берадилар, эшитадилар, гуруҳда ишлайдилар, натижаларини презентация қиладилар.

	аъзоларга нисбатан жойлашишини кўрсатади. 3. Аналитик қисм Вазиятли масалалар: 1. Меъда ости безини консистенциясини билиш тақазо этганда, чарви бўшлиғи деворини кесмасдан аниқлаш мумкинми? 2. Кичик чарви ичидаги (DVA) ҳаётий ҳосилалардан умумий ўт йўлини топиб, тошни олиб ташлаш керак?	
3-боскич Яқунловчи-натижаловчи боскич (20 мин)	1. Мавзу бўйича хулоса чиқарилади, талабалар фикрини мавзунинг асосига йўналтириб, профессионал иш юритишда қилинган ишларни муҳимлигини айтиб ўтади. 2. Гуруҳни алоҳида қатнашчиларни иш олиб боришини баҳолайди, ўзаро баҳолашни яқунлига етказиши. 3. Ўқув машғулотининг мақсадига етишиш даражасини таҳлил қилади ва баҳолайди. 4. Аудиториядан ташқари бажариладиган мустақил ишни тарқатади.	Ўз-ўзини баҳолаш ҳамма катори баҳолашни ўтказиши. Саволлар беради.

Назарий қисм:

Меъда қорин бўшлиғи юқори қаватида, диафрагма остида, кўп қисми билан чап чап қовурға ёйи соҳасида ҳамда эпигастрал соҳасида жойлашади. Унинг кириш-кардиал, чиқиш-пилорик, тана, туби билан олдинги ва орқа деворлари тафовут қилинади.

Меъданинг кўшини аъзолар билан муносабатига келганда шуни айтиш керакки, овқат билан ўртача тўлган меъда ўзининг кичик эгрилиги, яъни юқори томони билан жигарнинг чап бўлагига, туби билан эса-диафрагманининг чап гумбазига тегиб туради. Патки, яъни катта эгрилиги кўндаланг чамбар ичак ва унинг тутқичига тегиб туради. Меъда олдинги девори билан қорин деворига тегиб, орқа томондан-меъда ости безига, чап буйракка, чап буйрак усти безига ҳамда баъзи қон томирларга, туби билан талокқа тегиб туради.

Меъданинг қон билан таъминланиши асосан қорин аортасидан чиқувчи қориннинг артерия стволи тармоқлари ҳисобига боради.

Меъда ости бези қорин бўшлиғининг орқа томонида, I-II бел умуртқалари қаршисида, меъданинг орқасида кўндаланг ҳолатда ётади. Меъда ости безининг кўпчилик қисми юқори қорин соҳасида камроқ қисми эса чап қовурға ости соҳасида жойлашган.


Катта чарви қоринпарданинг 4 та қаватидан ҳосил бўлиб, қаватлар орасида ёғ қаватлари билан қўшилиб кексаларда кичик чанокқача тўшиб боради. Чақалокларда қиндик атрофида бўлиб, яхши ривожланмаган. Катта чарви яллиғланган, тешилган жойларни ҳимоялаб туриш билан ва чурра ҳалталарида пайдо бўлиш билан ажралиб туради.

Кичик чарви жигар, меъда, диафрагма орасида жойлашган бўлиб, ўз ичига 3 та бойламни (жигар-12 бармоқ, жигар-меъда, меъда-диафрагма бойламлари). Айниқса, жигар-12 бармоқ бойлами таркибидаги ҳаёт-мамот ҳосилаларини (ўнгдан умумий ўт йўли, дарвоза венаси, жигар артерияси) билиш амалиёт учун жуда зарур.

Чарви бўшлиғи қорин юқори қаватида меъданинг орқасида ҳосил бўлиб, унинг ичида меъда ости бези жойлашган. Чарви бўшлиғига жигар ва 12 бармоқли ичак орасидан чарви тешиги (Винслови) очилади ва у қорин бўшлиғи билан уни туташтиради.

Бу бўшлиққа кўндаланг чамбар ичак тутқичлари орасида кириш энг тежамкор (усул) йўл бўлиб ҳисобланади.

Топшириқ 1. Тушунтирилган мавзу бўйича график органиайзерни (Кластер усули) тўлдиришади.



Топшириқ 2.

Тестлар:

1. Оч ичак ўнг томондан нимага тегиб туради
 - а) кўтариловчи чамбар ичакга
 - б) чувалчангсимон ўсимтага
 - в) кўр ичакга
 - г) диафрагмага
 - д) қорин олд-ён деворига
2. Оч ичак чап томондан нимага тегиб туради
 - а) тўшувчи чамбар ичакка
 - б) сигмасимон ичакка
 - в) тўғри ичакка
 - г) қорин олд-ён деворига
 - д) талокқа
3. Ингичка ичакни қон билан таъминловчи артерия
 - а) юқориғи ичактуткич
 - б) пастки ичактуткич

- в) қорин артериал пояси
- г) қорин аортаси
- д) сигмасимон

4. Ингичка ичак веналари қаерга қўйилади

- а) юқориғи ичактуткич венасига
- б) копка венасига
- в) талок венасига
- г) пастки қовак венага
- д) пастки ичактўткич венасига

5. Йўғон ичак нечта қисмдан иборат

- а) 6
- б) 4
- в) 5
- г) 3
- д) 7

6. Чувалчангсимон ўсимтани жойлашган ўрни

- а) ўнг ёнбош чуқурчасида
- б) қовук устида
- в) ўнг ён томонда
- г) қиндик атрофида
- д) ўнг қовурға ости соҳасида

7. Чувалчангсимон ўсимта артерияси қаердан бошланади

- а) ёнбош-йўғон ичак артериясидан
- б) юқориғи ичактўткич артериясидан
- в) пастки ичактўткич артериясидан
- г) ўнг йўғон ичак артериясидан
- д) қорин аортасидан

8. Қўтарилувчи чамбар ичак қориннинг қаерда жойлашган

- а) ўнг ён соҳада
- б) қиндик соҳасида
- в) ўнг ёнбош соҳасида
- г) қоринпарда орқа бўшлиғида
- д) чап ён соҳада

9. Қўндаланг чамбар ичак олдиндан нимага тегиб туради

- а) қорин олди ен деворига
- б) ошқозонга
- в) жигарга
- г) талокқа
- д) катта чарвига

10. Жигар дарвозаси орқали ўтмайди

- а) жигар веналари
- б) жигар ўт йўллари
- в) дарвоза венаси
- г) олиб кетувчи лимфа томирлари
- д) адашган нерв тармоғлари

Топширик 3.

ОХТА фанидан талабаларни баҳолаш варақаси

терминлар			Аъзо қисмлари	Аъзонинг фаолияти
Лотинча	Русча	Ўзбекча		

Машғулот таъминланиши: Расмлар, муляжлар, скелет, препаратлар, диафильмлар ва видеофильмлар.

Жорий баҳолаш мезони

Балл	Баҳо	Талабанинг билим даражаси
86-100	Аъло	Талаба меъда, талоқ ва меъда ости безининг голотопияси, скелетотопияси ва синтопияси, қон билан таъминланиши, иннервацияси, лимфа тизимини тушунтира олса. Аъзолар топографиясини клиник аҳамиятини билса. Амалий кўникмаларни бажариб бера олса.
71-85	Яхши	Талаба меъда, талоқ ва меъда ости безининг голотопияси, скелетотопияси ва синтопияси, қон билан таъминланиши, иннервацияси, лимфа тизимини тушунтира олса. Аъзолар топографиясини клиник аҳамиятини айтишда қийналса. Амалий кўникмаларни бажаришда хатоликларга йўл қўйса.
55-70	Қониқарли	Талаба меъда, талоқ ва меъда ости безининг голотопияси, скелетотопияси ва синтопияси, қон билан таъминланиши, иннервацияси, лимфа тизимини тушунтиришда хатоликларга йўл қўйса. Аъзолар топографиясини клиник аҳамиятини тушунтира олмаса. Амалий кўникмаларни ўқитувчи ёрдамида бажарса.
55 дан кам	Қониқарсиз	Талаба ҳеч қандай тасаввурга эга бўлмаса.

Амалий машғулот № 6

Болаларда ва катталарда қорин бўшлиғи пастки қавати аъзоларининг клиник анатомияси, қорин бўшлиғидаги халталар, синуслар ва чўнтакларнинг клиник аҳамияти.

Иш боскичнинг давомийлиги 2 соат	Ишни олиб борилиши	
	Муаллим томонидан	Талаба томонидан

(1пара) 90 мин		
1-боскич Укув дарсига кириш кисми (30 мин)	Машғулотдан мақсад- Талабаларга қорин парда ҳақида тушунчага эга бўлишларини, унинг икки вароғини ҳосил қилган бойламлари тутқичлари, халталарини, қорин парда аъзоларни қандай ўраши ва қорин пардани аҳамиятини тушунтириш. Ўқитувчи янги мавзунини оғзаки тушунтиради. Талабалар машғулоти юзасидан билишлари керак: - Қорин бўшлиғини қаватларга бўлинишини; - Қоринпарда ҳосил қилган бойламларни; - Қоринпарда ҳосил қилган халталарни; - Қоринпарда ҳосил қилган синусларни; - Қоринпарда ҳосил қилган чунтакларни; - Қорин бўшлиғидаги ён каналлар ва уларнинг аҳамиятини. Қуйидаги кўникмаларини талабалар қила билишлари керак: - Муляжда қорин бўшлиғи қаватларини аниқлаб кўрсатишни; - Қоринпарда ҳосил қилган халталарни кўрсатишни; - Қоринпарда ҳосил қилган чунтакларни кўрсатишни; - Қоринпарда ҳосил қилган синусларни кўрсатишни;	Эшитишади аниқлик киритишади, саволлар беришади.
2-боскич Асосий (40мин)	2.1. Савол жавоб шаклида билимларини блиц-сўроқ савол-жавоб шаклида актуаллаштириш ўтказилади. Назорат саволлари. 1. Қорин бўшлиғини чегараси. 2. Қорин бўшлиғи нечта қаватдан ташкил топган. 3. Қорин парда қандай вароқлардан ташкил топган. 4. Қорин парда қандай бойламларни ҳосил қилади. 5. Қорин пардадан ҳосил бўлган сумкаларни айтиб беринг. 6. Қорин пардани чанокдаги йўлини айтиб беринг. 7. Қорин парда аъзоларни қандай ўрайди. 2.2. Ўқув машғулоти структурасига биноан амалий ишлар орқали талабалар билимини мустаҳкамлаш. Амалий ишлар. - Қоринпарда йўлини чизиб кўрсатиш - Қорин олд-ён девори, унинг чегаралари, - Қорин олд-ён деворини соҳаларга шартли бўлиниши, - Қорин олд-ён девори қаватлари, - Қорин олд-ён девори қон томирлари, порто-	Жавоб берадилар, эшитадилар, гуруҳда ишлайдилар, и натижаларини, презентация қиладилар.

	ковал ва кова-ковал анастомозлар курсатиш. 2.3.Аналитик қисм: Вазиятли масалалар. 1. Қоринпарда бўшлиғида суюқлик (қон, йиринг, лимфа) тўпланган. Суюқликни олиш ва билиш учун қоринпарда бўшлиғининг энг пастки жойига (тубига) тўшиш керак. Қорин бўшлиғининг тубини нима ҳосил қилади? 2. Қорин бўшлиғида жойлашган аъзоларни кесишда, кўпинча қоринпарда қопламаган юзасидан кесилади. Қоринпарда аъзоларни неча хил ўрайди, қоплайди?	
3-боскич Якунловчи- натижаловчи боскич (20 мин)	3.1.Мавзу буйича хулоса чиқарилади, талабаларнинг фикрни мавзуни асосига йуналтириб, профессионал иш юритишда килинган ишларни муҳимлигини айтиб утади. 3.2.Гуруҳни алоҳида катнашчиларни иш олиб боришини баҳолайди, узаро баҳолашни якунига етказди. 3.3.Укув машгулотини мақсадига етишиш даражисини таҳлил қилади ва баҳолайди. 3.4.Аудиториядан ташқари бажариладиган мустақил ишни таркатади.	Уз-узини баҳолаш/хамма катори баҳолашни утказди. Саволлар беради.

Назарий қисм:

Қорин бўшлиғи кундаланг чамбар ичак орқали юқори ва пастки қаватларга бўлинади.

Юқори қаватда: жигар, ўт пуфағи, ошқозон, ошқозон ости беzi, талоқ жоулашган.

Болаларда аъзолар ўзгарувчан бўлиб, ҳар ёшнинг узига яраша хусусиятлари бор. Бир ёшгача чақалоқларда жигар катта ҳажмда бўлиб, қорин бўшлиғининг кўп, қисмини егаллауди.

Чақалоқларда ошқозоннинг уч хил шакли кузатилади: халтасимон, паупок шаклида ва илмоқ симон.Талабалар қорин соҳаси чегаралари, қаватлари билан таништирилади. Ҳар бир қаватнинг ўзига хослиги, қон билан таъминланиши, иннервациясини мукамал ўрганиши зарур. Перкуссия, пальпация ҳақида маълумот берилади.

Қорин парда бу 2 қаватдан иборат бўлган фиброз парда унинг париетал ва висцерал вароқлари қорин бўшлиғи аъзоларини барчасини ташқаридан ўраб қорин бўшлиғини ташқи деворини ҳосил қилади. Висцерал вароғи ҳар бир аъзони ҳар томонлама, уч томонлама, бир томонлама урайди.

Кичик чарви бу висцерал қорин пардани диафрагмадан ошқозонга, жигар дан 12 бармоқ ичакка ўтишида ҳосил бўлган бойламлар йиғиндиси бўлиб жигар дарвозаси ва ошқозон кичик эгрилиги орасида жойлашади. Уни ҳосил қилишда иштирок этган жигар 12 бармоқ ичак бойлами таркибида умумий ўт йули, қопқа венаси, ва жигар умумий артерияси жойлашади. Бундан ташқари кичипк чарви таркибида ошқозонни кичик эгрилиги бўйлаб чап ва ўнг ошқозон артерияси ва венаси, лимфа томирлари, ҳамда нерв толалари жойлашади.

Катта чарви бу висцерал қорин пардани, ошқозонни икки томонлама ёпиб, шу икки вароқни токи кичик чаноқ соҳасигача тўшиб ва яна юқорига кўтарилишидан ҳосил бўлган еғ тўқима булиб, вароқ катта кишиларда бириниб кетган ёш болаларда эса бу вароқлар

яхши ривожланмаган, бирикмаган булиб орасида бироз суюқлик бўлади. Чарви организмда ҳимоя энергия манбаи ва бир қанча ғазифаларни бажаради.


Қорин парда париетал варағининг диафрагмани остини ёпиб, висцерал вароқ бўлиб жигарни устини ўраганда ўнг ва чап жигар халтасини, жигар билан ошқозонни кичик эгрилиги орасида ошқозон олди халтасини, ошқозон орқа девори билан ошқозон ости беги орасида чарви халтасини ҳосил қилади.

Қорин парда бўшлиғида аёлларда тўғри ичак билан бачадон орасида, бачадон билан сийдик копи орасида чуқурликлар (Дуглас бўшлиқлари) ҳосил бўлади. Эркакларда эса тўғри ичак билан сийдик копи орасида 1 та дуглас бўшлиғи ҳосил бўлади. қорин парда бўшлиғидаги патологик суюқликлар шу юқорида кўриб ўтилган дуглас бўшлиқларига оқиб тўшади. Бу эса клиникада патологик суюқликни сўриб олишга яхши имкониятдир.

Қорин бўшлиғида қорин парда париетал варағининг висцерал вараққа ўтиши жойлари ва уни бир аъзодан иккинчи аъзога ўтишида бойламлар ҳосил бўлади. Масалан, жигарнинг тож, учбурчаксимон, ўроқсимон бойламлари, жигар 12 бармоқ ичак, ошқозон-йўғон ичак бойламлари ва ҳоказо.

Бундан ташқари висцерал қорин парда кўндаланг ва ингичка ичак, тутқич илдизларини ҳам ҳосил қилади.

Топшириқ 1. Тушунтирилган мавзу бўйича график органайзерни (Кластер усули) тўлдиришади.





Топширик 2.

Тест саволлари:

1.Қорин парда нечта варакдан ташкил топгагн?

- А)1
- Б)2
- В)6
- Г)5
- Д)7

2.Интраперитонеал аъзо деб нимага айтилади

- А)Қорин парда висцерал вароги аъзони ҳамма тарафдан ўрайди.
- Б) Қорин парда висцерал вароги аъзони 3та тарафдан ўрайди.
- В) Қорин парда висцерал вароги аъзони ҳамма тарафдан ўрайди.
- Г) Қорин парда висцерал вароги аъзони 2та тарафдан ўрайди.
- Д) Қорин парда висцерал вароги аъзони ҳеч тарафдан ўрамайди.

3.Мезоперитонеал аъзо деб нимага айтилади

- А)Қорин парда висцерал вароги аъзони ҳамма тарафдан ўрайди.
- Б) Қорин парда висцерал вароги аъзони 3та тарафдан ўрайди.
- В) Қорин парда висцерал вароги аъзони ҳамма тарафдан ўрайди.
- Г) Қорин парда висцерал вароги аъзони 2та тарафдан ўрайди.
- Д) Қорин парда висцерал вароги аъзони ҳеч тарафдан ўрамайди.

4.Экстраперитонеал аъзо деб нимага айтилади

- А)Қорин парда висцерал вароги аъзони ҳамма тарафдан ўрайди.
- Б) Қорин парда висцерал вароги аъзони 3та тарафдан ўрайди.
- В) Қорин парда висцерал вароги аъзони ҳамма тарафдан ўрайди.
- Г) Қорин парда висцерал вароги аъзони 2та тарафдан ўрайди.
- Д) Қорин парда висцерал вароги аъзони ҳеч тарафдан ўрамайди.

5.Чарви халтасиолдинги девори нима ташкил этади?

- А)Ошкозон ва кичик чарви
- Б)Ошкозон ости беги
- В)чап бўйрак
- Г)пастки ковак вена
- Д)талок

6.Чарви халтаси чапдан

- А)талок ва унинг бойламлари.
- Б)ошкозон ости беги
- В)чап бўйрак
- Г)пастки ковак вена
- Д)талок.

Топширик 3.

Талабаларни баҳолаш варақаси.

терминлар			Аъзо кисмлари	Аъзонинг фаолияти
Лотинча	Русча	узбекча		

Дарс таъминланиши:

Муляжлар, плакатлар, планшетлар, видеофильм, мультимедиа.

Жорий баҳолаш мезони

Балл	Баҳо	Талабанинг билим даражаси
86-100	Аъло	Талаба қорин бўшлиғидаги халталарни, синусларни ва ён каналларни жойлашган ўрнини, деворларини тушунтира оласа. Чўнтакларни санаб бера оласа. Халталар, синуслар, ён каналлар ва чўнтакларни клиник аҳамиятини билса. Амалий кўникмаларни бажариб бера оласа.
71-85	Яхши	Талаба қорин бўшлиғидаги халталарни, синусларни ва ён каналларни жойлашган ўрнини, деворларини тушунтира оласа. Чўнтакларни санаб бера оласа. Халталар, синуслар, ён каналлар ва чўнтакларни клиник аҳамиятини тўлиқ билмаса. Амалий кўникмаларни бажаришда хатоликларга йўл қўйса.

55-70	Қониқарли	Талаба қорин бўшлиғидаги халталарни, синусларни ва ён каналларни жойлашган ўрнини, деворларини тушунтиришда хатоликларга йўл қўйса. Чўнтакларни санаб бера олса. Халталар, синуслар, ён каналлар ва чўнтакларни клиник аҳамиятини тўлиқ билмаса. Амалий кўникмаларни ўқитувчи ёрдамида бажарса.
55 дан кам	Қониқарсиз	Талаба ҳеч қандай тасаввурга эга бўлмаса.

Амалий машғулот № 7

Болаларда ва катталарда қорин бўшлиғи юқори қавати аъзолариоперацияларининг клиник анатомик асослари: гастротомия, гастростомия, ошқозон резекцияси ва гастроэнтероанастомозлар.

Иш босқичининг давомийлиги 2 соат (1пара) 90 мин	Ишни олиб борилиши	
	Муаллим томонидан	Талаба томонидан
1-босқич Укув дарсига кириш қисми (30 мин)	Машғулотдан мақсад- Талабаларга қорин бўшлиғи юқори қавати аъзоларида ўтказиладиган операцияларнинг топографо-анатомик хусусиятларини ўргатиш. Ўқитувчи янги мавзунини оғзаки тушунтиради. Талабалар машғулот юзасидан билишлари керак: - Гастротомия ва гастростомия операциялари техникасини; - Ошқозон резекцияси операцияси техникасини; Қуйидаги кўникмаларни талабалар қила билишлари керак: - Муляжда ошқозонга стома қўйишни кўрсата билишлари керак; - Ошқозонни Бильрот I ва Бильрот II усулларида резекция қилиш схемасини дафтарга чизиб кўрсатишни.	Эшитишади аниқлиқ киритишади, саволлар беришади.
2-босқич Асосий (40мин)	Савол жавоб шаклида билимларини актуаллаштириш ўтказилади Назорат саволлари: 1. Гастротомияга кўрсатмалар; 2. Гастростомияга кўрсатмалар; 3. Гастротомия ва стомияда қорин деворида қандай кесмалар ўтказилади;	Жавоб берадилар, эшитиладилар, гуруҳда ишлайдилар, натижаларини презентация қиладилар.

	4. Ошқозон резекциясида қандай қорин деворида қандай кесмалар ўтказилади; Ўқув машғулотини структурасига биноан амалий ишлар ва вазиятли масалалар оркали талабалар билимини мустаҳкамлаш. Амалий ишлар: - конспект дафтарида гастротомия ва стомия операциялари техникасини чизишади; - конспект дафтарида ошқозонни Бильрот I ва Бильрот II усулларида резекция қилиш схемасини чизишади. 3. Аналитик қисм Вазиятли масалалар: 1. Меъда ости безини консистенциясини билиш тақозо этганда, чарви бўшлиғи деворини кесмасдан аниқлаш мумкинми? 2. Кичик чарви ичидаги (DVA) ҳаётини ҳосилалардан умумий ўт йўлини топиб, тошни олиб ташлаш керак?	
3-боскич Яқунловчи- натижаловчи боскич (20 мин)	1. Мавзу бўйича хулоса чиқарилади, талабалар фикрини мавзунинг асосига йўналтириб, профессионал иш юритишда қилинган ишларни муҳимлигини айтиб ўтади. 2. Гуруҳни алоҳида қатнашчиларни иш олиб боришини баҳолайди, ўзаро баҳолашни яқунига етказди. 3. Ўқув машғулотининг мақсадига етишиш даражасини таҳлил қилади ва баҳолайди. 4. Аудиториядан ташқари бажариладиган мустақил ишни тарқатади.	Ўз-ўзини баҳолаш ҳамма қатори баҳолашни ўтказди. Саволлар беради.

Назарий қисм:

Қорин парда бўшлиғи кўндаланг чамбар ичак ва унинг тутқичи воситасида 2 га бўлинади: 1. Юқори қават. 2. Пастки қават.

Юқори қават аъзоларига юқоридан жигар, ўт қоғи йўллари ва меъда, талоқ, 12 бармоқли ичакнинг ичакнинг бошланиш қисми ва кичик чарви киради. Меъда ости бези гарчи парда орти аъзоларига кирсада, нисбатан юқори қаватда жойлашган.

Пастки қават аъзолари кўндаланг чамбар ичакдан пастда жойлашиб, уларга ингичка ичак, уни ўраб турувчи йўғон ичак киради.

Жигар қорин бўшлиғининг энг юқорисида (диафрагма остида) жойлашган аъзо бўлиб, катталарда 1,5 кг гача бўлади. Уни ўнлаб бойламлар (қорин парда ҳосилалари) диафрагма ва қшн аъзоларга маҳкамлаб туради. Жигар одам организмнинг лабораторияси ҳисобланиб, ҳомилада қон ишлаб берувчи, туғилгандан сўнг эса овқат ҳазм қилишда муҳим бўлган ўт ишлаб беради, дастлабки ҳазм қилинган овқат моддаларини тозалайди (нейтраллайди), гликоген сифатида қанд захирасини ўзида сақлайди. Унинг ўнг ва чап бўлаги, 8 та сегменти тафовут қилиниб, юқоридагилар асосан қон томир ва ўт йўлларига нисбатан ҳосил бўлган. Жигарнинг олдинги пастки қирғоғи катталарда ўнг қовурға равоғидан чиқар-чиқмас жойлашса (скелетотопия), янги туғилган чақалоқларда (айниқса 7 ойликда) бу чегара киндиккача тушган бўлиши мумкин. Жигар дарвозаси унинг остки (ички аъзоларга қараган) юзасида жойлашган бўлиб, бу дарвозадан (ўнгдан чапга), умумий ўт йўли, дарвоза венаси ва жигар умумий артерияси жойлашган. Юқоридаги ҳаёт-мамот аъзолари кичик чарви таркибидаги жигар – 12 бармоқли ичак

бойламининг ичида жойлашган. Бу бойлам жигар меъда диафранма бойламлари билан қўшилиб юқори қаватда жойлашган кичик чарвини ҳосил қилади.

Меъда юқори қават аъзоларига кириб, у ўнг ва юқоридан жигар, чапдан талок, орқа ва пастдан (парда орқали) меъда ости беши билан, катта эгрилиги орқали эса кўндаланг чамбар ичак билан қўшилашиб туради. Меъда 5 та артериал қон томир билан озиқланади: 1. меъда чап артерияси. 2. Меъда ўнг артерияси. 3. Ўнг меъда чарви артерияси. 4. Чап меъда чарви артерияси. 5. меъданинг қисқа артериялари.

Веналари эса юқоридаги артерияларнинг йўлдошлари бўлиб, дарвоза венаси орқали жигарга йўналади. Меъда ва жигар асосан қуёш чигали нервлари, қорин симпатик тугунлари нервлари ва адашган (X) нерв билан иннервацияланади.

Талок чап қовурға ости соҳасида жойлашган бўлиб, у қон депоси, эритроцитлар мозори, қон ишловчи аъзо ва химоя аъзоси сифатида ишлайди.

Унинг дарвозасига ўз номидаги артерия кириб, 2 та шу номли веналар чиқиб кетади. 20% одамларда талок дарвозасига меъда ости безининг думи ҳам жойлашуви, айниқса, силенэктомияда ҳисобга олиниши мақсадга мувофиқдир.

Қорин бўшлиғидаги аъзолар қорин пардага нисбатан 3 хил ўралади: 1. Ҳамма томонидан парда билан ўралган (меъда, ингичка ичак, талок, кўндаланг ичак, бачадон ва найлари, кўр-ичак, 3-силган ичак, тўғри ичакнинг юқори қисми). 2. Уч томонлама ўралган аъзолар (жигар, кўтарилиувчи ва пастга тушувчи чамбар ичак, тўлиб турган сийдик қопи). 3. Бир томонлама ўралган аъзолар (меъда ости беши, буйраклар, буйрак усти безлари, сийдик йўллари, бўш сийдик қопи ва х.к.).

Қорин парда катта чарвиси кексаларда чанокчага тушиб турса, чақалоқларда у киндикчага ҳам етиб бормади. Қорин парда олд-ён деворидан чанок аъзоларига (қовуққа) ўтар экан, эркаларда қовуқ билан тўғри ичак орасида битта чуқур чўнтак ҳосил қилади, аёлларда эса 2 та чуқур чўнтак ҳосил қилиб, бу аёлларнинг исйдик қопи ва бачадони, ҳамда бачадони ва тўғри ичаги орасида ҳосил бўлади. Бу чўнтаклар қорин парда бўшлиғининг туби ҳисобланиб, сув, лимфа, шира ана шу чўнтакларда тўпланиши мумкин.

Операция баёни: Қуённи орқачаси ётқизиб, олдинги ва орқа оёқлари махсус операция столига 4 томонга тортиб боғланади. Киндикдан юқори ёки пастки ўрта чизик атрофини жунлардан тозалаб, 5 % йод ва 70⁰ ли спирт билан ишлов берамиз. 0,5 % ли новокаин эритмаси билан Вишневский усулида тери, тери ости ёғ қаватига юбориб, яъни маҳаллий оғриқсизлантириб, қаватма-қават қорин олд-ён деворини ўрта чизик бўйлаб 5-10 см кесиб борамиз. Оғриқсизлантириш мускуллар орасида ҳам ўтказилгач, ташқи қийшиқ, ички қийшиқ ва кўндаланг мускуллар апоневрози кесилади, энг охирида эса қорин парда кесилиб, қорин бўшлиғига тушамиз. Юқори қават аъзолари (жигар, ўт қопи, ўт йўллари, меъда, талок) кўздан кечирилиб (ревизия), диафрагма оёқчалари соҳаси, ингичка ичак бошланиш қисмлари текширилади.

Қорин деворини қаватма-қават, (ичкаридан-ташқарига қараб) тикиш. Лапоратомиядан сўнг, қорин бўшлиғи ревизиясидан сўнг, ёки операция мақсади амалга оширилгач, қорин-олд-ён деворининг кесилган жойи (операция майдони қирғоқлари) қаватма-қават ичкаридан ташқарига томон тикиб, охирида тери қирғоқлари тугунли чоклар воситасида бирлаштириб, ўрнини 5%ли йод ёки 70 % ли спирт билан ишлов бери, ацептик боғлам қўйилади.

Қорин парда қирғоқлари аниқда ва мушак қаватлар алоҳида (бир хил турдаги тўқима) узлуксиз чок билан асосан сурилиб кетувчи (кетгут) иплар билан тикилади. Тери қирғоқлари эса ипак иплардп албатта узлукли чок (тугун) воситасида бирлаштириб тикиш. Ташқарида тери чок (тугунлари) операция ёриғининг ўртасида эмас, бир четига қўйилиши мақсадга мувофиқдир.

Топширик 1. Интерфаол усул: Талабалар учта кичик гуруҳларга бўлиниб, “Кластер” чизиш тушунтирилади:



Топширик 2.

Тест саволлари:

1.Гастростомия нима?

- А)найсимон тешик қуйиши.
- Б)ошқозонни тешиш.
- В)ошқозонни кесиш.
- Г)ошқозонни бир қисмини олиб ташлаш.
- Д)ошқозонни олиб ташлаш.

2.Гастротомия нима?

- А)ошқозонни кесиб очиш.
- Б) найсимон тешик қуйиши.
- В) ошқозонни тешиш.
- Г) ошқозонни кесиш.
- Д) ошқозонни бир қисмини олиб ташлаш.

3.Ошқозон резекцияси бу..

- А)ошқозонни бир қисмини олиб ташлаш.
- Б) найсимон тешик қуйиши.
- В) ошқозонни тешиш.
- Г) ошқозонни кесиш.
- Д) ошқозонни бир қисмини олиб ташлаш.

4.Холецистостомияга кўрсатмалар?

- А)ўткир деструктив холецистит
- Б)холангит
- В)ангиохолит
- Г)ўт пуфаги ёрилганда.
- Д)жигар хасталигида.

5.Холецистэктомия курсатма?

- А)сурункали холецистит
- Б)ўт пуфаги ўткир ялигланиши.
- В)пуфакнинг тешилиши.
- Г)умумий ўт йўлини кесиш
- Д)жигар ўт йўлини очиш.

6.Жигар бўлаги анатомик резекцияси асосий моментлари

- А)жигарнинг олиб ташланадиган қисмидаги глиссон оёқчаси элиментларини ажратиш ва боғлаш.

- Б)жигарни бўлаклараро ёриқда кесиш.
 В)жароҳат юзасини ёпиш.
 Г)кавал дарвозаларда жигар веналарини боғлаш.
 Д) кавал дарвозаларда жигар веналарини очиш.

7.Ошқозонни тешилган ярасини тикиш учун қорин деворида қандай кесма ўтказилади?

- А)юқори ўрта лапаротомия.
 Б)пастки ўрта лапаротомия.
 В)Дьяканов-Волкович бўйича кесиш.
 Г)бурчаксимон кесма.
 Д)кўндаланг лапаротомия.

Машғулот таъминланиши: Расмлар, муляжлар, скелет, препаратлар, диафильмлар ва видеофильмлар

Жорий баҳолаш мезони

Балл	Баҳо	Талабанинг билим даражаси
86-100	Аъло	Талаба гастростомия, ошқозон резекцияси, гастроэнтеростомия операцияларига кўрсатмалар ва қарши кўрсатмаларни айтиб бера олса. Оператив очиб кириш, операция усулларини ва бажариш техникасини тушунтира олса. Амалий кўникмаларни бажариб бера олса.
71-85	Яхши	Талаба гастростомия, ошқозон резекцияси, гастроэнтеростомия операцияларига кўрсатмалар ва қарши кўрсатмаларни айтиб бера олса. Оператив очиб кириш, операция усулларини ва бажариш техникасини тушунтиришда хатоликларга йўл қўйса. Амалий кўникмаларни бажаришда хатоликлар бўлса.
55-70	Қониқарли	Талаба гастростомия, ошқозон резекцияси, гастроэнтеростомия операцияларига кўрсатмалар ва қарши кўрсатмаларни тўлиқ айтиб бера олмаса. Оператив очиб кириш, операция усулларини ва бажариш техникасини тушунтиришда хатоликларга йўл қўйса. Амалий кўникмаларни ўқитувчи ёрдамида бажарса.
55 дан кам	Қониқарсиз	Талаба ҳеч қандай тасаввурга эга бўлмаса.

Амалий машғулот № 8

Ингичка ва йўғон ичак операцияларининг клиник анатомик асослари.

Иш босқичининг давомийлиги 2 соат (1пара) 90 мин	Ишни олиб борилиши	
	Муаллим томонидан	Талаба томонидан
1-босқич Укув дарсига кириш қисми (30 мин)	Машғулотдан мақсад- Талабаларга қорин бўшлиғи пастки қавати аъзоларида ўтказиладиган операцияларнинг топографо-анатомик хусусиятларини ўргатиш.	Эшитишади аниқлик киритишади, саволлар беришади.

	Ўқитувчи янги мавзунини оғзаки тушунтиради. Талабалар машғулоти юзасидан билишлари керак: - Ингичка ичак операцияси техникасини; - Аппендэктомия операциясига кўрсатмани; - Ингичка ичак резекциясини; - Ичаклараро анастомозларни; - Аппендэктомия операцияси техникасини; - Колостомия ва унга кўрсатмаларни; - Ғайриоддий орқа чиқарув тешиги ўрнатишга кўрсатмаларни; Қуйидаги кўникмаларни талабалар қила билишлари керак: - Муляжда ошқозонга стома қўйишни кўрсата билишлари керак; - Ингичка ичакни резекцияси схемасини дафтарга чизиб кўрсатишни.	
2-боскич Асосий (40мин)	Савол жавоб шаклида билимларини актуаллаштириш ўтказилади Назорат саволлари: 1. Ингичка ичак операциясига кўрсатмалар; 2. Аппендэктомияга кўрсатмалар; 3. Колостомага кўрсатма ва қарши кўрсатмалар; 4. Ичакдаги операцияларда оғриксизлантириш усуллари; 5. Аппендэктомиянинг асоратлари; 6. Колостомага оғриксизлантириш усуллари. Ўқув машғулоти структурасига биноан амалий ишлар ва вазиятчи масалалар орқали талабалар билимини мустаҳкамлаш. Амалий ишлар: - конспект дафтарига гастротомия ва стомия операциялари техникасини чизишади; - конспект дафтарига чувалчангсимон ўсимтанинг жойлашиш нуқтасини чизишади. 3. Аналитик қисм Вазиятчи масалалар: 1. Ингичка ичакни консистенциясини билиш тақозо этганда, чарви бўшлиғи деворини кесмасдан аниқлаш мумкинми? 2. Қандай ҳолатларда чувалчангсимон ўсимтани олиб ташлаш керак?	Жавоб берадилар, эшитадилар, гуруҳда ишлайдилар, натижаларини презентация қиладилар.
3-боскич Яқунловчи-натижаловчи боскич (20 мин)	1. Мавзу бўйича хулоса чиқарилади, талабалар фикрини мавзунини асосига йўналтириб, профессионал иш юритишда қилинган ишларни муҳимлигини айтиб ўтади. 2. Гуруҳни алоҳида қатнашчиларни иш олиб боришини баҳолайди, ўзаро баҳолашни яқунига етказди. 3. Ўқув машғулотини мақсадига етишиш даражасини таҳлил қилади ва баҳолайди.	Ўз-ўзини баҳолаш ҳамма қатори баҳолашни ўтказди. Саволлар беради.

	4.Аудиториядан ташқари бажариладиган мустақил ишни тарқатади.	
--	---	--

Назарий қисм:

Ичак резекцияси – ингичка ичакнинг бир қисмини олиб ташлаш.

Кўрсатмалар. Ичак резекцияси унинг девори некрозга учраганда бажарилади.

Оғриқсизлантириш. Эндотрахеал наркоз.

Бемор ҳолати. Операция столида чалқанча ётади.

Операция техникаси. Қорин бўшлиғи ўнг ёки чап трансректал лапаратомия орқали очилади ва қорин бўшлиғи аъзолари тафтиш қилиниб, ичакнинг некрозга учраган қисмини жароҳатдан ташқарига чиқарилади. Ичакнинг некрозга учраган қисмини кесиб олиб ташлашдан олдин унга борадиган томирлар боғланади. Ичакнинг юқорисига иккита, пастига иккита қисқичлар қўйилади ва қисқичлар орасидан кесиб ичакнинг некрозга учраган қисми резекция қилиб олиб ташланади.

Ичакларнинг бир қисми кесиб олиб ташлангандан сўнг ҳосил бўлган ичак иккала учлари бир-бирига бирлаштирилиб энтероэнтероанастомоз қўйилади.

Энтероанастомоз –ичаклараро анастомоз,ичакларни бирлаштириб туташтириш операциясини бажаришни ўрганишдан олдин ичак ва ичи бўш бўлган аъзоларга (меъда, бачадон, сийдик пуфаги) қўйиладиган чоклар турлари билан танишиб чиқамиз. Ичак деворлари тўрт қаватдан иборат:

- 1) Ташқи сероз қавати –tunica serosae
- 2) Ўртамушакқавати– tunica muscularis
- 3) Шиллиқости қавати –tunica submucosae
- 4) Ичкишилликқавати– tunica mucosae

Тиқишпайтидаипҳаммақаватларданўца, буАлбертчокидейилади, агардаипсерозвамушакқаватлариданўтказилибустма-устиккиқаторқилибқўйилса, бундайчокЖелиёкиЧерничокидейилади.

Агаричакёкиичиковакаъзоларнингжароҳатитикилгандансўнгжароҳатнингиккитомондансе розқаватларбир-биригачокланса, бундайчокЛамбергчокидейилади.

Ламбергчокитозабўлганлигиучунжароҳатларжудаэртабитади. Шунингучуничакларда, меъдадавабошқаичиковакаъзолардаҳаммажароҳатларнитикишжараёниЛамбергчокибилан амалгаоширилади.

Албертчокидаигнабиринчиташқариданичкаригайўналтирилади.

Шмиденчокидаичакжароҳатинингбутунҳаммақаватиданўтадиганипичакнинг(шиллик) қаватидан, ташқи (сероз) қаватигайўналтирилади. Шмиденчокиниқўйгандаваипнитортгандаичакжароҳатларинингчетлариичкаригақайрилибич акнингтикилаётганиккетинингсерозқаватларибир-биригатегибтурадивабутикилаётганжароҳатгаЛамбергчокиниқўйишосонбўлади.

Юқоридаайтибўтилганичакнингбирқисмиолибташлангандансўнгқисқакезилганичакни нгиккиучлариниучхилйўлбилан, яниучма-уч, ёнма-ёнваёнга-учанастомозулашмумкин.

Учма-учанастомоз. Ичакниучма-учулашучуничакларнингкесилганиккалаучинибир-биригаяқинлаштирилади, ичактутқичларқўйибтўртталабҳосилқилинади. Уларнингиккитасиорқалаблари, қолганиккитасиолдлабларбўлиб, орқалабларгадастлабЛамбергсўнгАлбертчокиқўйилади; олдлабларгаэсаШмиденчокиқўйилиб, унингустиданЛамбергчокиқўйилади; сўнгичактутқичитешигигаўрамачокқўйилади. Ичакларучма-учулашфизиологикнуқтаиназарданяхшиулашҳисобланиб, унингкамчилигишууланганжойторайибқолади. Торайибқолмаслигиучуничакнибирозқийшиқкесибунингдиаметригамослашкерак.

Ёнга-ён анастомоз. Ичакни ёнга-ён улаш учун олдин ичакнинг иккала охиридаги тешиклари боғлаб бекитилади ва чўлтоқнинг атрофга кисет чоки қўйиб унга чўлтоқ ботирилади. Шундан сўнг иккала ичак бир-бирига изоперисталтик аҳволда қўйилиб, уларни бир-бирига Ламберг чоки билан тикилади ва шу чокдан 2-3 мм узоқликда ичак

девори кесилиб, ичак ичлари очилганда ичакларда иккита олд лаблар ҳосил бўлади. Орқа лабларга Алберт чок, олд лабларга олдин Шмиден, унинг устидан Ламберг чоки қўйилади. Ичакни кесиш узунлиги ичак кенглигидан каттарок бўлиши керак, чунки битганда кесган тешигимиз бир оз тораяди. Сўнгра ичак ичакларнинг тутқичларидаги ўрама чок усули билан тикилади. Ичакларни бу усулда бирлаштириш усули ҳозир кўп қўлланилади.


Ёнга-уч анастомоз. Асосан ингичка ичакни йўғон ичакка улашда учун қўлланилади. Бунда уланадиган ичаклар диаметри ҳар хил бўлгани учун ингичка ичакнинг охири йўғон ичакнинг ёнига уланади. Бунинг учун йўғон ичакнинг резексиядан кейин очиқ қолган учи ёпилади ва ингичка ичакнинг охири йўғон ичак ён сатҳига келтирилиб иккаласи ўртасига серо-сероз Ламберг чоки қўйилади. Йўғон ичакнинг ён томони кесилиб ичак бўшлиғи очилганда иккала ичаклар орасига иккита орқа лаблар ва иккита олд лаблар ҳосил бўлади. Хирург орқа лабларга Алберт чоки, олд лабларга эса Шмиден чоки қўйганидан кейин устидан Ламберг чокларини қўяди. Сўнг ичак тутқичлари ўрама чок билан тикилади.

Ичакларни бирлаштириш операцияси тамом бўлгандан сўнг қорин бўшлиғидан қон кетмаётганлигига ишонч ҳосил қилиб, операция жароҳати қаватма-қават тикиб чиқилади.

Ичак чоки санчувчи атравматик игналардан фойдаланиб қўйилади. Шиллиқ қават кетгут, сероз-мушак қавати ипак ип ёки синтетик иплар билан тикилади. Ичакларни ўзаро бирлаштириш (энтероанастомоз) операциясидан сўнг қўйилган анастомоз тешиги бармоқ билан (ўтказувчанликка) ва герметикликка текширилади. Ламберг чоки серо-сероз типидagi чок бўлса ҳам сероз қаватлари бир-бирлари билан жипслашиб жароҳат тешигини мустаҳкам бекитади.

Ичакларни бирлаштириш операцияси қорин бўшлиғидан ташқарида бажарилгандан кейин ичак ҳалқалари ва ичакнинг бирлаштирилган қисми қорин бўшлиғига киритилиб, операция жароҳати қаватма-қават тикилади. Баъзан антибиотиклар киртиш учун қорин бўшлиғида резина дренаж қолдирилади.

Топшириқ 1. Интерфаол усул: Талабалар учта кичик гуруҳларга бўлиниб, “Кластер” чизиш тушунтирилади:



Топширик 2.

Тестлар:

1. Ингичка ичак резекцияси бу - ?

- А) ингичка ичакнинг бир қисмини олиб ташлаш
- Б) йўғона ичакнинг бир қисмини олиб ташлаш
- В) ингичка ичакканайча киритиш
- Г) ошқозонни бир қисмини олиб ташлаш
- Д) ошқозонни олиб ташлаш

2. Энтеростомия бу - ?

- А) ингичка ичакнинг бошланғич қисмига найча киритиш
- Б) найсимон тешик қўйиши.
- В) йўғон ичакнинг бошланғич қисмига найча киритиш
- Г) ичакни олиб ташлаш
- Д) нажас учун тешик очиш

3. Колостомия бу - ?

- А) ингичка ичакнинг бошланғич қисмига найча киритиш
- Б) найсимон тешик қўйиши.
- В) йўғон ичакнинг бошланғич қисмига найча киритиш
- Г) ичакни олиб ташлаш
- Д) нажас учун тешик очиш

4. Гастроэнтероанастомоз бу -?

- А) ошқозон ва ингичка ичак ўртасидаги анастомоз
- Б) ингичка ва йўғон ичак ўртасидаги анастомоз
- В) ингичка ичакка найча киритиш
- Г) ингичка ичакни олиб ташлаш
- Д) ошқозонни олиб ташлаш

5. Аппендэктомия бу -?

- А) чувалчангсимон ўсимтани олиб ташлаш
- Б) ингичка ва йўғон ичак ўртасидаги анастомоз
- В) ингичка ичакка найча киритиш
- Г) ингичка ичакни олиб ташлаш
- Д) ошқозонни олиб ташлаш

6. Йўғон ичак резекциясига кўрсатмалар бу -?

- А) ичак девори қорасони
- Б) ичак ўсмалари
- В) ичакдаги шикастланишлар
- Г) ичак сили
- Д) ичакнинг буралиб қолиши

7. Нажас учун тешик қўйиш қандай термин билан аталади?

- А) колостомия
- Б) цекостомия
- В) сигмостомия
- Г) энтеростомия
- Д) аппендэктомия

Топширик 3.

ОХТА фанидан талабаларни баҳолаш варақаси

терминлар			Аъзо қисмлари	Аъзонинг фаолияти
Лотинча	Русча	Ўзбекча		

Машғулот таъминланиши: Расмлар, муляжлар, скелет, препаратлар, диафильмлар ва видеофильмлар

Жорий баҳолаш мезони

Балл	Баҳо	Талабанинг билим даражаси
86-100	Аъло	Талаба ингичка ичак резекцияси, энтероанастомоз ва колостома операцияларга кўрсатмалар ва қарши кўрсатмаларни айтиб бера олса. Оператив очиб кириш, операция усуллари ва бажариш техникасини тушунтира олса. Амалий кўникмаларни бажариб бера олса.
71-85	Яхши	Талаба ингичка ичак резекцияси, энтероанастомозлар ва колостома операцияларига кўрсатмалар ва қарши кўрсатмаларни айтиб бера олса. Оператив очиб кириш, операция усуллари ва бажариш техникасини тушунтиришда хатоликларга йўл қўйса. Амалий кўникмаларни бажаришда хатоликлар бўлса.
55-70	Қониқарли	Талаба ингичка ичак резекцияси, энтероанастомоз, колостома операцияларига кўрсатмалар ва қарши кўрсатмаларни тўлиқ айтиб бера олмаса. Оператив очиб кириш, операция усуллари ва бажариш техникасини тушунтиришда хатоликларга йўл қўйса. Амалий кўникмаларни ўқитувчи ёрдамида бажарса.
55 дан кам	Қониқарсиз	Талаба ҳеч қандай тасаввурга эга бўлмаса.

Амалий машғулот № 9

Болаларда вақатталарда қорин парда орқа бўшлиғи аъзолари ва бел соҳасининг клиник анатомияси.

Иш боскичнинг давомийлиги 2 соат (1пара) 90 мин	Ишни олиб борилиши	
	Муаллим томонидан	Талаба томонидан
1-босқич Ўқув дарсига кириш қисми	Машғулотдан мақсад- Талабаларга қорин парда орқа бўшлиғи чегараларини, бел соҳаси чегараси ва қаватларини, бўйрақлар топографиясига, унинг	Эшитишади аниқлик киритишади, саволлар беришади.

(30 мин)	капсуласи, қон томирлари ва нервларини, бўйрак усти беzi ва сийдик найларининг топографиясини, қорин аортаси ва унинг тармоклари топографиясини, пастки кавак вена, тоқ ва яримтоқ вена, кўкрак лимфа йўли топографиясини ўргатиш. Ўқитувчи янги мавзунини оғзаки тушунтиради. Талабалар машғулоти юзасидан билишлари керак: Талабаларни қорин соҳасининг болаларда ва катталардаги хусусиятлари. Қорин соҳасининг чегаралари, соҳалари, аъзолар голотопияси ҳамда қорин олд-ён девори қаватлари. Куйидаги куникмаларини талабалар кила билишлари керак Муляжда қорин аортаси тоқ ва жуфт тармоқларини кўрсатиб бериш.	
2-боскич Асосий (40мин)	Савол жавоб шаклида билимларини актуаллаштириш утказилади Назорат саволлари - Қорин парда орқа бўшлиғи чегараларини айтиб беринг. - Бўйраклар топографиясини гапириб беринг. - Бўйрак усти беzi топографиясини айтиб беринг. Сийдик найларини анатомиясини гапириб беринг. - Қорин аортасини жуфт ва тоқ тармоқларини айтиб беринг. - Тоқ ва яримтоқ веналар топографиясини гапиринг. - Кўкрак лимфа йўлини ҳосил бўлиши ва топографиясини тушунтиринг. 2.Ўқув машғулоти структурасига биноан амалий ишлар орқали талабалар билиминини мустаҳкамлаш. Амалий ишлар. - қорин парда орқа бўшлиғи ва бел соҳасининг топографияси; - қорин парда орқа бўшлиғи аъзолари: бўйраклар, бўйрак усти безлари ва сийдик найининг топографияси; - қорин парда орқа бўшлиғида жойлашган ирик қон томирлар, нерв чигаллари ва симпатик поя топографияси; - қорин бўшлиғи аъзоларида бажариладиган операциялар ҳақида умумий тушунча. 3.Аналитик қисм. Вазиятли масалалар. 1. Беморда сийдик йўлининг иккинчи қисилган жойида тош тикилиб қолганлиги аниқланган. Сийдик йўлини нечта қисилган жойида тош тикилиб қолиши	Жавоб берадилар, эшитадилар, гуруҳда ишлайдилар, и натижаларини, презентация киладилар.

	мумкин, улар сийдик йўлининг қаерда? 2. Талок ёрилиб (бахциз ҳолатларда) кеца, уни тезда қорин бўшлиғидан олиб ташлаш (спленэктомия) лозим. Талок олиб, ташланаётганда унинг қайси қўшнилари айланиб келиб юбормаслик учун эътиборга олиш керак?	
3-боскич Яқунловчи- натияжаловчи боскич (20 мин)	1.Мавзу бўйича хулоса чиқарилади, талабаларнинг фикри мавзунинг асосига йўналтириб, профессионал иш юритишда қилинган ишларни муҳимлигини айтиб ўтади. 2.Гуруҳни алоҳида қатнашчиларни иш олиб боришини баҳолайди, узаро баҳолашни яқунинга етказиши. 3.Уқув машғулотининг мақсадига етишиш даражасини таҳлил қилади ва баҳолайди. 4.Аудиториядан ташқари баҳарида қилинган ишларни таҳлил қилади.	Ўз-ўзини баҳолаш/ҳамма қатори баҳолашни ўтказиши. Саволлар беради.

Назари қисм:

Қорин парда орқа бўшлиғи деганда қорин парда париетал варағи билан бел умуртқалари ва мушакларининг ичкаридан ўраб турувчи қориннинг ички фасцияси орасида бўшлиқ тушунилади. Бу бўшлиғимизда бўйраклар, бўйрак усти безлари, сийдик найлари, қорин аортаси, пастки қавак вена, тоқ ва яримтоқ веналар, кўкрак лимфа йўли ва симпатик поянинг бел қисми жойлашган. қорин аортаси умуртқа поғонасининг чап томонида жойлашиб, у ўнг томондан пастки қавак вена билан чегараланган. Унинг тоқ ва жуфт тармоқлари тафовут қилинади. Пастки қавак вена ўнг ва чап умумий ёнбош веналарининг қўшилишидан ҳосил бўлиб, қорин бўшлиғи жуфт аъзолари веналарининг ўзига қамраб олади. Тоқ ва яримтоқ веналар қўтарилиб бел веналаридан ҳосил бўлади. Кўкрак лимфа йўли II бел умуртқаси дамида лимфа цистернасининг бошланади. Унга 3 та лимфа йўллари: ўнг ва чап чов ёнбош ва ичкари туткичи лимфа келиб қўйилади. Талабаларга бўйрак, бўйрак усти безлари ва сийдик найлари синтопияси, скелетотопияси қон билан таъминланиши ва иннервацияси тушунирилади.

Қорин парда орқа бўшлиғи қорин-парданинг орқа париетал варағи билан қориннинг орқа девори орасида ҳосил бўлади. Қорин орқа девори эса 10-11 қаватга, 1-5 бел умуртқалари бел ва квадратамон мускуллар ҳосил қилади.

Демак қоринпарда орқа бўшлиғи аъзоларига қуйидагилар қиради: бўйраклар, бўйрак усти безлари сийдик йўли, қорин аортаси, унинг ўнг томонида ётган пастки қавак венаси, меъда ости бези, 12-бармоқди ичкарининг қўш қисми, қўш чигали, юқори ва пастки ичкари туткичи нерв чигаллари, дарвоза венаси (ўнга қуйиловчи веналари билан), кўкрак лимфа йўлининг бошланиш қисми, еҒ клетчаткалари.

Бўйрак клиник анатомияси.

Бўйраклар одамда бир жуфт бўлиб, қоринпардани орқасида жойлашган (экстраперитонеаль аъзо). Бўйраклар ловия шаклида бўлиб, ичкари ботик ва ташқари қаварик қисмлардан, юқорига ва пастки учларидан, олдинги ва орқа юзларидан иборат. Бўйрак ичкари ботик қисми унинг дарвозаси дейилади. Дарвозадан эса ичкари артерия, нерв кириб, вена, лимфа томири, сийдик йўли чиқиб келади.

Ўнг буйрак чапига нисбатан пастрок жойлашган, шунинг учун ҳам чап 12-ковурға сояси чап буйракни уртасидан уца, ўнг қовурға эса ўнг буйракни юқориги 1\3 қисмига тўғри келади.

Ўнг бўрайк (синтопияси), юқоридан буйрак усти беги ва жигар ўнг булагига асосига тегиб туради, олдидан 12-бармоқли ичак тушувчи қисмига ва ичак ковузлогига (парда орқали) ҳамда йўғон ичак ўнг эгрилигига тегиб, қўшнилашиб туради.

Чап буйрак (синтопияси) юқоридан буйрак усти беги, олдидан меъда ости беги тана ва думи билан, меъда танаси билан ва йўғон ичак чап эгрилиги билан қўшнилашиб туради. Буйраклар катталарда 10-12 см узунликда бўлиб, силлик бўлади. Чақалокдарда эса буйраклар нисбатан кичик бўлиб, куп бўлаклардан иборатдир.

Буйрак 3 та парда билан ўралган: фиброз парда (ичкаридан), ёғсимон парда (паранефрон) уртада, буйрак фасцияси (ташкаридан). Буйрак дарвозасидан юқорида кўрсатилганлар билан бирга буйрак жоми ҳам бошланади, агар жой буйрак ичкарасида булса унда унинг давоми бўлган сийдик йули буйрак дарвозасидан бошланади. Бўлаклар қорин аортасидан бошланувчи буйрак артерияси билан озикданади, венаси эса пастки ковак венасига қуйилади. Урталиқ чизикка нисбатан қорин аортаси чапроқда, пастки ковак венаси ўнгрокда жойлашгани учун, ўнг буйрак артерияси чапига қараганда қиска, венаси эса тескари яъни чапи узунрок бўлади.

Буйраклар қуёш чигали ва буйрак чигали нервларидан иннервацияланади. Буйрак аномалиялари:

1. Такасимон буйраклар. (икки буйрак юқорисида бирлашган)
2. Дистомик буйраклар (улар пастда,хатто катта-кичик чаноққда жоилашган).
3. Иккита буйрак ҳам бир томонда жоилашган.
4. Катталарда бўлакчали буйраклар

Буйраклар юқориги кутби (полюси) учбўрчаксимон, айрисимон шаклдаги буйрак усти беги билан копланиб турибди. Бу без ички секрет безларига кириб, унинг пустлок ва магиз қисмлари узига хос қармонлар ишлаб чиқаради. Унинг озикданишида 3 та артерия катнашади.

- 1) Буйрак усти беги юқориги артерияси (диафрагма ости артериядан).
- 2) Урта артерияси (қорин аортасидан)
- 3) Пастки артерияси (буйрак артериясидан бошланади).

Сийдик йули катталарда 25-30 см бўлиб, буйрак жомидан бошланиб, сийдик копигача давом этади. Унинг қорин, чаноққ ва сийдик копи деворига қирган қисмлари тафовут қилинади. Қорин қисми чаноққ қисмига утиши чегара чизигага тўғри келади, бу ерда у озгина эгрилик ҳосил қилаётиб, тораяди, шунинг учун бу жой торайган қием ҳам дейилади. Аслида 3 та торайган қисми ҳам тафовут қилинади: бошланишида, чаноқққа утиш жойида ва сийдик копига қирган жойида. Тор қисмларда тошлар тикилиб қолади ва бу жойларни амалиёт учун зарурдир.

Ўнг сийдик йули тахминан кўтарилиувчи чамбар ичак билан пастки қавак орасида чапи эса пастга тушувчи чамбар ичак билан аорта уртасида жойлашади. Сийдик йули чаноқққа тушиш арафасида умумий ёпбош артерия (орқасида) билан қесишади.

Қон билан таъминланиши: юқори қисми буйрак артериясидан, урта қисми уруғдон артерияси билан (аёлларда тухумдон артерияси), пастки чаноққ қисми эса ички ёнбош артериясидан озикданади.

Болаларда туша етишмовчиликлари, бир нечта бўлиб бошланиши, қенгаймалари бор найлар билан тугилишлар учраб туради.

Қорин аортаси 12-қўкрақ умуртқаси тўғрисида диафрагмадан қоринга утиб (бошланиб), 5-бел умуртқаси тўғрисида иккига бўлинади (бифуркация) ва чаноқққа кетувчи умумий ўнг ва чап ёнбош артериялари бўлиб давом этади. Қоринпарда ортида

жоилашган қорин аортаси урталиқ чизигадан (бел умуртқалари олдида) чапроқда ётади (ўнрокда эса пастки қавақ венаси ётади).

Қорин аортаси қорин бўшлиғи деворига ва аъзоларига шохлар беради. Деворий шохлари: диафрагма пастки артерияси (2 та), бел артериялари (3-4та), бифуркациосидан чикувчи думғаза урта артерияси (2та).

Аъзоларга (органларга) таркаладиган шохлари эса ток (ток аъзоларга) ва жуфт шохлар (жуфт аъзоларга).

Ток шохларига қуйидагилар киради:

1. Қорин пояси, диафрагмадан 0,5-1 см пастдан бошланиб, у узи 3 та (Халлер 3 шохи) шохга бўлинади (меъда чап артерияси, Талоқ, артерияси ва жигарнинг умумий артерияси). Қорин пояси Холлер уч шохи орқали Қорин бўшлиғининг юқори қават аъзоларини (жигар меъда, Талоқ, меъда ости беzi, 12-бармоқди ичак) озикдантиради.
2. Юқориги ичак туткичи артерияси меъда ости безига, 12 бармоқли ичакка, ингичка ичакнинг хаммасига ва йўғон ичакнинг ўнг ярмига озикдантирувчи шохлар беради. (1-бел умуртқаси тўғрисида бошланади).
3. Пастки ичак туткич артерияси юқоридаги артериядан пастда қорин аортасидан жуфт шохлар (жуфт аъзоларга).

Ток шохларига қуйидагилар киради:


1. Қорин пояси, диафрагмадан 0,5-1 см пастдан бошланиб, у узд 3 та (Холлер 3 шохи) шохга бўлинади (меъда чап артерияси, Талоқ артерияси ва жигарнинг умумий артерияси). Қорин пояси Холлер уч шохи орқали қорин бўшлиғининг юқори қават аъзоларини (жигар меъда, Талоқ, меъда ости беzi, 12 бармоқли ичак) озикдантиради.
2. Юқориги ичак туткичи артерияси меъда ости безига, 12 бармоқли ичакка, ингичка ичакнинг хаммасига ва йўғон ичакнинг ўнг ярмига озикдантирувчи шохлар беради. (1-бел умуртқаси тўғрисида бошланиди)
3. Пастки ичак туткич артерияси юқоридаги артериядан пастда қорин аортасидан бошланиб, йўғон ичакни ўнг ярмини тўғри ичаккача озиклантиради.

Қорин аортасининг жуфт тармоқлари: буйрак усти урта артерияси, буйрак артерияси, уругдон (тухумдон) артерияси, шу номли аъзоларга таркалади.

Қорин парда ортида, умуртқа поғонаси икки енида 4-5 та симпатик тугунлар (устунча) узларидан шохлар бериб қорин бўшлиғига таркаладиган артериялар деворида шу артерия номидаги нерв чигалларини хосил қилади, улар қуйидаги чигаллардир: қуёш чигали (қорин пояси атрофида) , буйрак чигали, Талоқ чигали, юқориги ва пастки туткич чигаллари, аорта деворидаги чигаллар; бу чигаллар симпатик ва парасимпатик (X-нerv) нерв толалари билан қорин бўшлиғи аъзоларини иннервациялайди.

Пастки қавақ венаси 5-бел умуртқасини тўғрисида чанокқдан келаётган иккита умумий ёнбош венасини қушилишдан хосил бўлади. У оёқдан чанокқдан қорин бўшлиғидан веналари узига йигиб жигарни орқасидан ўтади. Диафрагма орқали кўкракга утгач юракни ўнг булмачасига қуйилади.

Топширик 1. Интерфаол усул: Талабалар учта кичик гурухларга бўлиниб, “Кластер” чизиш тушунтирилади:



Топширик 1.

Тестлар:

1. Қайси томир чап буйрак дарвозаси яқинида жойлашади
 - а) қорин аортаси
 - б) дарвоза венаси
 - в) пастки ковак вена
 - г) юқори ичактўткич венаси
 - д) қорин стволи

2. Буйракнинг фиксациясида нима иштироқ этмайди
 - а) диафрагма чамбар ичак боғлами
 - б) буйрак ёғ капсуласи
 - в) белнинг мускуллари ҳосил қилган буйрак уриндиги
 - г) қориннинг ички босими
 - д) буйрак оёқчасининг томирлари

3. Чап буйрак дарвозасига яқин ҳосила
 - а) қорин аортаси
 - б) юқори ичак тутқич вена

- в) пастки кавак вена
- г) қопқа вена
- д) қорин пояси

4. Чап сийдик найидан ташкарида нима ётади:

- а) тушувчи чамбар ичак
- б) аорта
- в) пастки ковак вена
- г) симпатик поя
- д) сигмасимон ичак

5. Чап буйрак юқориги-ташқи қирраси нимага тегиб туради

- а) талоққа
- б) диафрагмага
- в) ошқозон ости безига
- г) ошқозонга
- д) қобирғаларга

6. Буйрак артерияси қаердан бошланади

- а) қорин аортасидан
- б) қорин артериал поясидан
- в) юқориги ичак тутқич артериясидан
- г) пастки ичак тутқич артериясидан
- д) пастки диафрагма артериясидан

7. Буйрак веналари қаерга қўйилади

- а) пастки кавак венага
- б) қопқа венасига
- в) юқориги кавак венага
- г) пастки ичак тутқич венага
- д) юқориги ичак тутқич венага

8. Ўнг сийдик найидан ичкарида нима ётади

- а) пастки кавак вена
- б) қорин аортаси
- в) буйрак артерияси
- г) симпатик поя
- д) қорин артериал пояси

9. Чап сийдик найидан ичкарида нима ётади

- а) аорта
- б) пастки кавак вена
- в) қорин артериал пояси
- г) тушувчи чамбар ичак
- д) сигмасимон ичак

Топширик 3.

ОХТА фанидан талабаларни баҳолаш варақаси

Терминлар			Аъзо қисмлари	Аъзонинг фаолияти
Лотинча	Русча	Ўзбекча		

Машғулот таъминланиши: Расмлар, муляжлар, скелет, препаратлар, диафильмлар ва видеофильмлар.

Жорий баҳолаш мезони

Балл	Баҳо	Талабанинг билим даражаси
86-100	Аъло	Талаба буйраклар, буйрак усти безлари ва катта қон томирларни голотопияси, скелетотопияси ва синтопияси, қон билан таъминланиши, иннервацияси, лимфа тизимини тушунтира олса. Қорин аортасини шохларини ва қуёш чигалини айтиб бера олса. Амалий кўникмаларни бажариб бера олса.
71-85	Яхши	Талаба буйраклар, буйрак усти безлари ва катта қон томирларни голотопияси, скелетотопияси ва синтопияси, қон билан таъминланиши, иннервацияси, лимфа тизимини тушунтира олса. Қорин аортасини шохларини ва қуёш чигалини тўлиқ айтиб бера олмаса. Амалий кўникмаларни бажаришда хатоликларга йўл қўйса.
55-70	Қониқарли	Талаба буйраклар, буйрак усти безлари ва катта қон томирларни голотопияси, скелетотопияси ва синтопияси, қон билан таъминланиши, иннервацияси, лимфа тизимини тушунтиришда хатоликларга йўл қўйса. Қорин аортасини шохларини ва қуёш чигалини тўлиқ айтиб бера олмаса. Амалий кўникмаларни ўқитувчи ёрдамида бажарса.
55 дан кам	Қониқарсиз	Талаба ҳеч қандай тасаввурга эга бўлмаса.

Амалий машғулот № 10

Қоринпарда орқа бўшлиғи аъзоларида бажариладиган операцияларнинг клиник анатомик асослари.

Иш боскичнинг давомийлиги 2 соат (1пара) 90 мин	Ишни олиб борилиши	
	Муаллим томонидан	Талаба томонидан

1-босқич Ўқув дарсига кириш қисми (30 мин)	Машғулотдан мақсад- Талабаларга қорин парда орқа бўшлиғи аъзоларида бажариладиган операцияларга умумий тушунча бериш. Қоринпарда орқа бўшлиғи аъзоларида бажариладиган операцияларга кўрсатмалар, қарши кўрсатмалар ва қисқача операция техникаси ҳақида тушунча бериш. Ўқитувчи янги мавзунини оғзаки тушунтиради Талабалар машғулоти юзасидан билишлари керак: Талабаларни қорин парда орти аъзоларида қандай операциялар бажарилишини, уларга кўрсатмалар ва қарши кўрсатмаларни, операциядан кейинги асоратларини. Қуйидаги куникмаларини талабалар қила билишлари керак. Муляжда бел соҳаси ва қоринпарда орқа бўшлиғи аъзоларини топиш.	Эшитишади аниқлик киритишади, саволлар беришади.
2-босқич Асосий (40мин)	Савол жавоб шаклида билимларини актуаллаштириш утказилади Назорат саволлари - Қорин парда орқа бўшлиғи чегараларини айтиб беринг. - Буйракда қандай операциялар бажарилади? - Нефротомия нима? - Нефротомияга кўрсатмалар? - Буйрак операцияларида беморнинг ҳолати қандай бўлади? - Буйрак операцияларида қандай оғрикисизлантириш усули ўтказилади? - Нефростомия нима? 2.Ўқув машғулоти структурасига биноан амалий ишлар орқали талабалар билимини мустаҳкамлаш. Амалий ишлар. - қорин парда орқа бўшлиғи ва бел соҳасининг топографияси билиш; - қорин парда орқа бўшлиғи аъзолари: бўйраклар, бўйрак усти безлари ва сийдик найида бажариладиган операцияларга кўрсатмаларни билиш; - қорин парда орқа бўшлиғида жойлашган йирик қон томирлар, нерв чигаллари ва симпатик поя клиник анатомиясини билиш; - қорин бўшлиғи аъзоларида бажариладиган операциялар ҳақида умумий тушунча. 3.Аналитик қисм. Вазиятли масалалар. 1. Беморда сийдик йўлининг иккинчи қисилган жойида тош тикилиб қолганлиги аниқланган. Сийдик йўлини нечта қисилган жойида тош тикилиб қолиши мумкин, улар сийдик йўлининг қаерда?	Жавоб берадилар, эшитадилар, гуруҳда ишлайдилар, и натижаларини, презентация қиладилар.

	2. Талок ёрилиб (бахциз ҳолатларда) кеца, уни тезда қорин бўшлиғидан олиб ташлаш (спленэктомия) лозим. Талок олиб, ташланаётганда унинг қайси қўшниларини айниқса кесиб юбормаслик учун эътиборга олиш керак?	
3-боскич Яқунловчи- натижаловчи боскич (20 мин)	1.Мавзу буйича хулоса чиқарилади, талабаларнинг фикрни мавзуни асосига йуналтириб, профессионал иш юритишда килинган ишларни муҳимлигини айтиб утади. 2.Гуруҳни алоҳида катнашчиларни иш олиб боришини баҳолайди, узаро баҳолашни яқунига етказди. 3.Уқув машғулотини мақсадига етишиш даражисини таҳлил килади ва баҳолайди. 4.Аудиториядан ташқари бажариладиган мустақил ишни таркатади.	Ўз-ўзини баҳолаш/ҳамма қатори баҳолашни ўтказди. Саволлар беради.

Назарий қисм:

Нефроектомия – буйракни олиб ташлаш.

Кўрсатмалар.Буйрак ва буйракусти безининг ёмон сифатли ўсмалари, пио-гидронефрозлар, оғир қон кетиши билан кечадиган буйрак жароҳатларида қўлланилади. Бу операция фақат иккинчи буйрак меъёрида ишлаётганлигига ишонч ҳосил килингандагина қўлланилади.

Оғриксизлантириш. Умумий.

Беморнинг ҳолати. Бел тагига ёстиқча қўйилган ҳолда соғлом ёнбоши билан ётади.

Операция техникаси. Бунда Федоровнинг қия кесими, яъни XII қовурғанинг белни тўғриловчи мушагининг латерал чети билан кесишган жойидан олд ва пастга қараб ўрта қўлтиқости чизигигача ўтказилади. Тўқималарнинг барча қавати кесилгач, буйрак атрофдаги ёғ тўқималари кўзга ташланади. Улар ўтмас йўл билан четга сурилиб, буйрак операция жароҳатига чиқарилади. Оҳиста ҳаракатлар билан буйрак томирлари ажратилиб боғланади ва кесиб ташланади. Сўнгра иккита боғлов орасига олинган сийдик йўли ҳам кесилгач, буйрак олиб ташланиб, операция жароҳати қаватма-қават зичлаб тикилади. Мушакларга кетгут, хусусий фасция ва терига ипак чоклар қўйилади..

Жароҳатда 2-3 кунга мўлжаллаб резина дренаж колдирилади. Нефректомия даврида энг ҳавфи асоратлардан бири буйрак томирларидан қон кетиб қолишидир. Диафрагма ва плевранинг жароҳатланиши мазкур операция даврида кам бўлсада, учраб туради. Агар шундай асорат вужудга келса, дарҳол плевра ва диафрагмага чоклар қўйилиши лозим.

Нефротомия – буйрак паренхимасини кесиш.

Кўрсатмалар: буйрак карбонкули, гидро- ва пиелонефроз, коралл тошлар ва орган паренхимасида кичкина тошларнинг кўп бўлиши.

Федоров бўйича очишда кесма XII қовурға билан орқани тўғри ушлайдиган мускул оралиғидаги бурчак чўққисидан, умуртқаларнинг бигизсимон ўсиқларидан 7-8 см ташқарида бошланади ва пастга қийшиқ йўналади. Ёнбош суяклари қиррасига етмасдан туриб кесма кўндалангига киндик томонга йўналтирилади.

Тери, тери ости клетчаткаси ва юзаки фасция кесилади. Сўнгра қоринпардани жароҳатлантормасликка ҳаракат қилиб, қориннинг ички қийшиқ мускули ва кўндаланг мускуллари кесилади ва жароҳатнинг орқа бўлимида қоринпарда орқа ёғ клетчаткасига тешиб кирилади. Дока сочиқча ёрдамида тўмтоқ йўл билан қорин халтаси кўчирилади ва олдинга итарилади. Жароҳатнинг вертикал бўлимида ёпиқ анатомик пинцетлар билан қоринпарда орти ёғ клетчаткаси сурилади, буйрак орти фасцияси кесилади ва сўнгра паранефрал ёғ клетчаткаси силжитилиб, буйракнинг орқа юзаси очилади. Иккала қўлнинг кўрсаткич бармоқлари билан буйрак тўқимадан ажратилади ва у жароҳатга чиқарилади.

Операциянинг ўзи шундан иборатки, бунда буйрак паренхимаси унинг қавариб чиққан қирғоғи ўртасидан 1 см орқада бўйламасига кесилади ва тегишли манипуляция (тошларни

олиб ташлаш, карбонкулни кесиб очиш) тугатилагндан сўнг орган тўқимаси кетгут чоклар билан тикилади. Жароҳат қаватма-қават тикилади, резина дренаж қўйилади.

Гидронефрозни бартараф қилиш усули


Бемор ҳолати. Ёнбошда.

Огриксизлантириш. Эндотрахеал наркоз.

Операция техникаси. Операция майдонига ишлов берилгандан кейин, мускуллараро кесим воситасида люмботомия бажарилади. Буйрак медиал тарафга сурилиб, катталашган буйрак жоми иккита тутқичга олинади, ўртасидан кесилиб, йиғилган сийдик электросўргич ёрдамида тортиб олинади. Сийдик найининг тешиги топилиб, шу тешик икки тарафидан тутқичларга олиниб, сийдик найи тешиги атрофдан айланасига кесилади, буйрак жомидан ажратилади ҳамда патологияси аниқланиб, шу жойи резексия қилинади.

Охирги тутқичлар икки тарафга ажратилиб, буйрак жомининг медиал ва латерал деворлари ўртасидан буйрак дарвозаси тарафга шундай кесиладики, бунда шу кесим тубига келтирилган сийдик найида ҳеч қандай тортилиш, таранглашиш рўй бермаслиги керак. Сийдик найининг кесилган учидан, унинг тутқичига қарама-қарши девори тахминан 0,5-0,6 см дистал тарафга кесилгач, энг учи буйрак жомининг кесими тубига чокланади. Кейин сийдик найи девори ҳамда жом девори бир-бирларига 6/0 ёки 5/0 рақамли викрил иплари билан сийдик найи деворидаги кесим тубигача чокланади, жомнинг худди шу девори сийдик найининг қарама-қарши деворига қўшиб тикилади. Мана шу тикиш биринчи чокланган жойга йетгач, қарама-қарши жом девори билан чокланади ҳамда жом деворининг ортиқча қисмлари резексия қилиниб олиб ташлангач, четлари бир-бирига тикилади. Худди шу пайтда интубаторнайчаси сийдик найининг дистал қисмига 4-5 см туширилиб, жом ичида қоладиган қисмидан 3 ёки 4 та тешик очилади, жом деворининг юқорисидан чиқарилиб, кетгут билан маҳкамланади. Чоклаш тамом бўлгач, интубатор найчаси контрапертурадан чиқарилиб, териға фиксация қилинади. Паранефрал клетчаткада назорат найчаси қолдирилиб, жароҳат қаватма-қават тикилади ва асептик боғлам қўйилади.

Топшириқ 1. Интерфаол усул: Талабалар учта кичик гуруҳларга бўлиниб, “Кластер” чизиш тушунтирилади:



Топширик 2.

Тестлар:

1. Нефротомия бу -?
 - а) буйрак паренхимасини кесиш
 - б) сийдик йўлини очиш
 - в) сийдик йўлига найча қўйиш
 - г) буйракни олиб ташлаш
 - д) буйракка найча қўйиш

2. Буйракнинг фиксациясида нима иштирок этмайди
 - а) диафрагма чамбар ичак боғлами
 - б) буйрак ёғ капсуласи
 - в) белнинг мускуллари ҳосил қилган буйрак уриндиги
 - г) қориннинг ички босими
 - д) буйрак оёқчасининг томирлари

3. Нефроэктомия нима?
 - а) буйрак паренхимасини кесиш
 - б) сийдик йўлини очиш
 - в) сийдик йўлига найча қўйиш
 - г) буйракни олиб ташлаш
 - д) буйракка найча қўйиш

4. Пиелолитомия нима?
 - а) буйрак паренхимасини кесиш
 - б) буйрак жомларидаги тошни олиб ташлаш
 - в) сийдик йўлига найча қўйиш
 - г) буйракни олиб ташлаш
 - д) буйракка найча қўйиш

5. Буйрак резекцияси бу -?
 - а) буйракнинг бир қисмини олиб ташлаш
 - б) сийдик йўлини очиш
 - в) сийдик йўлига найча қўйиш
 - г) буйракни олиб ташлаш
 - д) буйрак жомларидаги тошни олиб ташлаш

6. Қандай ҳолатларда буйрак олди клетчаткаси кесиб олинади?
 - а) паранефрал клетчатканинг ўткир яллиғланишида
 - б) буйрак жомларидаги тошни олиб ташлаш
 - в) сийдик йўлида тош тикилиб қолганда
 - г) буйрак ёрилганда
 - д) буйрак силида

7. Қандай ҳолатларда сийдик йўли очилади?

- а) сийдик йўлида тошлар тиқилиб қолганда
- б) сийдик йўлининг чандиқли торайишида
- в) сийдик йўли шикастланишларида
- г) буйрак жомида тош бўлганда
- д) ўткир буйрак яллиғланишида

Топширик 3.

ОХТА фанидан талабаларни баҳолаш варақаси

Терминлар			Аъзо қисмлари	Аъзонинг фаолияти
Лотинча	Русча	Ўзбекча		

Машғулот таъминланиши: Расмлар, муляжлар, скелет, препаратлар, диафильмлар ва видеофильмлар.

Жорий баҳолаш мезони

Балл	Баҳо	Талабанинг билим даражаси
86-100	Аъло	Талаба нефрэктомия, нефротомия, нефростомия, буйрак резекцияси операцияларига кўрсатмалар ва қарши кўрсатмаларни айтиб бера олса. Оператив очиб кириш, операция усуллари ва бажариш техникасини тушунтира олса. Амалий кўникмаларни бажариб бера олса.
71-85	Яхши	Талаба нефрэктомия, нефротомия, нефростомия, буйрак резекцияси операцияларига кўрсатмалар ва қарши кўрсатмаларни айтиб бера олса. Оператив очиб кириш, операция усуллари ва бажариш техникасини тушунтиришда хатоликларга йўл қўйса. Амалий кўникмаларни бажаришда хатоликлар бўлса.
55-70	Қониқарли	Талаба нефрэктомия, нефротомия, нефростомия, буйрак резекцияси операцияларига кўрсатмалар ва қарши кўрсатмаларни тўлиқ айтиб бера олмаса. Оператив очиб кириш, операция усуллари ва бажариш техникасини тушунтиришда хатоликларга йўл қўйса. Амалий кўникмаларни ўқитувчи ёрдамида бажарса.
55 дан кам	Қониқарсиз	Талаба ҳеч қандай тасаввурга эга бўлмаса.

Амалий машғулот № 11

Аёллар чаноғи аъзолари ва оралиғининг клиник анатомияси.

Иш босқичининг давомийлиги 2 соат (1пара)	Ишни олиб бориши	
	Муаллим томонидан	Талаба томонидан

90 мин. 1-босқич. Ўқув дарсига кириш қисми. (30 мин.)	Машғулотдан мақсад: - Талабаларга чанок соҳаси ҳақида умумий тушунча бериш. Қандай суяклардан ташкил топганлигини, бўғимларини, боғламларини ўргатиш, чанок диафрагмаси ва фасцияларни ўргатиш. Чанок қаватлари ва аъзоларнинг жойлашиши тушунтириш. Аёллар чаноғи аъзолари клиник анатомиясини тушунтириш. 1. Ўқитувчи янги мавзунини оғзаки тушунтиради. 1.1 Талабалар машғулоти юзасидан билишлари керак: - Чанок соҳасининг топографик анатомиясини; - Чанок қайси суяклардан ташкил топганлигини; - Чанок қаватлари ва унда жойлашган аъзоларни; - Аёллар чаноғи аъзоларига қандай аъзолар киришини; - Аёллар ва эркеклар чаноғининг бир биридан фарқини; 1.2 Қуйидаги кўникмаларини талабалар қила билишлари керак: - Талаба муляж ва плакатда катта ва кичик чанокни кўрсатиб беришни билиши керак; - Чанок диафрагмасини қандай ҳосил бўлишини билиши ва муляжда кўрсата олиши керак;	Эшитишади, аниқлик киритишади, саволлар беришади.
2-босқич. Асосий қисм (40 мин.)	2.1 Савол-жавоб шаклида билимларини актуаллаштириш ўтказилади. Назорат саволлари: 1. Чанок деб нимага айтилади? 2. Чанок қандай суяклардан ташкил топган? 3. Чанокнинг қандай қаватлари бор? 4. Чанок фасциялари ва мушукларини айтиб беринг? 5. Чанок диафрагмаси қандай ҳосил бўлади? 6. Аёллар ва эркеклар чаноғининг бир-биридан фарқи? 7. Чанок соҳасининг болалардаги хусусиятлари? 8. Катта ва кичик чанокни бир биридан нима ажратиш туради? 2.2 Ўқув машғулотини структурасига биноан Амалий ишлар орқали, Вазиятли масалаларни муҳокама қилишади. Амалий ишлар:	Жавоб берадилар, эшитадилар, гуруҳда ишлайдилар, иш натижаларини, презентация қиладилар.

	- Талаба чаноқ соҳасининг топографо-анатомик нуктаи назаридан синтопиясини, галотопиясини, қон ва нерв билан таъминланишини ва болалардаги хусусиятини ўрганишади. - Чаноқ қаватларини ва унда жойлашган аъзоларни ўрганишади. 2.3 Аналитик қисм. Вазиятли масала: 1. Беморда аёлда тор чаноқ (узкий таз) кузатилмоқда. Чаноқнинг қайси ўлчамлари нормадан кичкина? 2. 8 ёшли қиз бола ва катта аёлда чаноқ ўлчамларини ўлчашга тўғри келади. Ёш қизча ва катта аёлда чаноқ ўлчамлари қанча? 3. Аёл ўнг ёнбош соҳасида оғриқ билан шикоят қилиб келди. Теширув натижасида чувалчангсимон ўсимта соғлом эканлиги аниқланди. Сиз нима деб ўйлайсиз, оғриқнинг сабаби нима бўлиши мумкин? 4. Нима учун кўпчилик аёлларда туғруқдан сўнг тўғри ичакнинг пастга тушиш ҳолати кўп учрайди. Бундай ҳолатда операциянинг қандай усулини қўллайсиз?	
3-босқич. Яқунловчи-натижаловчи қисм (20 мин.)	3.1 Мавзу бўйича хулоса чиқарилади, талабаларнинг фикрни мавзуни асосига йўналтириб, профессионал иш юритишда қилинган ишларни муҳимлигини айтиб ўтади. 3.2 Гуруҳни алоҳида қатнашчиларни иш олиб боришини баҳолайди, ўзаро баҳолашни яқунига етказди. 3.3 Ўқув машғулотини мақсадига етишиш даражисини таҳлил қилади ва баҳолайди. 3.4 Аудиториядан ташқари бажариладиган мустақил ишни тарқатади.	Ўз-ўзини баҳолаш, ҳамма қатори баҳолашни ўтказди. Саволлар беради.

Назарий қисм:

Чаноқ деб, топографик анатомия нуктаи назаридан чаноқ суяклари думғаза дум ҳамда бойламлар билан чегараланиб турган киши танасининг бир қисмига айтилади. У ташқаридан ва пастдан юмшоқ тўқималар билан ўралиб, ичини ёғ тўқима сийдик таносил аъзоларини тўғри ичак қон томир нерв ва лимфа тугунлари тўлдириб туради. Чаноқнинг суяк асосини бир бири билан бириккан ёнбош, қов, қуймич ҳамда думғаза ва дум суяклари ташкил қилади. Юқориги учта суякларнинг бирлашган жойида қуймич косаси бўлади. Чаноқ суяклари орқада қуймич суяги билан қуймич ёнбош бўғимини, олдинда-толали тоғай ёрдамида, қов бирлашмасини ҳосил қилиб бирлашади. Суякларнинг бирлашган жойлари бойламлар билан мустаҳкамланиб, бир бутун суяк-фиброзли ҳалқа-чаноқни ҳосил қилади.

Боланинг туғилишида кичик ва катта чаноқлар ўлчамининг аҳамияти катта. Кичик чаноқнинг кириш тешиги қуйидагича:

1. Тўғри диаметр — diameter recta қов суяклари бириккан жойнинг ўртасидан V бел умуртқаси билан I думғаза умуртқаси бирлашган жойи (promantorium) нинг узунлиги 11 сантиметр.

2. Кўндаланг диаметр— *diameter transversa* деб, икки томондаги чегара чизикларининг энг узок турган нуқталари орасига ўтказилган чизикқа айтилади, у 13,5 см узунликка эга.
3. Қийшик размери — *diameter obliqua* ёнбош-думғаза бўғимидан ёнбош-қов, дўмбоғининг кўтарилган жойигача бўлган масофа ҳисобланади, унинг узунлиги 12,5 см.

Кичик чанок чиқиш тешигининг ўлчамлари:

1. Тўғри диаметр — дум суягининг қов учбурчаги учигача бўлган масофасидир, унинг узунлиги 9—9,5 см.
2. Кўндаланг ўлчами — иккала қуймич дўмбоғлари орасидати масофа бўлиб, узунлиги 11 см дир.

Катта чанокнинг кириш ўлчамлари:

1. Икки ёнбош олд суягининг устки ўсиқлари оралиғидан *diastertia spmarum* масофанинг узунлиги 25—27 см.
2. Икки ёнбош устки суякнинг кирралари оралиғидаги (*distantia, cristarum*) масофанинг узунлиги 28—29 см.
3. Икки сон суяги катта кўстлари оралиғидаги— (*distantia trochanteric*) масофа узунлиги 30—32 см.

Чанок диафрагмаси — *diaphragma pelvis*. Кичик чанокнинг чиқиш қисмида, яъни кичик чанокнинг иккинчи ва учинчи қавати ўртасида чанок диафрагмаси — *diaphragma pelvis* мавжуд. Бу диафрагманинг икки: мускул ва парда қисми бор. Мускул қисми орқа тешикни юқорига кўтарувчи мускул ва дум мускулларидан ташкил топган. Катта одамларда диафрагманинг мускул қисмидан тўғри ичакнинг пастки оралик қисми ўтади. Диафрагманинг паст қисми қов учбурчагини беркитиб қўяди.

Эркакларда чанок диафрагмасининг пастки қисмидан сийдик найи ва олатнинг орқа артерияси, аёлларда эса сийдик найи ва қин ўтади.

Сийдик пуфаги — *vesica urinaria* қов бирикмаси орқасида ётади, унинг туби, танаси ва учи тафовут қилинади. Сийдик пуфагида 200 см³ сийдик йиғилса, одамнинг сийгиси қистайди. Сийдик пуфагида бир литргача сийдик йиғилиши мумкин. Эркаклар сийдик пуфагининг тубида простата беzi бўлганлиги учун сийдик пуфаги юқорирокда жойлашади. Аёллар сийдик пуфаги олдидан қрв бирлашмасига, пастдан кичик чанок диафрагмасининг пай қисмига, орқадан (бачадонга ва қиннинг олдинги деворига, юқоридан ингичка ва йўғон ичакларнинг пастки қисмларига тегиб туради. Аёллар сийдик пуфаги ва тўғри ичаги ўртасида ўзаро юзаки бўшлиқ — *Excavatio vesico-uterina* жойлашган. Улардан икkitаси сийдик йули—*ureter* ва биттаси сийдик чиқариш каналининг ички тешиги — *ostium uretrae internum* дир. Ана шу учта тешик сийдик пуфагининг остида учбурчак ҳосил қилади, бу учбурчакка *trigonum vesicae*, дейилади. Сийдик пуфагининг шиллиқ қаватида жуда кўп бурмалар бор, аммо юқорида айtilган учбурчак бурмасидир. Болаларда сийдик пуфаги овал шаклда бўлади. Киши қариган сари сийдик пуфаги пастга тушиб боради.

Сийдик йўли— *ureter* буйрак жоми орқали сийдик пуфагига йўналиб, қориннинг орқа юзасида қорин пардаси орқасидаги катта чанокда, кичик чанокнинг иккинчи қаватида жойлашади. Сийдик йўлининг узунлиги 28—30 см бўлиб, қорин, чанок ва сийдик пуфаги девори ичидаги қисмларни ташкил қилади. Сийдик йўли умумий ёнбош артериясини, кесиб ўтиб, кичик чанокнинг иккинчи қаватига тушади, сўнгра пастга йўналиб сийдик пуфагининг тубида иккита тешикка очилади. Аёллар сийдик йўли эса бачадон бўйнига нисбатан 2 см четда, бачадон артерияси билан кесишган ҳолда сийдик пуфагининг тубида иккита тешикка очилади. Сийдик йўлининг 0,3—0,5 см узунликдаги энг охириги қисми сийдик пуфаги дев.орининг ичига жойлашган. Сийдик йўли кичик-чанок ён деворидан сийдик пуфагига йўналиб ёпқич артерия, вена ва нервларини, кесиб ўтади.

Бачадон—uterus аёлларнинг асосий ички жинсий аъзосидир. Ўзи, кичик чанок бўшлиғида кичик чанокнинг биринчи қаватида, жойлашган. Бачадонда туб тана ва бўйин

қисмлари тафовут қилинади. Бачадон бўйин қисмининг ярми қиннинг йкорисига жойлашган.

1. Ички шиллик қавати — endometrium.
2. Мускул қават — myometrium.
3. Бачадон атрофидаги ёғ қават — parametrium.
4. Бачадон ташқи сероз қавати — perimetrium.

Қин— **vagina** 7—8 см узунликдаги фиброз мускулдан тузилган каналдир, у юқоридан бачадон бўйнига қўшилса, пастда қин даҳлизига очилади. Қинда олд ва орқа деворлар тафовут қилинади. Қиннинг олдинги девори билан сийдик чиқариш найи ўртасида бириктирувчи тўқимадан тузилган девор — septum urovaginalis бор. Орқа девор эса тўғри ичакнинг олдинги девори билан чегараланади. Бу ерда septum rectovaginalis номли девор бор. Қиннинг девори билан бачадон бўйнининг олдинги лаби ўртасида қиннинг олдинги гумбази — fornix vaginalis anterior жойлашган. Қиннинг орқа девори ва бачадон бўйнининг орқа лаби ўртасидан қиннинг орқа гумбази — fornix vaginalis posterior ўрин олган.

Бачадон найлари — **tuba uterina** бир жуфт, узунлиги 11—13 см дан иборат бўлиб, бачадон туби ва қорин бўшлиғи ўртасида жойлашган. Бачадон найлари қорин пардаси билан ўралган. У бачадон кенг бойламининг ичида ва юқори қиррасида жойлашган. Бачадон найларининг тўрт қисми бор:

1. Бачадон қисми — pars uterina. Бу қисм бачадон танаси юқори қисмининг девори ичига жойлашган.

2. Сиқилган қисм — pars isthmica.

3. Кенгайган қисм — ampulla lube uterina.

4. Шокила қисм — fimbriae. Бу қисмнинг шокилаларга ўхшаш ўсмачалари бор, улар қорин бўшлиғига очилади. Бундан ташқари бачадон найчаларининг туткичи — mesosalpinx ҳам мавжуд. Найчаларнинг пастки қиррасидан тухумдон ўрин олган. Найчалар аёл тухумдонидида етилган тухумни бачадонга етказиб беради.

Тухумдон — **ovarium**, бир жуфт бўлиб, аёлларнинг ички ва ташқи секреция беи ҳисобланади. Чанокнинг биринчи қаватида ички ёнбош артерияси ва сийдик йўли жойлашган. Ана шу безлар бачадон найчалари орасида белнинг катта мускули устида ётади. Бачадон билан тухумдон ўртасидан бойлам жой олган бўлиб, унга тухумдоннинг хусусий бойлами — ligamentum ovaripropria дейилади. Тухумдоннинг узунлиги 2—3 см, диаметри 1—1,5 см, қалинлиги 1 см бўлади. Тухумдоннинг юқори қиррасида артерия, нерв қирадиган, веналари чиқадиган дарвозаси — hilus ovarii бор. Қорин пардаси тухумдонга туткич — mesovarium ҳосил қилади. Тухумдонни тухумдон артерияси а.ovarica (қорин аортасидан чиқади) таъминлайди. Тухумдон бачадон артериясидан ҳам тола олади. Ўнг тухумдон венаси пастки ковак венасига, чап тухумдон венаси чап буйрак венасига қўйилади. Тухумдон веналари plexus utero vaginalisга тушиб, вена чигалини ҳосил қилишда иштирок этади.

Топширик 1. Интерфаол усуллардан «Кучсиз звено» усули орқали ўтилган мавзу мустаҳкамланади.

Бунда гуруҳдаги талабалар 3 гуруҳга бўлинади ва катта ватман қоғози ва фломастер тарқатилади.

Биринчи гуруҳга бачадонни қон билан таъминланишини ёзиб бериш вазифаси қўйилади.

Иккинчи гуруҳга бачадон найларининг қисмларини ёзиб бериш вазифаси қўйилади.


Учинчи гуруҳга бачадон бойламларини ёзиб бериш вазифаси қўйилади.

Топширикни бажариб бўлишгач, юқоридаги вазифалар алмаштирилади яъни биринчи гуруҳ вазифаси иккинчига, иккинчи гуруҳники учинчига ва учинчи гуруҳнинг вазифаси биринчи гуруҳга. Худди шу тартибда учинчи марта вазифалар алмаштириб

берилади. Топшириқлар бажариб бўлингач, ўқитувчи томонидан биринчи гуруҳ бажарган топшириқлар доскага осилади ва гуруҳдаги барча талабалар иштирокида муҳокама қилинади, хатолари белгиланиб, нечта хато қилингани сони ватманнинг остига катта қилиб ёзиб қўйилади. Кейин иккинчи ва учинчи гуруҳларнинг топшириқлари ҳам худди шу йўсинда текширилади.

Шундан сўнг ҳар уччала гуруҳнинг йўл қўйган хатолари сони солиштирилади ва энг кўп хато қилган гуруҳ «Кучсиз звено» саналади.

Тушунтирилган мавзу бўйича график органайзерни (Кластер усули) тўлдиришади.



Топшириқ 1. Интерфаол усуллардан «Кучсиз звено» усули орқли ўтилган мавзу мустаҳкамланади.

Бунда гуруҳдаги талабалар 3 гуруҳга бўлинади ва катта ватман қоғози ва фломастер тарқатилади.

Биринчи гуруҳга кичик чаноқнинг I-қавати чегаралари ва у ерда жойлашган аъзоларни ёзиб бериш вазифаси қўйилади.

Иккинчи гуруҳга кичик чаноқнинг II-қавати чегаралари ва у ерда жойлашган аъзоларни ёзиб бериш вазифаси қўйилади.

Учинчи гуруҳга кичик чаноқнинг III-қавати чегаралари ва у ерда жойлашган аъзоларни ёзиб бериш вазифаси қўйилади.

Топшириқни бажариб бўлишгач, юқоридаги вазифалар алмаштирилади яъни биринчи гуруҳ вазифаси иккинчига, иккинчи гуруҳники учинчига ва учинчи гуруҳнинг вазифаси биринчи гуруҳга. Худди шу тартибда учинчи марта вазифалар алмаштириб берилади. Топшириқлар бажариб бўлингач, ўқитувчи томонидан биринчи гуруҳ бажарган топшириқлар доскага осилади ва гуруҳдаги барча талабалар иштирокида муҳокама қилинади, хатолари белгиланиб, нечта хато қилингани сони ватманнинг остига катта қилиб ёзиб қўйилади. Кейин иккинчи ва учинчи гуруҳларнинг топшириқлари ҳам худди шу йўсинда текширилади.

Шундан сўнг ҳар уччала гуруҳнинг йўл қўйган хатолари сони солиштирилади ва энг кўп хато қилган гуруҳ «Кучсиз звено» саналади.

Топшириқ 2.

Тест саволлари:

1. Кичик чаноқнинг юқори чегарасини кўрсатинг?

- а) чегара чизиги
- б) ёнбош суяк қирраси
- в) чов бойлами
- г) думба-сон бурмаси
- д) ёнбош суягининг олдинги юқори қирраси

2. Чаноқ суяги нечта суякдан ташкил топган?

- а) 3 та
- б) 2 та
- в) 4 та
- г) 5 та
- д) 6 та

3. Катта қуймич тешигидан ўтувчи ҳосила?

- а) ноксимон мускул
- б) ички ёпқич мускул
- в) эгизак мускуллар
- г) ташқи ёпқич мускул
- д) ўтирғич нерви

4. Юқори ноксимон тешикдан ўтувчи ҳосила?

- а) юқори думба артерияси
- б) ўтирғич нерви
- в) уятли нерв
- г) соннинг орқа тери нерви

д) ёпқич артерия

5. Чанокнинг тери ости қаватининг юқори чегараси?

- а) чанок диафрагмаси
- б) қорин парданинг туби
- в) номсиз чизик
- г) ички ёпқич мускул
- д) ноксимон мускул

6. Ўғил болаларда сийдик-таносил диафрагмасидан ўтувчи ҳосила?

- а) сийдик чиқариш канали
- б) сон-таносил нерви
- в) уятли нерв
- г) тўғри ичакнинг анал қисми
- д) ички уятли артерия

7. Қиз болаларда сийдик таносил диафрагмасидан ўтувчи ҳосила?

- а) сийдик чиқариш канали
- б) сон таносил нерви
- в) уятли нерв
- г) тўғри ичакнинг анал қисми
- д) ички уятли артерия

8. Умумий ёнбош артериянинг бўлинган соҳаси?

- а) думғаза-ёнбош бўғими
- б) ноксимон мускул остида
- в) ички ёпқич мускул остида
- г) ички ёпқич тешикнинг юқори қирраси
- д) думғазанинг олдинги юзаси

9. Думғаза чигали қаерда жойлашади?

- а) думғазанинг олдинги юзасида
- б) ноксимон мускул остида
- в) ички ёпқич мускул остида
- г) ташқи ёпқич мускул остида
- д) Пирогов-Ретция капсуласида

Топшириқ 3.

Топографик анатомия ва оператив хирургия асослари фанидан талабалар билимини баҳалаш варақаси

Аъзонинг топографияси			Аъзонинг қон ва нерв билан таъминланиши	Аъзонинг анатомо-физиологик хусусиятлари
голотопияси	скелетотопияси	синтопияси		

Машғулотнинг ўқув жихозлар билан таъминланиши:

Муляж, слайдлар, плакатлар, препаратлар.

Жорий баҳолаш мезони

Балл	Баҳо	Талабанинг билим даражаси
86-100	Аъло	Талаба сийдик копи, тўғри ичак, бачадон, қин ва бачадон ортиқларининг голотопияси, скелетотопияси ва синтопияси, қон билан таъминланиши, иннервацияси, лимфа тизимини тушунтира олса. Оралиқнинг топографиясини айтиб бера олса. Амалий кўникмаларни бажариб бера олса.
71-85	Яхши	Талаба сийдик копи, тўғри ичак, бачадон, қин ва бачадон ортиқларининг голотопияси, скелетотопияси ва синтопияси, қон билан таъминланиши, иннервацияси, лимфа тизимини тушунтира олса. Оралиқнинг топографиясини тўлиқ айтиб бера олмаса. Амалий кўникмаларни бажаришда хатоликларга йўл қўйса.
55-70	Қониқарли	Талаба сийдик копи, тўғри ичак, бачадон, қин ва бачадон ортиқларининг голотопияси, скелетотопияси ва синтопияси, қон билан таъминланиши, иннервацияси, лимфа тизимини тўлиқ тушунтира тушунтира олмаса. Оралиқнинг топографиясини тўлиқ айта олмаса. Амалий кўникмаларни ўқитувчи ёрдамида бажарса.
55 дан кам	Қониқарсиз	Талаба ҳеч қандай тасаввурга эга бўлмаса.

Амалий машғулот №12**Эркаклар чаноғи аъзолари ва оралиғининг клиник анатомияси.**

Иш босқичнинг давомийлиги 2 соат (1пара) 90 мин.	Ишни олиб бориши	
	Муаллим томонидан	Талаба томонидан
1-босқич. Ўқув дарсига кириш қисми. (30 мин.)	Машғулотдан мақсад: - Талабаларга эркаклар чаноғи аъзолари ва оралиғининг клиник анатомиясини, ҳамда болалардаги ва катталардаги хусусиятлари ўргатиш. 1. Ўқитувчи янги мавзунини оғзаки тушунтиради. 1.1 Талабалар машғулот юзасидан билишлари керак: - Эркаклар оралиғининг топографик анатомиясини; - Эрлик олатининг топографик анатомияси; - Ёрғоқнинг қаватлари, топографик анатомиясини; - Моекларнинг топографик анатомияси, унинг қон билан таъминланиши ва иннервацияси;	Эшитишади, аниқлик киритишади, саволлар беришади.

	- Эркаклар сийдик чиқариш каналининг топографик анатомиясини; - Простата безининг топографик анатомиясини; - Қовуқнинг топографик анатомияси, унинг қон билан таъминланиши ва иннервациясини. 1.2 Қуйидаги кўникмаларини талабалар қила билишлари керак: - Талаба муляж ва плакатда эркаклар чаноғи аъзоларини ва оралиғини кўрсатиб беришни билиши керак; - Эркаклар чаноқ аъзоларини топографик нуктаи назардан синтопиясини билиши ва муляжда кўрсата олиши керак.	
2-босқич. Асосий қисм (40мин.)	2.1 Савол-жавоб шаклида билимларини актуаллаштириш ўтказилади. Назорат саволлари: 1. Оралик деб нимага айтилади? 2. Эркаклар оралиғига нималар киради? 3. Эркаклар чаноқ аъзоларига нималар киради? 4. Қовуқнинг топографик анатомияси? 5. Сийдик чиқариш каналининг топографик анатомияси? 6. Простата безининг топографик анатомияси? 7. Сийдик чиқариш каналининг қандай қисмлари бор? 8. Сийдик пуфагининг синтопиясини айтиб беринг? 9. Моякларнинг топографик анатомияси? 10. Ёрғоқ қаватларини санаб беринг? 11. Моякнинг қон билан таъминланиши ва иннервациясини айтиб беринг? 2.2 Ўқув машғулотини структурасига биноан Амалий ишлар орқали, Вазиятли масалаларни муҳокама қилишади. Амалий ишлар: - Талаба аёллар чаноғи аъзолари ва оралиғининг топографо-анатомик нуктаи назаридан синтопиясини, галотопиясини, қон ва нерв билан таъминланишини ва болалардаги хусусиятини ўрганишади. - Аёллар оралиғининг болалардаги хусусиятини ўрганишади. 2.3 Аналитик қисм. Вазиятли масала: 1. Аёл ўнг ёнбош соҳасида оғриқ билан шикоят қилиб келди. Теширув натижасида чувалчангсимон ўсимта соғлом эканлиги аниқланди. Сиз нима деб ўйлайсиз, оғриқнинг сабаби нима бўлиши мумкин? 2. Нима учун кўпчилик аёлларда туғруқдан сўнг тўғри ичакнинг пастга тушиш ҳолати кўп учрайди. Бундай ҳолатда операциянинг қандай усулини қўллайсиз?	Жавоб берадилар, эшитадилар, гуруҳда ишлайдилар, иш натижаларини, презентация қиладилар.
3-босқич.	3.1 Мавзу бўйича хулоса чиқарилади, талабаларнинг	Ўз-ўзини

Якунловчи- натижаловчи қисм (20 мин.)	фикрни мавзуни асосига йўналтириб, профессионал иш юритишда қилинган ишларни муҳимлигини айтиб ўтади. 3.2 Ғуруҳни алоҳида қатнашчиларни иш олиб боришини баҳолайди, ўзаро баҳолашни якунига етказди. 3.3 Ўқув машғулотини мақсадига етишиш даражисини таҳлил қилади ва баҳолайди. 3.4 Аудиториядан ташқари бажариладиган мустақил ишни тарқатади.	баҳолаш, ҳамма қатори баҳолашни ўтказди. Саволлар беради.
--	---	--

Назарий қисм:

Сийдик пуфаги — vesica urinaria қов бирикмаси орқасида ётади, унинг туби, танаси ва учи тафовут қилинади. Сийдик пуфагида 200 см^3 сийдик йиғилса, одамнинг сийгиси қистайди. Сийдик пуфагида бир литргача сийдик йиғилиши мумкин. Эркаклар сийдик пуфагининг тубида простата беzi бўлганлиги учун сийдик пуфаги юқорирокда жойлашади. Аёллар сийдик пуфаги олдида қрв бирлашмасига, пастдан кичик чанок диафрагмасининг пай қисмига, орқадан (бачадонга ва қиннинг олдинги деворига, юқоридан ингичка ва йўғон ичакларнинг пастки қисмларига тегиб туради. Аёллар сийдик пуфаги ва тўғри ичаги ўртасида ўзаро юзаки бўшлиқ — Excavatio vesico-uterina жойлашган. Улардан иккитаси сийдик йули—ureter ва биттаси сийдик чиқариш каналининг ички тешиги — ostium uretrae internum дир. Ана шу учта тешик сийдик пуфагининг остида учбурчак ҳосил қилади, бу учбурчакка trigonum vesicae, дейилади. Сийдик пуфагининг шиллиқ қаватида жуда кўп бурмалар бор, аммо юқорида айтилган учбурчак бурмасидир. Болаларда сийдик пуфаги овал шаклда бўлади. Киши қариган сари сийдик пуфаги пастга тушиб боради.

Сийдик пуфаги сийдикдан бўшаса, қорин пардаси унинг фақат устигина қоплайди. Агар сийдик пуфаги сийдик билан жуда тўлган бўлса, сийдик пуфаги юқorigа кўтарилиб катта чанокқа, ҳатто қорин бўшлиғидаги киндик соҳасигана кўтарилади. Ёш болаларнинг шаклан узунчоқ сийдик пуфаги қов бирлашмасидан юқорисида ва орқасида жойлашади сийдик пуфагининг шиллиқ қаватида, қуйироқда учта тешик бор.

Сийдик йўли— ureter буйрак жоми орқали сийдик пуфагига йўналиб, қориннинг орқа юзасида қорин пардаси орқасидаги катта чанокда, кичик чанокнинг иккинчи қаватида жойлашади. Сийдик йўлининг узунлиги 28—30 см бўлиб, қорин, чанок ва сийдик пуфаги девори ичидаги қисмларни ташкил қилади. Сийдик йўли умумий ёнбош артериясини, кесиб ўтиб, кичик чанокнинг иккинчи қаватига тушади, сўнгра пастга йўналиб сийдик пуфагининг тубида иккита тешикка очилади. Аёллар сийдик йўли эса бачадон бўйнига нисбатан 2 см четда, бачадон артерияси билан кесишган ҳолда сийдик пуфагининг тубида иккита тешикка очилади. Сийдик йўлининг 0,3—0,5 ем узунликдаги энг охириги қисми сийдик пуфаги дев.орининг ичига жойлашган. Сийдик йўли кичик-чанок ён деворидан сийдик пуфагига йўналиб ёпқич артерия, вена ва нервларини, кесиб ўтади.

Сийдик йўлининг чанок қисми вена қон томирларига бой. Сийдик йўлининг қорин — чанокқа ўтиш қисмида яъни сийдик пуфагига кириш олдида, учта торайган жой тафовут қилинади.

Оралик—PERINEUM. Қов бирикмаси бурчагининг учи, дум суягининг чўққиси қуймич дўмбоқлари, ўртасидаги соҳага оралик дейилади. У ромб шаклида бўлади, иккита қуймич суяги дўмбоқларидан ўзаро бирлаштирувчи чизик ўтказсак, оралик икки қисмга бўлинади. Олдинги қисми сийдик-таносил, орқаси чанок. диафрагмасининг мускул қисмларидир. Ораликда ташқи таносил, сийдик. аъзолари ва тўғри ичакнинг охириги қисми — ташқи тешик жойлашган. Чанок диафрагмасининг сийдик-таносил пардаси чанокнинг висцерал фасцияси ҳамда ораликдаги чуқур фасциянинг ўзаро қўшилишидан ҳосил бўлади. Бу парда қов бирлашмаси учбурчагини-қоплайди, бу ердан эркакларда уретра ўтади, аёлларда эса уретра ва қин ўтади. Чанок диафрагмасининг орқа қисми орқа

тешиқни юқорига кўтарувчи мускул ва дум мускуллари билан қопланган. Бу қисмдан орқа тешиқ anus ўтади. Оралиқ териси нозик бўлиб, пигмент мой ва тери безларига бойдир. Тери остида оралиқ юзаси фасцияси жойлашган. Фасция оралиқнинг юзаки мускулини (musculus perineae superficialis) ёпиб туради. Қов бирикмасининг пастки томонида уни юқоридан пастдан қўшувчи оралиқнинг чуқур мускули ва оралиқ чуқур фасцияси жойлашган. Оралиқнинг чуқур мускулига — musculus perinealis profundus десак, уни ёпиб турувчи оралиқ чуқур фасциясига fascia perinialis profundus деймиз.

Оралиқнинг устки қисмида юқорида айтилган оралиқ устки (юзаки) мускулларидан бошқа musculus bulbospongiosus (cavernosus) ва musculus ischiocavernosus лар ҳам жойлашган. Оралиқнинг юзаки мускулларини оралиқ юзаки фасцияси қоплаб туради. Кичик чанок диафрагмасининг мускул қисми оралиқ чуқур қисмининг орқа бўлагини ташкил қилади.

Топшириқ 1. Тушунтирилган мавзу бўйича график органайзерни (Кластер) тўлдиришади.

1. Ўқитувчи дастлаб талабаларга Кластер таълим технологияси тўғрисида тушунтириб беради. Кластер услуби “тўплам” деган маънони англатиб, маълумотларни бир ғоя атрофида йиғиш ва асосий хулоса чиқаришдир. Бу услуб билимларни чуқурлаштириш, фикрлаш жараёнини фаоллаштиришга ёрдам беради. Ўқитувчи Кластер технологияси ҳақида тушунтириш берганидан сўнг, бевосита мавзуга ўтади.



2. Гуруҳга мавзунинг ўзагини ташкил қилувчи савол берилади. Бачадондан ташқари ҳомиладорлик? Фаннинг ўрганилиш зарурлиги сўзи айлана ичига ёзилади. Шу сўздан келиб чиқувчи ва асосий манба эканлигига далил бўлувчи жавоблар айлана атрофида ёзилади. Бу жавобларни янада кенгроқ очувчи жавоблар кичик айланаларга ёзилади. Гуруҳдаги жавоблар тугагунча кичик айланаларни тўлдирадilar. Талабалар тугагандан сўнг жавоблар бир-бирига боғланиб хулоса қилинади.

Гуруҳ сардори охирида Кластерни презентация қилади.

Топшириқ 2.

Тест саволлари:

1. Кичик чанокнинг юқори чегарасини кўрсатинг?

- а) чегара чизиғи
- б) ёнбош суяк қирраси
- в) чов бойлами
- г) думба-сон бурмаси
- д) ёнбош суягининг олдинги юқори қирраси

2. Чаноқ суяғи нечта суякдан ташкил топган?

- а) 3 та
- б) 2 та
- в) 4 та
- г) 5 та
- д) 6 та

3. Катта қуймич тешигидан ўтувчи ҳосила?

- а) ноксимон мускул
- б) ички ёпқич мускул
- в) эгизак мускуллар
- г) ташқи ёпқич мускул
- д) ўтирғич нерви

4. Юқори ноксимон тешикдан ўтувчи ҳосила?

- а) юқори думба артерияси
- б) ўтирғич нерви
- в) уятли нерв
- г) соннинг орқа тери нерви
- д) ёпқич артерия

5. Чаноқнинг тери ости қаватининг юқори чегараси?

- а) чаноқ диафрагмаси
- б) қорин парданинг туби
- в) номсиз чизиқ
- г) ички ёпқич мускул
- д) ноксимон мускул

6. Ўғил болаларда сийдик-таносил диафрагмасидан ўтувчи ҳосила?

- а) сийдик чиқариш канали
- б) сон-таносил нерви
- в) уятли нерв
- г) тўғри ичакнинг анал қисми
- д) ички уятли артерия

7. Қиз болаларда сийдик таносил диафрагмасидан ўтувчи ҳосила?

- а) сийдик чиқариш канали
- б) сон таносил нерви
- в) уятли нерв

- г) тўғри ичакнинг анал қисми
- д) ички уятли артерия

8. Умумий ёнбош артериянинг бўлинган соҳаси?

- а) думғаза-ёнбош бўғими
- б) ноксимон мускул остида
- в) ички ёпқич мускул остида
- г) ички ёпқич тешикнинг юқори қирраси
- д) думғазанинг олдинги юзаси

9. Думғаза чигали қаерда жойлашади?

- а) думғазанинг олдинги юзасида
- б) ноксимон мускул остида
- в) ички ёпқич мускул остида
- г) ташқи ёпқич мускул остида
- д) Пирогов-Ретция капсуласида

Топшириқ 3.

Топографик анатомия ва оператив хирургия асослари фанидан талабалар билимини баҳалаш варақаси

Аъзонинг топографияси			Аъзонинг қон ва нерв билан таъминланиши	Аъзонинг анатомо-физиологик хусусиятлари
голотопияси	скелетотопияси	синтопияси		

Машғулотнинг ўқув жихозлар билан таъминланиши:

Муляж, слайдлар, плакатлар, препаратлар.

Жорий баҳолаш мезони

Балл	Баҳо	Талабанинг билим даражаси
86-100	Аъло	Талаба сийдик қопи, тўғри ичак, простата беzi ва уруғ пуфакчаларининг голотопияси, скелетотопияси ва синтопияси, қон билан таъминланиши, иннервацияси, лимфа тизимини тушунтира олса. Сийдик чиқариш каналини топографиясини клиник аҳамиятини айтиб бера олса. Амалий кўникмаларни бажариб бера олса.
71-85	Яхши	Талаба сийдик қопи, тўғри ичак, простата беzi ва уруғ пуфакчаларининг голотопияси, скелетотопияси ва синтопияси, қон билан таъминланиши, иннервацияси, лимфа тизимини тушунтира олса. Сийдик чиқариш каналини топографиясини клиник аҳамиятини тўлиқ айтиб бера олмаса. Амалий кўникмаларни бажаришда хатоликларга йўл қўйса.
55-70	Қониқарли	Талаба сийдик қопи, тўғри ичак, простата беzi ва уруғ пуфакчаларининг голотопияси, скелетотопияси ва синтопияси, қон билан таъминланиши, иннервацияси, лимфа

		тизимини тўлиқ тушунтира тушунтира олмаса. Сийдик чиқариш каналини топографиясини клиник аҳамиятини тўлиқ айта олмаса. Амалий кўникмаларни ўқитувчи ёрдамида бажарса.
55 дан кам	Қоникарсиз	Талаба ҳеч қандай тасаввурга эга бўлмаса.

Амалий машғулот № 13

Чаноқ соҳасида бажариладиган операцияларининг клиник анатомик асослари.

Иш босқичининг давомийлиги 2 соат (1 пара) 90 мин.	Ишни олиб бориши	
	Муаллим томонидан	Талаба томонидан
1-босқич. Ўқув дарсига кириш қисми. (30 мин.)	Машғулотдан мақсад: - Талабаларга чаноқ соҳасида бажариладиган операцияларнинг топографо-анатомик хусусиятини тушунтириш, шу билан бирга фимоз, парафимоз, цистотомия, цистостомия, мояк истискоси ва катетеризация ҳақида тўлиқ маълумот бериш. 1. Ўқитувчи янги мавзунини оғзаки тушунтиради. 1.1 Талабалар машғулот юзасидан билишлари керак: - Фимознинг келиб чиқиш сабабини; - Парафимознинг келиб чиқиш сабабини; - Фимоз ва парафимознинг бир биридан фарқини; - Катетеризацияга кўрсатмаларни ва техникасини; - Фимоз ва парафимоз асоратларини. - Мояк истискосида Винкельман операцияси техникасини; - Крипторхизмнинг келиб чиқиш сабаби ва операция техникасини; - Цистотомия ва цистостомияга кўрсатмаларни; - Сийдик пуфагини пункция қилиш техникасини; - Юмшоқ ва металл катетер билан катетеризация қилиш техникасини. - 1.2 Қуйидаги кўникмаларини талабалар қила билишлари керак: - Катетеризация техникасини муляжда кўрсатиб бериш; - Фимоз ва парафимоз операцияси техникасини;	Эшитишади, аниқлик киритишади, саволлар беришади.

	- Сийдик пуфаги катетеризацияси техникасини; - Сийдик пуфагига юмшоқ ва металл катетер қўйишни; - Сийдик пуфаги шикастланиши ёки жароҳатланишида биринчи ёрдам кўрсатишни.	
2-босқич. Асосий қисм (40мин.)	2. Савол-жавоб шаклида билимларини актуаллаштириш ўтказилади. Назорат саволлари: 1. Сийдик пуфаги катетеризациясида қандай асбоблардан фойдаланилади? 2. Сийдик пуфагининг катетеризациясида оғриқсизлантириш усули ўтказиладими? 3. Парафимоз нима, унинг фимоздан қандай фарқи бор? 4. Фимоз нима? 5. Фимоз ва парафимоз операцияларида оғриқсизлантириш усули қандай? 6. Парафимозни вақтида даволамаса қандай оқибатларга олиб келади? 7. Катетеризациядан сўнг қандай асоратлар кузатилиши мумкин? 8. Сийдик-тош касаллигида катетеризация ўтказиладими? 9. Кичик чаноқ аъзоларида ўтказиладиган операцияларда қандай асбоблардан фойдаланилади 10. Сийдик пуфагининг пункциясига кўрсатмалар нимадан иборат? 11. Сийдик пуфаги пункциясида оғриқсизлантириш усули ўтказиладими? 12. Цистомия қачон ўтказилади? 13. Цистотомия ва цистостомияда нималарга эътибор бериш керак? 14. Мойка қачон ва қандай ҳолатларда сув йиғилади, операция қандай ўтказилади? 2.1 Ўқув машғулотини структурасига биноан амалий ишлар орқали, вазиятли масалаларни муҳокама қилишади. Амалий ишлар: -Талабалар чаноқ соҳасида бажариладиган операцияларга кириш йўллари, кўрсатма ва қарши кўрсатмаларни, оғриқсизлантириш усуллари, операция техникасини ўрганишади. - Сийдик пуфагини катетеризация қилиш техникасини ўрганишади; - Фимоз ва парафимоз операцияси техникасини ўрганишади - Сийдик пуфагини пункция қилиш ва катетеризация техникасини ўрганишади;	Жавоб берадилар, эшитадилар, гуруҳда ишлайдилар, иш натижаларини, презентация қиладилар.

	- Крипторхизм ва мояк истисқоси операцияси техникасини ўрганишади. 2.2 Аналитик қисм. Вазиятли масала: 1. Ўғил болада катетеризация пайтида сийдик чиқариш канали шиллиқ қаватининг жароҳатланиши кузатилди. Катетеризацияни давом эттирасизми, агар йўқ бўлса изоҳлаб беринг? 2. Янги туғилган чақалоқда чап томонлама ёрғоқнинг шиши кузатилди, пальпация қилинганда ичида суюқлик борлиги аниқланди. Янги туғилган чақалоқ ёрғоғига суюқлик қаердан йиғилиши мумкин?	
3-босқич. Яқунловчи- натижаловчи қисм (20 мин.)	3.1Мавзу бўйича хулоса чиқарилади, талабаларнинг фикрларини мавзуни асосига йўналтириб, профессионал иш юритишда қилинган ишларни муҳимлигини айтиб ўтади. 3.2Гуруҳни алоҳида қатнашчиларни иш олиб боришини баҳолайди, ўзаро баҳолашни якунига етказди. 3.3 Ўқув машғулотини мақсадига етишиш даражисини таҳлил қилади ва баҳолайди. 3.4Аудиториядан ташқари бажариладиган мустақил ишни тарқатади.	Ўз-ўзини баҳолаш, ҳамма қатори баҳолашни ўтказди. Саволлар беради.

Назарий қисм:

Сийдик пуфағи пункцияси. Кўрсатма: катетерни киритиш мумкин бўлмаган тақдирда сийдикнинг бирданига тўхтаб қолиши.

Беморнинг ҳолати: бемор столда ўтиради, пункция шприцнинг узун игнаси (ёки Бир игнаси) ёки троакар билан ўтказилади. Қаттий шрта чизик бўйлаб 2 см юқорида тери спирт ва йод билан артилади. Тешилиши мўлжалланган жойга (лимон пўстлоғи ҳосил қила туриб) ингичка игна билан 0,5 % ли новокаин эритмасидан 3-5 мл юборилади. Шу жойда тери тешилади. Игна тери юзасига перпендикуляр равишда йўналтирилади ва қорин деворининг барча қаватлари орқали ва сийдик пуфағи девори орқали 6-8 см чуқурликда киритилади.

Юмшоқ катетер билан катетеризация қилиш техникаси. Ҳар доим ҳаракатни катетердан бошлаш керак. Жарроҳ беморнинг чап томонида туради, чап қўли билан жинсий олат бошчасини ушлаб олади, бошчани дезинфекция қилади ва уретранинг ташқи тешиги қирғоқларини кенгайтиради. Ҳамшира пинцет билан катетерни эркин чиқиш тешигини ушлаб туради. Катетерга стерил мой ёки глицерин қуйилади. Катетер тумшугининг олди стерил анатомик пинцет билан қамраб олинади ва сийдик пайдо бўлгунига қадар итарилади.

Доим йўғон катетер қўйишдан бошлаш керак, чунки йўғон асбоб осон ўтади ва уретра чўлтоғи бурмаларида тикилиб қолмайди. Пинцет ўрнида бармоқлардан ҳам фойдаланса бўлади, лекин бармоқлар аввало жарроҳ қўли операцияга тайёрланганидек ювилган бўлиши керак.

Маталл катетер билан катетеризация қилиш техникаси. Биринчи қоида – бу ерда куч ишлатиш асло мумкин эмас. Жинсий олат юқорига қаратиб перпендикуляр ҳолатда ушланади, катетер танаси эса бемор танасининг ўқига паралел ҳолатда тутиб

турилади. Жорроҳ чап кўли билан олатни аста секин катетерга қараб тортади, катетерни тумшуғи эса секин аста пастга- симфизга тушурилади.

Сўнгра жарроҳ ўнг кўли билан куч ишлатмасдан сагитал текисликдан чиқиб кетмасликни назорат қилган ҳолда, катетерни аста секин перпендикуляр қилиб кўтаради. Шунда катетер тумшуғи симфиз тагига етиб келади ва уретра пиёзчаси орқали унинг простатит қисмига ўтади. Бу ерда сийдик таносил учбурчак соҳасидан ўтилаётганда айрим қийинчиликлар рўй беради. Аммо бу қийинчиликларни катетерни сабр қаноат ва эҳтиёткорлик билан уретранинг юқори девори билан ўтказиб енгиш лозим.

Сийдик пуфагининг юқори кесмаси – цистотомия. Кўрсатмалар: сийдик пуфаги тошлари, ўсмалар, простата бези аденомалари, сийдик пуфагининг жароҳатланиши ва бошқалар.

Бемор чалқанча ётқилилади. Оғриқсизлантириш: маҳаллий инфилтратион анестезия.

Пастки ўрта кесма билан тери, тери ости клетчаткаси ва қорин оқ чизиги кесилади. Қоринпарда олди клетчаткаси тўмтоқ йўл орқали қоринпарда билан биргаликда юқорига сурилади. Сийдик пуфагининг олдинги девори очилади, у ўзиги хос қирмизи рангли ва бўйламасига жойлашган веналари билан ажралиб туради, иккита кетгут лигатуралар билан унинг чўққисига яқин жойда бир биридан 2-3 см узоқликда чок қўйилади. Сийдик пуфаги пункцияси йўли билан ёки катетер орқали бўшатилади.

Сийдик пуфагининг олдинги деворига қўйилган лигатуралар оралиғида пуфак девори

Мояк истисқоси (сув йиғилиши) – бунда моякнинг хусусий қин пардаси varaқлари оралиғида серроз суюқлик тўпланади.

Даволашнинг жарроҳлик усулларида Винкельман усулини кўрсатиб ўтиш мумкин. Бу усулда кесма чов бурмасидан биров юқорида бошланади ва ёрғоқнинг асосигача давом эттирилади. Тери ва тери ости клетчаткаси кесилгандан кейин жароҳатнинг пастки бурчаги илмоқча билан тортилади ва ёрғоқ орқали сувли ўсманнинг пастки кутбига босиш туфайли у жароҳатга итарилади.

Мояк қин пардаси силлиқ юзасининг бир қисми кўринмагунча кесилади. Шу қисмдан бора туриб қин парданинг бутун юзаси ва шакли жиҳатдан кистани эслатувчи сувли ўсма очилади. Ўсма катта бўлган тақдирда пардаларни кесиб очишдан олдин троакар билан суюқлик чиқариб юборилади. 2 та жарроҳлик пинцетлари билан мояк қин пардасининг олдинги девори қамраб олиниб, бўйламасига, юқори кутбидан пасткисигача кесилади. Парданинг ички сероз юзаси ташқарига шундай ағдариладики, бунда асрати ағдарилади. Мояк ортиғи ва уруғ тизимчаси унинг бўшлиғидан ташқарида бўлиб қолади.

Топшириқ 1. Тушунтирилган мавзу бўйича график органайзерни (Кластер) тўлдиришади.

1. Ўқитувчи дастлаб талабаларга Кластер таълим технологияси тўғрисида тушунтириб беради. Кластер услуги “тўплам” деган маънони англатиб, маълумотларни бир ғоя атрофида йиғиш ва асосий хулоса чиқаришдир.

Бу услуб билимларни чуқурлаштириш, фикрлаш жараёнини фаоллаштиришга ёрдам беради. Ўқитувчи Кластер технологияси ҳақида тушунтириш берганидан сўнг, бевосита мавзуга ўтади.

2. Гуруҳга мавзунинг ўзагини ташкил қилувчи савол берилади. Бачадондан ташқари хомиладорлик? Фаннинг ўрганилиш зарурлиги сўзи айлана ичига ёзилади.

Шу сўздан келиб чикувчи ва асосий манба эканлигига далил бўлувчи жавоблар айлана атрофида ёзилади. Бу жавобларни янада кенгроқ очувчи жавоблар кичик айланаларга ёзилади. Гуруҳдаги жавоблар тугагунча кичик айланаларни тўлдирадilar. Талабалар тугагандан сўнг жавоблар бир-бирига боғланиб хулоса қилинади.

Гуруҳ сардори охирида Кластерни презентация қилади

1-Қов соҳаси териси
йод+спирт билан

2. Маҳаллий ёки
умумий анестезия
қилинади

Топширик 2.

Тест саволлари:

1. Кичик чаноқнинг юқори чегарасини кўрсатинг?
 - а) чегара чизиғи
 - б) ёнбош суяк қирраси
 - в) чов бойлами
 - г) думба-сон бурмаси
 - д) ёнбош суягининг олдинги юқори қирраси
2. Чаноқ суяги нечта суякдан ташкил топган?
 - а) 3 та
 - б) 2 та
 - в) 4 та
 - г) 5 та
 - д) 6 та
3. Катта қуймич тешигидан ўтувчи ҳосила?
 - а) ноксимон мускул
 - б) ички ёпқич мускул
 - в) эгизак мускуллар
 - г) ташқи ёпқич мускул
 - д) ўтирғич нерви
4. Юқори ноксимон тешикдан ўтувчи ҳосила?
 - а) юқори думба артерияси
 - б) ўтирғич нерви
 - в) уятли нерв
 - г) соннинг орқа тери нерви
 - д) ёпқич артерия

5. Чанокнинг тери ости қаватининг юқори чегараси?
- чанок диафрагмаси
 - қорин парданинг туби
 - номсиз чизик
 - ички ёпқич мускул
 - ноксимон мускул
6. Ўғил болаларда сийдик-таносил диафрагмасидан ўтувчи ҳосила?
- сийдик чиқариш канали
 - сон-таносил нерви
 - уятли нерв
 - тўғри ичакнинг анал қисми
 - ички уятли артерия
7. Қиз болаларда сийдик таносил диафрагмасидан ўтувчи ҳосила?
- сийдик чиқариш канали
 - сон таносил нерви
 - уятли нерв
 - тўғри ичакнинг анал қисми
 - ички уятли артерия
8. Умумий ёнбош артериянинг бўлинган соҳаси?
- думғаза-ёнбош бўғими
 - ноксимон мускул остида
 - ички ёпқич мускул остида
 - ички ёпқич тешикнинг юқори қирраси
 - думғазанинг олдинги юзаси
9. Думғаза чигали қаерда жойлашади?
- думғазанинг олдинги юзасида
 - ноксимон мускул остида
 - ички ёпқич мускул остида
 - ташқи ёпқич мускул остида
 - Пирогов-Ретция капсуласида

Топшириқ 3.

Топографик анатомия ва оператив хирургия асослари фанидан талабалар билимини баҳалаш варақаси

Аъзонинг топографияси			Аъзонинг қон ва нерв билан таъминланиши	Аъзонинг анатомо-физиологик хусусиятлари
голотопияси	скелетотопияси	синтопияси		

Машғулотнинг ўқув жихозлар билан таъминланиши:

Муляж, слайдлар, плакатлар, препаратлар.

Жорий баҳолаш мезони

Балл	Баҳо	Талабанинг билим даражаси
86-100	Аъло	Талаба фимоз, парафимоз, сийдик қопини пункция қилиш ва катетерлаш, цистотомия, цистостомия, мояк истисқосиоперацияларига кўрсатмалар ва қарши кўрсатмаларни айтиб бера олса. Оператив очиб кириш, операция усулларини ва бажариш техникасини тушунтира олса. Амалий кўникмаларни бажариб бера олса.
71-85	Яхши	Талаба фимоз, парафимоз, сийдик қопини пункция қилиш ва катетерлаш, цистотомия, цистостомия, мояк истисқосиоперацияларига кўрсатмалар ва қарши кўрсатмаларни айтиб бера олса. Оператив очиб кириш, операция усулларини ва бажариш техникасини тушунтиришда хатоликларга йўл қўйса. Амалий кўникмаларни бажаришда хатоликлар бўлса.
55-70	Қониқарли	Талаба фимоз, парафимоз, сийдик қопини пункция қилиш ва катетерлаш, цистотомия, цистостомия, мояк истисқосиоперацияларига кўрсатмалар ва қарши кўрсатмаларни тўлиқ айтиб бера олмаса. Оператив очиб кириш, операция усулларини ва бажариш техникасини тушунтиришда хатоликларга йўл қўйса. Амалий кўникмаларни ўқитувчи ёрдамида бажарса.
55 дан кам	Қониқарсиз	Талаба ҳеч қандай тасаввурга эга бўлмаса.

Амалий машғулот № 14

Болаларда ва катталарда кўкрак девори ва сут безининг клиник анатомияси.

Иш босқичнинг давомийлиги 2 соат (1пара) 90 мин.	Ишни олиб борилиши	
		Талаба томонидан
1-босқич. Ўқув дарсига кириш қисми. (30 мин.)	Машғулотдан мақсад:Талабаларга кўкрак соҳасининг болалардаги ва катталардаги хусусиятлари билан таништириш. Кўкрак соҳасининг чегаралари, аъзолар голотопияси ҳамда кўкрак олдинги девори қаватларини ўргатиш. Сут беги ҳақида тушунча бериш. 1. Ўқитувчи янги мавзунини оғзаки тушунтиради. 1.1 Талабалар машғулот юзасидан билишлари керак: - Кўкрак соҳасининг болалардаги ва катталардаги хусусиятлари; - Кўкрак олдинги девори қаватлари, унинг чегаралари; - Кўкрак олдинги девори қон билан таъминланиши; - Сут безини тузилиши ва топографик анатомияси;	Эшитишади, аниқлик киритишади, саволлар беришади.

	1.2 Қўйидаги кўникмаларини талабалар қила билишлари керак: - Талаба муляж ва плакатда кўкрак қафасининг чегараларини, унинг қаватларини, кўкрак қафасида ўтказиладиган линияларни кўрсатиб беришни билиши керак; - Сут безининг топографик нуқтаи назардан билган ҳолда унинг эркакларда ва аёллардаги хусусиятини, чегараларини кўрсатиши, соғлом сут беи билан сут беи ракини ажрата билиши керак;	
2-босқич. Асосий қисм (40мин.)	2.1 Савол-жавоб шаклида билимларини актуаллаштириш ўтказилади. Назорат саволлари: 1. Кўкракнинг олдинги девори қандай қаватлардан иборат? 2. Қовурғалар орасидаги қовурғалараро артерия, вена ва нервларнинг ўзаро жойлашиши муносабати қандай? 3. Олдинги ҳамда орқа қовурғалар орасидаги веноз қон қаерга оқиб кетади? 4. Сут безининг тузилиши ва топографияси қандай? 5. Сут безининг фасциал қобиғи қандай ҳосил бўлади? 6. Сут безининг қон ва нерв билан таъминланиши қандай бўлади? 7. Сут беи лимфа йўллариининг хусусияти қандай? 2.2 Ўқув машғулоти структурасига биноан Амалий ишлар орқали, Вазиятли масалаларни муҳокама қилишади. Амалий ишлар: - Талаба кўкрак қафаси деворининг топографо-анатомик нуқтаи назаридан олдинги ва орқа соҳа қаватларини ўрганишади. - Сут безининг болалардаги ва катталардаги хусусиятларини ўрганишади. 2.3 Аналитик қисм. Вазиятли масала: 1. Беморнининг шикоятига кўра сут беи соҳасида оғрик бор. Пайпаслаб кўрилганда қаттиқлик кўлга унади. Сиз буни қайдай изоҳлайсиз, бу қаттиқлик нима бўлиши мумкин? 2. Кўкрак қафаси ўрта кўлтиқ чизиғи бўйлаб кесилиб кетган ва кучли қон ҳар иккала томондан кетмоқда. Қон қайси артериядан ёки венадан кетяпти, Сиз нима диб ўйлайсиз. Қонни тўхтатиш учун қандай чора тадбир кўллайсиз?	Жавоб берадилар, эшитадилар, гуруҳда ишлайдилар, иш натижаларини, презентация қиладилар.
3-босқич. Яқунловчи-натижаловчи қисм (20 мин.)	3.1Мавзу бўйича хулоса чиқарилади, талабаларнинг фикрни мавзуни асосига йўналтириб, профессионал иш юритишда қилинган ишларни муҳимлигини айтиб ўтади. 3.2Гуруҳни алоҳида қатнашчиларни иш олиб боришини баҳолайди, ўзаро баҳолашни якунига еткази. 3.3 Ўқув машғулотини мақсадига етишиш даражисини	Ўз-ўзини баҳолаш, ҳамма қатори баҳолашни ўткази.
	Саволлар	

	тахлил қилади ва баҳолайди. 3.4 Аудиториядан ташқари бажариладиган мустақил ишни тарқатади.	беради.
--	---	---------

Назарий қисм:

Бўйиннинг пастки чегараси кўкракнинг юқори чегараси ҳисобланади. Унинг пастки чегараси—эса тўш суягининг ҳанжарсимон ўсиғи, қовурғалар ёйи, ўн иккинчи қовурға ва ўн иккита кўкрак умуртқасидан ташкил топган. Тўш суяги, ўн икки жуфт қовурғалар ва ўн иккита кўкрак умуртқалари ўзаро бирлашиб, кўкрак қафасини ҳосил қилади. Бу қафасни ўмров суяги билан курак суяги мустаҳкамлайди. Кўкрак қафасининг юқорида кичик ва пастки катта тешиклари “Apertura thorax superior et inferior” тафовут қилинади. Юқорида тешик очик бўлиб, бўйиннинг кўкс бўшлиқлари билан бирлашади, пастки тешиги эса диафрагма билан беркилган бўлиб, кўкрак бўшлиғини қорин бўшлиғидан ажратиб туради. Диафрагма гумбазли бўлишига сабабли ва унинг гумбази кўкрак бўшлиғига кўтарилганлигидан қорин бўшлиғининг ҳажми ҳам катталашади. Кўкрак қафаси —thorax куракни сақлаб турадиган асос ҳисобланади. Одам танасининг конструкциясига қараб курак шакли турлича бўлади.

Ўмров суяги курак юқори чегарасининг бир қисми бўлишига қарамай, плевра пардаси ва ўпка учи бу суякдан тўрт сантиметр юқорида кўтарилиб туради, демак, кўкрак бўшлиғи унинг юқори чегараси ҳисобида катталашади. Кўкрак деворида, кўкрак қафасида жойлашган ички аъзолар топографиясини ва патологик жараёнлар жойларини аниқлаш учун қуйидаги чизиклар ўтказилади:

1. Олдинги ўрта чизик — *linea mediana anterior*. Бу чизик тўш суягининг ўртасидан узунасига ўтади.
2. Тўш (ёки стернал) чизик — *linea sternalis* тўш суягининг чеккасидан ўтказилган чизик.
3. Тўш суягининг ён чизиғи — *linea parasternalis* тўш чизиғи ва ўмров суяги ўртасидан ўтказилган чизиклар оралиғидан ўтади.
4. Ўмров суягининг ўртасидан пастга қараб ўтказилган чизик — *linea medioclavicularis*. Бу чизик ўмров суягининг ўртасидан пастга тортилади.
5. Қўлтиқ ости чуқурчаси олд қиррасининг чизиғи — *linea axillaris- anterior*. Бу чизик қўлтиқ ости чуқурчасининг олдинги қиррасидан ўтади.
6. Қўлтиқ ости чуқурчасининг ўрта чизиғи — *linea axillaris media*. Бу чизик қўлтиқ ости чуқурчасининг ўртасидан ўтади.
7. Қўлтиқ ости чуқурчаси орқа қиррасининг чизиғи — *linea axillarisposterior* қўлтиқ ости чуқурчасининг орқа қиррасидан ўтади.
8. Курак суягининг чизиғи — *linea scapularis* кураксуягининг пастки бурчагидан ўтади.
9. Умуртқа ён чизиғи — *linea paravertebralis* умуртқа ва курак чизиклари ўртасидан ўтади.
10. Умуртқа ўрта чизиғи ёки орқа ўрта чизиғи — *linea vertebralis*, умуртқаларнинг кўндаланг ўсиқлари орқали ўтади.
11. Орқа ўрта чизик — *linea medialis posterior* кўкрак умуртқаларининг ўткир қиррали ўсиқларидан ўтади.

Кўкрак девори қуйидаги қаватларга эга:

1. Кўкракнинг олд ва ён томондаги тери қавати нозик, юпка бўлади.
2. Тери ости ёғ қавати олдинда кам, ён ва орқада эса яхшириворланган.
3. Кўкракнинг юзаки фасцияси кўкракни ўраб туради, чунки буфасция (*fascia thoracalis superficialis*) тана умумий юзаки фасциясининг бир қисмидир. Бу фасция аёлларда сут бези — *glandula mammae* га ўраладиган халтачани ҳосил қилади.

Сут беџи балоғатга етган қизларда яхши тараққий этган бўлади. Ўғил болаларда ва эркакларда рудимент ҳолатда бўлади. Агар эркакларда сут беџи тараққий этган бўлса, бунга— *genicomastia* дейилади. Сут беџи аёлларда иккита бўлиб, баъзан унинг сони иккитадан кўпроқ ҳам учрайди, бунга — *polimastia* дейилади. Аёлларда сут беџи вертикал чизик бўйлаб II қовурға билан VII ва VIII қовурғалар орасида, горизонтал чизик бўйлаб эса олдинги кўлтиқ ости чуқурчаси чизиги билан, тўш суяги ёнидаги чизиклар орасида жойлашади.

Сут беџи 16-20 бўлаклардан тузилган бўлиб, ҳар бир қисмидан сут безининг сўрғич— *papilla mammae* қисмига ўз найчасини юборади. Сўрғич атрофида пигментларга бой тери айланмаси *areola mammae* бўлади.

Сут беџи кўкрак катта мускулининг устида жойлашган, бу мускул билан сут беџи орасида юмшоқ бириктирувчи тўқимадан тузилган тўқима бор. Шунинг учун сут беџи осон қимирлай олади. Сут безининг ҳар бир бўлагидан чиққан сут найчалари ўзаро қўшилиб 5-8 сут найчалари — *ductuli lactiferi* га айланиб, сут беџи сўрғичида очилади.

Сут беџи — *a. thoracica interna* ва *a. intercostales*, *a. thoracica lateralis* шохлари билан ўмров суяги устки нервларининг толалари қовурға оралиқ нервлар ҳамда курак симпатик тугунлари толалари билан таъминланади. Сут безининг лимфа томирлари кўлтиқ ости чуқурчасидаги ва ўмров суяги ости ва устидаги лимфа тугунларига қуйилади, ҳатто иккала сут безларининг лимфа томирлари бир-бири билан тўш орқасидан ўтадиган томирлар билан боғланган бўлади. Сут беџида рақ касали кўп учрайди. Сут безининг йирингли яллиғланишига мастит — *mastitis* дейилади. Бу яллиғланиш сут беџи бўлагининг ичида бўлса, бунга *mastitis intraglandularis*, тери остида бўлса — *mastitis antiglandularis* ва сут безининг орқасида, яъни сут беџи билан кўкракнинг катта мускули ўртасида жойлашса, *mastitis retroglandularis* дейилади.

Mastitis retroglandularis да тери ва тери ости қавати сут безининг пастки қийиғидан кесилади ва йирингдан тозаланади.

5. Кўкрак деворининг кейинги қавати мускуллардир, унинг олдинги юзасида кўкракнинг катта ва кичик мускуллари жойлашган, ён томонида эса олдинги тишли мускул жойлашган. Кўкрак деворининг орқа томонида трапециясимон мускул, орқанинг сербар мускули, ромбсимон, куракни кўтарувчи мускул, орқанинг юқори ва пастки тишли мускули, ҳамда курак суяги ости ва курак қиррасининг юқори ва пастки чуқурчасидаги мускуллар жойлашади. Курак суяги II ва VII қовурғалар устида жойлашган бўлиб, пастки бурчаги остида VII ва VIII қовурғалар оралиғи бор. Бу оралиқ орқали плевра бўшлиғига тушиш мумкин.

6. Қовурға оралиғи — ўн иккита қовурғалар орасида *musculus intercostales externus et internus* мускуллари жойлашган. Ҳар бир қовурғанинг пастки қиррасида қовурға эгатчаси — *sulcus costae* бўлиб, бу ердан қовурға оралиқ артерия, вена ва нервлар жойлашган.


Қовурға оралиқ веналарнинг чап томондагилари яримтоқ вена — *vena hemiazygos* га қуйилади, ўнг томондаги қовурға оралиқ веналар тоқ вена — *vena azygos* га қуйилади. Ярим тоқ венанинг пастки қисми олтинчи қовурға олдида тоқ венага, юқори қисми эса чап ўмров ости венасига қуйилади. Тоқ вена тўртинчи кўкрак умуртқаси олдида ўнг катта бронхнинг устидан ўтиб, юқори қавак венаси—*vena cava superior* га қуйилади.

Умуман тоқ вена қорин бўшлиғи орқа деворининг олдинги тарафида, бел умуртқаларининг ўнг томонидаги, бел веналарининг (*venae lumbales*) қўшилишидан ҳосил бўлган бўлса, чап бел веналаридан ярим тоқ вена бошланади. Бел веналари бир томондан тоқ ва ярим тоқ веналарни ҳосил қилишда иштирок эца, иккинчи томондан пастки қавак вена — *vena cava inferior* га қуйилади шуни тақидлаш керакки тоқ, ярим тоқ веналар иккала юқорги ва пастки қавак веналарини анастомозлаштиради, бунга *қавак веналар анастомози*, дейилади. Қовурға оралиқ нервлар ўн икки жуфт бўлиб, улар аралаш нервлардир. Қовурға оралиқ нервлар орқа мианинг кўкрак қисмидан чиқиб, қовурға

оралиқ мускулларини, кўкрак мускулларини ва терисини, қорин олдинги девори юқори томонининг (киндикдан юқори қисми) мускуллари ва терисини иннервациясида иштриок этади.

7. Кўкрак бўшлиғини қорин бўшлиғидан диафрагма ажратиб туради. Кўкрак бўшлиғига қараган диафрагма гумбази катталарда олтинчи, болаларда эса бешинчи қовурғага тўғри келса, қариларда еттинчи қовурғага тўғри келади.

Топшириқ 1. Тушунтирилган мавзу бўйича график органайзерни (Кластер усули) тўлдиришади.



Топшириқ 2.

Тест саволлари:

- Қовурғани қон-томир-нерв тутамининг бир бирига нисбатан қандай жойлашади (юқоридан пастга)?
 - вена, артерия, нерв
 - артерия, нерв, вена

- в) нерв, артерия, вена
 - г) артерия, вена, нерв
 - д) вена, нерв, артерия
2. Шу томирлардан қайси бири ички кўкрак артериясидан чиқади?
- а) олдинги қовурға оралиқ артерияси
 - б) орқанги қовурға оралиқ артерияси
 - в) пастки қорин усти артерияси
 - г) ўмров ости артерияси
 - д) торако-акромиал артерия
3. Қовурға оралиқ веналари ўнг ва чап томондан нималарга қуйилади?
- а) тоқ ва ярим тоқ венасига
 - б) ички кўкрак венасига
 - в) ўмров ости венасига
 - г) латерал кўкрак венасига
 - д) ўнг ва чап қўлтиқ ости венасига
4. Плевра бўшлиғида энг чуқур синус қайси?
- а) қовурға-диафрагма бўшлиғи
 - б) қовурға оралиқ бўшлиғи
 - в) медиастинал диафрагма бўшлиғи
 - г) кўндаланг перикард бўшлиғи
 - д) диафрагма-оралиқ бўшлиғи
5. Кўкрак қафасини ён томондан қопловчи мускул?
- а) олдинги тишсимон
 - б) кичик кўкрак
 - в) сербар
 - г) катта кўкрак
 - д) кўкрак усти
6. Сут безини қинини нима ташкил этади?
- а) кўкракнинг юза фасцияси
 - б) кўкракнинг хусусий фасцияси
 - в) кўкракнинг ёғ клетчаткаси
 - г) тўш-қобирга-ўмров фасциясининг юза варағи
 - д) тўш-қобирга-ўмров фасциясининг чуқур варағи
7. Орқа қовурғалараро артерия қаердан бошланади?
- а) кўкрак аортасидан
 - б) қўлтиқ ости артериясидан
 - в) ички кўкрак артериясидан
 - г) ўмров ости артериясидан
 - д) ўпка артериясидан
8. Қовурғалараро бўшлиқни ташқи девори?

- а) ташқи қовурғалараро мускул
- б) ички қовурғалараро мускул
- в) ички қовурғалараро бойлам
- г) ташқи қовурғалараро бойлам
- д) кўкракнинг кўндаланг мускули

9. Қовурғалараро қон томир нервнинг пастдан юқорига нисбати?

- а) нерв, артерия, вена
- б) вена, нерв, артерия
- в) артерия, нерв, вена
- г) артерия, вена, нерв
- д) вена, артерия, нерв

Топшириқ 3. Ўқитувчи томонидан берилган вазиятли масалаларни ечишади.

Топографик анатомия ва оператив хирургия асослари фанидан талабалар билимини баҳалаш варақаси

Аъзонинг топографияси			Аъзонинг қон ва нерв билан таъминланиши	Аъзонинг анатомо-физиологик хусусиятлари
голотопияси	скелетотопияси	синтопияси		

Машғулотнинг ўқув жихозлар билан таъминланиши:

Муляж, слайдлар, плакатлар, препаратлар.

Жорий баҳолаш мезони

Балл	Баҳо	Талабанинг билим даражаси
86-100	Аъло	Талаба кўкрак девори қаватларини ва сут безининг голотопияси, скелетотопияси ва синтопияси, қон билан таъминланиши, иннервацияси, лимфа тизимини тушунтира олса. Кўкрак ички артерияси ва қовурғалараро бўшлиқни топографиясини айтиб бера олса. Амалий кўникмаларни бажариб бера олса.
71-85	Яхши	Талаба кўкрак девори қаватларини ва сут безининг голотопияси, скелетотопияси ва синтопияси, қон билан таъминланиши, иннервацияси, лимфа тизимини тушунтира олса. Кўкрак ички артерияси ва қовурғалараро бўшлиқни топографиясини айтиб беришда қийналса. Амалий кўникмаларни бажаришда хатоликларга йўл қўйса.
55-70	Қониқарли	Талаба кўкрак девори қаватларини ва сут безининг голотопияси, скелетотопияси ва синтопияси, қон билан таъминланиши, иннервацияси, лимфа тизимини тўлиқ тушунтира олмаса. Кўкрак ички артерияси ва қовурғалараро бўшлиқни топографиясини айтиб беришда қийналса. Амалий кўникмаларни ўқитувчи ёрдамида бажарса.

55 дан кам	Қоникарсиз	Талаба ҳеч қандай тасаввурга эга бўлмаса.
------------	------------	---

Амалий машғулоти №15

Болаларда ва катталарда диафрагма, плевра ва ўпкаларнинг клиник анатомияси.

Иш босқичнинг давомийлиги 2 соат (1пара) 90 мин.	Ишни олиб бориши	
	Муаллим томонидан	Талаба томонидан
1-босқич. Ўқув дарсига кириш қисми. (30 мин.)	Машғулотида мақсад:Талабаларга диафрагма, плевра ва ўпканинг клиник анатомиясини, ҳамда болалардаги ва катталардаги хусусиятлари ўргатиш. 1. Ўқитувчи янги мавзунини оғзаки тушунтиради. 1.1 Талабалар машғулоти юзасидан билишлари керак: - Диафрагма тузилиши, иннервацияси ва қон билан таъминланиши; - Диафрагманинг пай ва мушак (тўш, қовурға, бел) қисмларининг топографик анатомияси; - Диафрагманинг оёқчалари орасидан утадиган аъзо ва ҳосилаларнинг топографик анатомияси; - Диафрагманинг заиф жойларининг топографик анатомияси; - Плевра синуслари, қисмлари, қон билан таъминланиши ва иннервацияси; - Плевра париетал ва висцерал вароқларининг топографик анатомияси; - Плевра бўшлиқларининг топографик анатомияси, клиник аҳамияти. - Ўпкаларнинг топографик анатомиясини; - Ўпка бўлак ва сегментларининг топографиясини; - Ўпка илдизи топографиясини; - Ўпкада газ алмашинуви; - Ўпкалар скелетотопиясини, қон билан таъминланиши ва иннервациясини; 1.2 Қўйидаги қўникмаларини талабалар қила билишлари керак: - Талаба муляж ва плакатда диафрагманинг тешикларини ва ундан қандай ҳосилалар ўтишини кўрсатиб беришни билиши керак; - Плевра синуслари пункция қилинадиган линияни кўрсатишни билиши керак; - Талаба муляж ва плакатда ўпканинг жойлашини кўрсатиб беришни билиши керак; - Ўпканинг бўлак ва сегментларга ажратиб чизиш ва кўрсатишни билиши керак;	Эшитишади, аниқлик киритишади, саволлар беришади.
2-босқич.	2.1 Савол-жавоб шаклида билимларини	Жавоб

Асосий қисм (40мин.)	актуаллаштириш ўтказилади. Назорат саволлари: 1. Диафрагма тузилиши, топографик анатомияси қон билан таъминланиши ва иннервацияси? 2. Чақалоқларда кўкрак қафасининг ўзига хос хусусиятлари? 3. Париетал плевра қисмлари, плевранинг қон билан таъминланиши, иннервацияси?. 4. Плевранинг қандай синуслари бор? 5. Плевранинг энг чуқур синуси қайси? 6. Плевра суюқлиги қаерда ишлаб чиқарилади ва қаерда сўрилади? 7. Плевра суюқлигининг вазифаси нима? 8. Диафрагманинг қандай заиф жойлари бор ва унинг аҳамияти нимада? 9. Диафрагма тешикларидан қандай ҳосилалар ўтади? 10. Диафрагма тешиклари қандай ҳосил бўлади? 11. Болаларда ва катталарда ўнг ва чап ўпканинг топографик анатомиясини айтиб беринг? 12. Ўпка илдизини нималар ҳосил қилади? 13. Ўпка дарвозасидан нима ўтади? 14. Ўнг ва чап ўпка илдизи элементларининг ўзаро муносабати қандай? 15. Ўпка сегменти нима ва уларда нечта сегментлар бор? 2.2 Ўқув машғулотини структурасига биноан Амалий ишлар орқали, Вазиятли масалаларни муҳокама қилишади. Амалий ишлар: - Талаба диафрагманинг топографо-анатомик нуқтаи назаридан тешикларини, заиф жойларини, қон ва нерв билан таъминланишини ва болалардаги хусусиятини ўрганишади. - Плевранинг болалардаги ва катталардаги хусусиятларини, синусларини, юзаларини ўрганишади. - Талаба ўпканинг топографо-анатомик нуқтаи назаридан синтопиясини, скелетотопиясини, галотопиясини, қон ва нерв билан таъминланишини ўрганишади. - Ўпканинг болалардаги ва катталардаги хусусиятларини ўрганишади. 2.3 Аналитик қисм. Вазиятли масала: 1. Беморни кўкрак соҳасини рентгеноскопия қилинганда кўкрак қафасида ичак қовузлоқлари борлиги кузатилаяпти. Бу ичак қовузлоқлари қандай кўкрак соҳасига ўтган? 2. Қўшнингиз боласини девордан тушиб кетганлигини, бунда ерда ётган тошга кўкрак деворининг ўнг девори билан урилганлигини ва шундан сўнг ҳар нафас олиб	берадилар, эшитадилар, гуруҳда ишлайдилар, иш натижаларини, презентация қиладилар.
---------------------------------	---	---

	чиқарганда кўкрак деворининг шу соҳасида оғриқлар борлигини ҳамда тўлиқ нафас олиб-чиқаролмаслигидан шикоят қиляпти. Сиз бунинг сабабини нимадан деб биласиз? 3. Беморда ўпкани юқориги чегарасини аниқлаш лозим. Бу чегара қовурғаларга нисбатан ҳисобга олинадиган бўлса, юқоридан 1-қовурғани топиш қийин бўлади. Ўпканинг юқори чегараси қаерда, нимага нисбатан аниқлайсиз? 4. Бемор болада ёт жисм ҳаво йўлига тушиб қолган. Жисм ҳиқилдоқ ва трахеядан ҳам ўтиб асосий бронхда тикилиб қолган. Ёт жисм қайси бронхда тикилиб қолган, нега айнан ўша бронхда?	
3-босқич. Якунловчи- натижаловчи қисм (20 мин.)	3.1Мавзу бўйича хулоса чиқарилади, талабаларнинг фикрни мавзунинг асосига йўналтириб, профессионал иш юритишда қилинган ишларни муҳимлигини айтиб ўтади. 3.2Гуруҳни алоҳида қатнашчиларни иш олиб боришини баҳолайди, ўзаро баҳолашни якунига еткази. 3.3 Ўқув машғулотини мақсадига етишиш даражасини таҳлил қилади ва баҳолайди. 3.4Аудиториядан ташқари бажариладиган мустақил ишни таркатади.	Ўз-ўзини баҳолаш, ҳамма қатори баҳолашни ўткази. Саволлар беради.

Назарий қисм:

Диафрагма - қорин бўшлиғи билан кўкрак қаваси орасидаги гумбазсимон мушак-пай тўсиқдир. Унинг анча каттароқ бўлган мушак ва кичикроқ бўлган — пай қисмлари тафовут қилиниб, мушак қисми теварак қисмларини, пай қисми эса - ўрта қисмларини ташкил қилади. Диафрагма кўкрак қаваси томонига бўртиб, гумбаз ҳосил қилиб кириб туради. Гумбазнинг юқори қисми ўрта ўмров чизиги бўйича, ўнг томонда IV - қовурға ва чап томонда V - қовурға ораллиқларига тўғри келади. У кўкрак қаваси томонидан париетал плевра, қорин бўшлиғи томонидан — париетал қоринпарда билан қопланиб туради. Булардан ташқари, диафрагмани кўкрак қаваси томондан ички кўкрак фасцияси ва қорин бўшлиғи томондан эса — ички қорин фасциялари ёпиб, бу фасциялар шу соҳада диафрагма фасцияси (fascia diaphragmatica) номини оладилар.

Диафрагма мушакларининг бошланган жойларига қараб учта қисми фарқ қилинади: тўш қисми (pars sternalis), қовурға қисми (pars limbalis). Тўш қисми унча яхши ривожланмаган бўлиб, унинг мушак толалари тўш суяги ханжарсимон ўсиғининг орқа юзасидан ҳамда қорин тўғри мушаги қинининг орқа деворидан бошланади. Қовурға қисми — кенг ёйилган бўлиб, охириги 6 жуфт қовурғаларнинг ички юзасидан бошланади. Бел қисми — ҳийла маҳкам бўлиб, ҳар томонда учтадан оёқчалар ҳосил қилиб, бел умуртқаларидан бошланади. Унинг ички (crus medialis), ораллиқ (crus intermedium) ва ташқи (crus laterale) оёқчалари тафовут қилинади.

Шундай «заиф» жойлардан бири, диафрагманинг чап қовурға қисмини тўш қисмига ўтадиган жойида учбурчаксимон шаклда ҳосил бўлади. Бунга тўш-қовурға ёки Ларрей учбурчаги (trigonum sternocostale) дейилиб, унинг ичидан кўкрак қавасининг ички артерияси ўтади. Худди шундай учбурчак, ўнг қовурға қисми билан тўш қисми орасида ҳосил бўлиб, бунга Моргань учбурчаги дейилади. Диафрагма қовурға қисмининг бел қисмига ўтадиган жойида, XII қовурға устида, бел умуртқаларининг иккала ён томонларида ҳам биттадан учбурчак, бел-қовурға учбурчаги (trigonum iumbocostale) ёки Бахдалек учбурчаги ҳосил бўлади.

Плевра икки варақли: ички варақ (pleura viscetalis) ва париетал варақ (pleura parietalis) дан иборат.

Ўпкалар (pulmones) кўкрак қафасида жойлашган бўлиб, жуфт нафас олиш аъзоларига киради. Улар кесилган конусга ўхшаб, конуснинг асоси диафрагмага тегиб турса, учи биринчи қовурғадан 3-4 см юқорида ёки ўмров суягидан 2-3 см юқорироқда туради. Ҳар бир ўпкада учтадан юза : қовурға, медиастинал ва диафрагма юзалари тафовут қилинади. Унинг ўмров устидан юқорида турган қисмига ўпканинг учи дейилади.

Ўпканинг медиастинал (кўкс оралиғига қараган) юзасида юрак ўймасидан ва ўпка венаси чиқадиган ўпка дарвозаси (hilus pulmonis) бор. Ўпка дарвозасининг кўкрак қафасидаги ташқи тасвири, орқадан V-VIII кўкрак умуртқаларига, олдиндан эса — II-IV қовурғаларга тўғри келади.

Ўнг ўпка чуқур ариқчалар ёрдамида 3 бўлакка; чап ўпка эса икки бўлакка бўлинади. Ўнг ўпкадан ўтган қийшиқ ва кўндаланг ариқчалар уни уч бўлакка, юқори ва пастки бўлақларга бўлиб туради. Чап ўпкадан ўтувчи ва пстга ҳамда медиал томонга йўналадиган ариқча уни икки бўлакка, яъни юқори ва пастки бўлақларга бўлиб туради. Ўнг ўпканинг хажми чапдагига қараганда каттароқ бўлишига қарамай бўйи чап ўпкага қараганда қисқароқ бўлади. Бунинг сабаби, ўнг ўпканинг тагида жигар жойлашган.

Ўнг ўпканинг медиастинал юзаси, ўзининг дарвозаси олд юзаси билан юракнинг ўнг қоринчасига, ундан юқорида — юқори қавак венага тегиб туради. Рак бўлмасига яқин жойда ўпка ўнг ўмров ости артериясига тегиб туради. ўпка дарвозасининг орқасида ўзининг медиастинал юзаси билану қизилўнғачга, тоқ венага ва кўкрак умуртқаларига тегиб туради. Чап ўпканинг медиастинал юзаси ўзининг дарвозаси олд юзаси билан юракнинг чап қоринчасига, ундан юқорида — аорта ёйига тегиб туради. Юрак бўлмасига яқин жойда бу ўпка чап ўмров ости ва чап умумий уйку артериясига тегиб туради.

Ўпка илдизининг пастки юзасида висцерал плевра ўпка дарвозаларига келганда бевосита париетал плеврага ўтар экан, плевранинг бўш қаватли бойлами (lig. pulmonale) ни ҳосил қилади. Париетал ва висцерал, плевралар орасида плеврал бўшлиқ бўлиб, унда маълум миқдорда суюқлик бўлади.

Плевра бўшлиғида манфий босим бўлганлигидан кўкрак қафасининг герметик бутунлиги бузилган вақтда плевра бўшлиғига ҳаво кириб, ўпкани қисиб қўяди. Натижада нафас олиш қийинлашади.

Тўш суягининг орқасида, иккала плевранинг орасида IV -қовурғадан пастда, плеврадан ҳоли бўлган жой (area interpleuralis inferior. s. area pericardica) ҳосил бўлиб, унда юрак перикарди билан жойлашади.


Париетал плевра варағининг бир қисмидан иккинчи қисмига ўтадиган жойларида унинг бўшлиқлари (sinus pleuralis) ҳосил бўлади. Унинг куйидаги бўшлиқлари тафовут қилинади: ўнг ва чап қовурға-диафрагма бўшлиғи (sinus costodiaphragmatici), қовурға-медиастинал бўшлиғи (sinus costomediastinalis), олдинги ва орқа ҳамда ўнг ва чап диафрагма-медиастинал бўшлиқлари (sinus phrenicomediastinales).

Топшириқ 1. Тушунтирилган мавзу бўйича график органиайзерни (Кластер) тўлдиришади.

1. Ўқитувчи дастлаб талабаларга Кластер таълим технологияси тўғрисида тушунтириб беради. Кластер услуги “тўплам” деган маънони англатиб, маълумотларни бир ғоя атрофида йиғиш ва асосий хулоса чиқаришдир. Бу услуб билимларни чуқурлаштириш, фикрлаш жараёнини фаоллаштиришга ёрдам беради. Ўқитувчи Кластер технологияси ҳақида тушунтириш берганидан сўнг, бевосита мавзуга ўтади.

2. Гуруҳга мавзунинг ўзагини ташкил қилувчи савол берилади. Бачадондан ташқари хомиладорлик? Фаннинг ўрганилиш зарурлиги сўзи айлана ичига ёзилади. Шу сўздан келиб чиқувчи ва асосий манба эканлигига далил бўлувчи жавоблар айлана атрофида ёзилади. Бу жавобларни янада кенгроқ очувчи жавоблар кичик айланаларга ёзилади. Гуруҳдаги жавоблар тугагунча кичик айланаларни тўлдирадилар. Талабалар тугагандан сўнг жавоблар бир-бирига боғланиб хулоса қилинади.

Гуруҳ сардори охирида Кластерни презентация қилади.



Топшириқ 2.

Тест саволлари:

1. Қовурғани қон-томир-нерв тутамининг бир бирига нисбатан жойланиши (юқоридан пастга)?

- а) вена, артерия, нерв
 - б) артерия, нерв, вена
 - в) нерв, артерия, вена
 - г) артерия, вена, нерв
 - д) вена, нерв, артерия
2. Шу томирлардан қайси бири ички кўкрак артериясидан чиқади?
- а) олдинги қовурға оралиқ артерияси
 - б) орқанги қовурға оралиқ артерияси
 - в) пастки қорин усти артерияси
 - г) ўмров ости артерияси
 - д) торако-акромиал артерия
3. Қовурға оралиқ веналари ўнг ва чап томондан нималарга қуйилади?
- а) тоқ ва ярим тоқ венасига
 - б) ички кўкрак венасига
 - в) умров ости венасига
 - г) латерал кўкрак венасига
 - д) ўнг ва чап қўлтиқ ости венасига
4. Плевра бўшлиғида энг чуқур синус қайси?
- а) қовурға-диафрагма бўшлиғи
 - б) қовурға оралиқ бўшлиғи
 - в) медиастинал диафрагма бўшлиғи
 - г) кўндаланг перикард бўшлиғи
 - д) диафрагма-оралиқ бўшлиғи
5. Қизилўнгач олдинги ва орқа деворидан ўтувчи аъзоларни кўрсатинг?
- а) ўнг ва чап адашган нерв
 - б) кичик ва катта ички нерв
 - в) тоқ ва ярим тоқ вена
 - г) ўнг ва чап диафрагма нерви
 - д) ўнг ва чап қайтувчи ҳиқилдоқ нерви
6. Юқори ковак вена чапда ёндошади?
- а) кўтариловчи аортага
 - б) ўнг сайер нервга
 - в) елка бош стволига
 - г) ўнг диафрагма нервига
 - д) ўнг ўпка артериясига
7. Қалқонсимон безнинг ёнбош бўлаклари ташқарида нимага тегиб туради?
- а) умумий уйқу артериясига
 - б) адашган нерв стволига
 - в) ички бўйинтуруқ венасига
 - г) қайтувчи нервга

д) диафрагмал нервга.

8. Плеврал бўшлик бу?

- а) париетал варақ ва висцерал варақ орасидаги ёриксимонбўшлик
- б) париетал варақнинг висцерал вараққа ўтиш чегараси
- в) ўпка дарвозаси ва кукс оралига фасцияси орасидаги бўшлик
- г) ўпка қўидаги париетал плевранинг қисми
- д) плевра дубликатураси

9. Кўкрак қафасини ён томондан коповчи мускул?

- а) олдинги тишсимон
- б) кичик кўкрак
- в) сербар
- г) катта кўкрак
- д) кўкрак усти

10. Сут безини қинини нима ташкил этади?

- а) кўкракнинг юза фасцияси
- б) кўкракнинг хусусий фасцияси
- в) кўкракнинг ёғ клетчаткаси
- г) тўш-қобирга-ўмров фасциясининг юза варағи
- д) тўш-қобирга-ўмров фасциясининг чуқур варағи

11. Орқа қовурғаларо артерия қадан бошланади?

- а) кўкрак аортасидан
- б) қўлтиқ ости артериясидан
- в) ички кўкрак артериясидан
- г) ўмров ости артериясидан
- д) ўпка артериясидан

12. Қовурғаларо бўшлиқни ташқи девори?

- а) ташқи қовурғаларо мускул
- б) ички қовурғаларо мускул
- в) ички қовурғаларо бойлам
- г) ташқи қовурғаларо бойлам
- д) кўкракнинг қўндаланг мускули

13. Қовурғаларо қон томир нервнинг пастдан юқорига нисбати?

- а) нерв, артерия, вена
- б) вена, нерв, артерия
- в) артерия, нерв, вена
- г) артерия, вена, нерв
- д) вена, артерия, нерв

14. Ўпканинг юқориги учи биринчи қовурғадан неча см юқорида туради?

- а) 3-4 см
- б) 2-3 см

- в) 1-2 см
- г) 5-6 см
- д) 3-8 см

15. Ўпканинг юқориги учи ўмров суягидан неча см юқорида туради?

- а) 2-3 см
- б) 3-4 см
- в) 1-2 см
- г) 5-6 см
- д) 3-8 см

16. Ўпканинг қандай юзалари тафовут қилинади?

- а) коворға, медиастинал, диафрагма
- б) коворға, бўйин, медиастинал
- в) кардиал, диафрагмал
- г) коворға ва қорин бўшлиғига қараган юза
- д) диафрагма ва кўкс оралиғига қараган юза

17. Ҳар бир ўпкада нечтадан сегмент бўлади?

- а) 10 тадан
- б) 9 тадан
- в) 11 тадан
- г) 2 тадан
- д) 8 тадан

18. Ўпкани қайси артерия қон билан таъминлайди?

- а) a.bronchialis
- б) a.pulmonalis
- в) a.thoracica interna
- г) a.thoracica lateralis
- д) a.coronaria dextra et sinistra

19. Ўнг ўпка илдизи элементлари юқоридан пастга қараб қуйидагича жойлашган?

- а) бронх, артерия, вена
- б) вена, лимфа , артерия
- в) бронх, нерв, вена
- г) бронх, трахея, лимфа
- д) артерия, вена, бронх

Топшириқ 3. Ўқитувчи томонидан берилган вазиятли масалаларни ечишади.

Топографик анатомия ва оператив хирургия асослари фанидан талабалар билимини баҳалаш варақаси

Аъзонинг топографияси	Аъзонинг қон ва нерв билан таъминланиши	Аъзонинг анатомо-физиологик хусусиятлари
-----------------------	---	--

ГОЛОТОПИЯСИ	СКЕЛЕТОТОПИЯСИ	СИНТОПИЯСИ		
-------------	----------------	------------	--	--

Машғулотнинг ўқув жихозлар билан таъминланиши:

Муляж, слайдлар, плакатлар, препаратлар.

Жорий баҳолаш мезони

Балл	Баҳо	Талабанинг билим даражаси
86-100	Аъло	Талаба диафранма, плевра ва ўпкаларнинг голотопияси, скелетотопияси ва синтопияси, қон билан таъминланиши, иннервацияси, лимфа тизимини тушунтира олса. Плевра ва ўпканинг чегараларини, плевра синусларини айтиб бера олса. Амалий кўникмаларни бажариб бера олса.
71-85	Яхши	Талаба диафранма, плевра ва ўпкаларнинг голотопияси, скелетотопияси ва синтопияси, қон билан таъминланиши, иннервацияси, лимфа тизимини тушунтира олса. Плевра ва ўпканинг чегараларини, плевра синусларини айтишда қийналса. Амалий кўникмаларни бажаришда хатоликларга йўл қўйса.
55-70	Қониқарли	Талаба диафранма, плевра ва ўпкаларнинг голотопияси, скелетотопияси ва синтопияси, қон билан таъминланиши, иннервацияси, лимфа тизимини тўлиқ тушунтира олмаса. Плевра ва ўпканинг чегараларини, плевра синусларини айтишда қийналса. Амалий кўникмаларни ўқитувчи ёрдамида бажарса.
55 дан кам	Қониқарсиз	Талаба ҳеч қандай тасаввурга эга бўлмаса.

Амалий машғулот №16

Болаларда ва катталарда олдинги кўкс оралиғи аъзолари: юрак ва перикард, айрисимон без, диафрагма нервлари, трахея ва бош бронхларнинг клиник анатомияси.

Иш босқичнинг давомийлиги 2 соат (1пара) 90 мин.	Ишни олиб бориши	
	Муаллим томонидан	Талаба томонидан
1-босқич. Ўқув дарсига кириш қисми. (30 мин.)	Машғулотдан мақсад:Талабаларга олдинги кўкс оралиғи соҳасидаги аъзолар: юрак ва перикарднинг болалардаги ва катталардаги хусусиятлари билан таништириш. Юрак ва перикарднинг чегараларини, қон айланиш доирасини, синтопия, скелетотопиясини, галотопиясини ўргатиш. 1. Ўқитувчи янги мавзунини оғзаки тушунтиради. 1.1 Талабалар машғулоти юзасидан билишлари керак: - Юрак ва перикарднинг болалардаги хусусиятларини;	Эшитишади, аниқлик қиритишади, саволлар беришади.

	- Юрак ва перикарднинг катталардаги хусусиятларини; - Қон айланиш доирасининг болалардаги ва катталардаги хусусиятини; - Перикард синусларини; - Юрак ва перикарднинг қон билан таъминланиши ва иннервациясини; - Кўкс оралиғида юракнинг жойлашиши, унинг камералари, девори ва тож артерияларини; - Айрисимон безнинг вазифасини, болалардаги ва катталардаги хусусиятини; - Диафрагма нервларининг топографиясини; - Трахея ва бош бронхларнинг топографиясини; - Олдинги кўкс оралиғи аъзоларининг болалардаги хусусиятларини; - Олдинги кўкс оралиғи аъзоларининг катталардаги хусусиятларини; 1.2 Қуйидаги кўникмаларини талабалар қила билишлари керак: - Талаба муляж ва плакатда юракнинг жойлашишини кўрсатиб беришни билиши керак; - Катта ва кичик қон айланиш доирасини чизиб кўрсатишни билиши керак; - Талаба муляж ва плакатда олдинги кўкс оралиғи аъзоларини жойлашишини кўрсатиб беришни билиши керак; - Трахея ва бош бронхларнинг топографик нуқтаи назардан билган ҳолда ёт жисм тушган пайтда биринчи ёрдам кўрсата билиши керак;	
2-босқич. Асосий қисм (40мин.)	2.1 Савол-жавоб шаклида билимларини актуаллаштириш ўтказилади. Назорат саволлари: 1. Юракнинг чегаралари, скелетга нисбатан жойлашувива проекцияси қандай аниқланади? 2. Катта ва кичик қон айланиш доираси қаердан бошланади ва қаерда тугайди? 3. Кўкракнинг олдинги деворига юракнинг қайси қисмлари тегиб туради? 4. Боталлов йўли нима? 5. Перикарднинг қанадй синуслари тафовут қилинади? 6. Юракнинг болалардаги хусусиятини айтиб беринг? 7. Юракнинг тож артериялари қаердан бошланади? 8. Олдинги кўкс оралиғи соҳаси, унинг чегараларини айтиб беринг? 9. Олдинги кўкс оралиғида аъзоларининг жойлашуви тузилиши қон билан	Жавоб берадилар, эшитадилар, гуруҳда ишлайдилар, иш натижаларини, презентация қиладилар.

	таъминланиши иннервацияси? 10. Олдинги кўкс оралиғи аъзоларининг болалар ва катталардаги хусусиятлари? 11. Айрисимон безнинг топографиясини ва болалардаги хусусиятлари нималардан иборат? 12. Трахея ва бош бронхларнинг топографик анатомиясини айтиб беринг? 13. Диафрагма нервларининг топографо-анатомияси айтиб беринг? 2.2 Ўқув машғулоти структурасига биноан Амалий ишлар орқали, Вазиятли масалаларни муҳокама қилишади. Амалий ишлар: - Талаба юракнинг топографо-анатомик нуктаи назаридан синтопиясини, скелетотопиясини, галотопиясини, қон ва нерв билан таъминланишини ўрганишади. - Юрак ва перикарднинг болалардаги ва катталардаги хусусиятларини ўрганишади. - Талаба олдинги кўкс оралиғи аъзоларининг топографо-анатомик нуктаи назаридан синтопиясини галотопиясини ўрганишади. - Олдинги кўкс оралиғи аъзоларининг болалардаги ва катталардаги хусусиятларини ўрганишади. 2.3 Аналитик қисм. Вазиятли масала: 1. Беморга даволовчи врач юрагингиз чап чегараси 3 смга кенгайибти деган. Бунда юракнинг қайси клапани ва қайси девори чегарси ўзгарган? 2. Юракнинг чегарасини (яқин одамингизда) аниқлашга тўғри келиб қолди, қандай аниқлайсиз? 3.Поликлинакага кучли ҳўл йўтал билан бемор болани олиб келишди. Текширув натижалари ва аускультацияда нафас йўллари шомоллаганлиги аниқланди. Врач дори дармондан ташқари болага сариёғ солинган иссиқ сут ичиришни ҳам тавсия қилди. Сутнинг юқори нафас йўлларига қандай алоқаси бор, сиз нима деб ўйлайсиз? 4. Бемор ўнг қовурға остида оғриқ билан шикоят қилиб келди, оғриқ ёғли овқат еганда кучаяди. Ўнг тўш-ўмров-сўрғичсимон мускули оёқчалари ораси босилганда оғриқ качайиши кузатилди. Бундай текширилганда оғриқнинг кучайишига сабаб нима?	
3-босқич. Яқунловчи- натижаловчи қисм (20 мин.)	3.1Мавзу бўйича хулоса чиқарилади, талабаларнинг фикрни мавзуни асосига йўналтириб, профессионал иш юритишда қилинган ишларни муҳимлигини айтиб ўтади. 3.2Гуруҳни алоҳида катнашчиларни иш олиб боришини баҳолайди, ўзаро баҳолашни яқунига етказилади. 3.3 Ўқув машғулотини мақсадига етишиш	Ўз-ўзини баҳолаш, ҳамма қатори баҳолашни ўтказилади. Саволлар беради.

	даражисини таҳлил қилади ва баҳолайди. 3.4 Аудиториядан ташқари бажариладиган мустақил ишни тарқатади.	
--	--	--

Назарий қисм:

Юрак (cor) олдинги кўкс оралиғининг пастки соҳасини эгаллаб туради. Унинг кўп қисми кўкрак қафасининг чап томонида, кам қисми – ўнг томонида жойлашади. Юракнинг асоси ўнгга ва орқага, чўққиси – ўнг қоринча билан чап қоринчанинг биров қисмини ўз ичига олади. Бу юза тўш суягига ва қовурғаларнинг тоғай юзасига тегиб туриб, улардан қовурға медиастинал плевра бўшлиқлари ҳамда ўпкалар билан ажралиб туради. Юракнинг ёнбош юзалари ўпкаларга қараган бўлади. Пастки юзаси перикарднинг асосида бўлиб, у орқали диафрагма пай қисми билан бирлашган бўлади. Унинг бу юзасини ўнг ва чап қоринчалар билан ўнг бўлмача ташкил қилади.

Юракнинг ўнг чегараси юқори ковак вена билан ўнг бўлмача ташкил қилиб, бу чегара ёйсимон шаклда, учинчи қовурға тоғайининг юқори қиррасидан, бешинчи қовурға тоғайининг пастки қиррасигача тўш олди чегарасига 2-2,5 см етмасдан ўтади. Пастки чегарасини ўнг қоринчанинг чети билан чап қоринчанинг озгина қисми ташкил қилиб, бу чегара 5- қовурға тоғайининг пастки қиррасидан биров чапга ва пастга қараб ўтиб тўш суяги олди ва ўрта ўмров чизикларининг ўртасида 5-қовурғача боради. Юракнинг чап чегарасини, аорта ёйи, ўпка стволи, чап юрак қулоқчаси ва чап қоринчалар ҳосил қилади. Бу чегара тўш суягининг чап қиррасидан 2 см ташқарида 2-қовурғаларо оралиғидан бошланиб, пастга ва ташқарига қараб юриб, 5-қовурға рўпарасида ўрта ўмров чизигига 1,5 – 2 см етмасдан тугайди. Юрак юқорига кўтарилувчи аортадан чиқувчи 2та ўнг ва чап юрак тож артериялари билан қон билан таъминланади.

Юракнинг чап тож томири синусдан чиққан захотиёк олдинги қоринчаларо ва айланиб ўтувчи тармоқларга бўлинади. Бу тармоқларнинг биринчиси юракнинг олдинги соҳаси бўйлаб, то унинг чўққисигача боради. Бунда у олдинги тик эгатчада ётади. Иккинчи тармоқ бўлса юракнинг орқа соҳасига унинг чап бўлмачаси билан қоринчалари орасидаги эгатча орқали ўтади, ўнг тож артериянинг қоринчаларо орқа тармоғи билан анастомоз ҳосил қилади. Чап тож артерия чап бўлмачани, қоринчаларо тўсикни ва чап қоринчани қон билан таъминлайди. Юракнинг энг катта веноз стволларидан биттаси унинг катта венасидар. У юрак чўққисининг олдинги юзасидан бошланиб олдинги тик эгат ичидан, чап тож артериянинг олдинги қоринчаларо тармоғи билан бирга кўтарилади, сўнгра чапга айланиб, ўтувчи эгатга ўтиб, юракнинг орқа соҳасидаги тож бўшлиққа қуйилади.

Юракнинг тож синуси юракнинг орқа юзасида чап бўлмачадан чап қоринча оралиғида жойлашган тож эгатчада жойлашади. Бу кенг канал пастки ковак вена ёпқичи билан бурмачаларо тўсиклар орасида ўнг бўлмачага очилади. Юрак асосан юрак ўпка чигалини ҳосил қилувчи адашган нерв билан симпатик нерв толалари билан иннервация қилинади. Юракда тўртта: эндокард, миокард ва эпикард ичида ҳамда эпикард остида жойлашган лимфа чигаллари бўлиб, лимфа суюқлиги субэпикардиал лимфа йўлларида қуйилади. У ердан эса олиб чиқувчи йўллар орқали кекирдик бронхиал лимфа тугунларига ёки аорта ёйининг олдида жойлашган олдинги кўкс оралиғининг лимфа тугунларига қуйилади.

Айрисимон безнинг топографияси: Ички секреция безлар гуруҳига киради. Иккита бўлакдан иборат. Айрим олимлар маълумотида кура (Жолобов Л.К. 1959). 3 та, хатто 4 та бўлаклардан иборат. Ташқаридан икки қин билан ўралган. Синтопияси: орқадан


трахея, орқа ёйи ва унинг шохларига, юрак ва унинг перикардига, икки ён томонидан кўкс оралиғи плевралари орқали ўпкаларга тегиб туради. Юқоридан хаттоки буйинга чиқиб, қалқонсимои безнинг бўлақларига ҳам тегиб туради. Пастда асоси билан перикардга тегиб туради. Без паренхимаси эпителиал ва лимфоид хужайраларидан ташкил топган. Бола балоўатга етгунга қадар ўсувчи гормон ишлаб чиқаради. Қон ишлаб чиқаришда иштирок этиб, кўп миқдорда лимфоцитлар ва кам миқдорда лейкоцит ва эритроцитларни ишлаб чиқаради. Инфекция ва интоксикацияларда химоя моддасини ишлаб чиқаради ва иммунитет шаклланишида иштирок этиб бош дрижёр вазифасини бажаради.


Топшириқ 1. Тушунтирилган мавзу бўйича график органиайзерни (Кластер) тўлдиришади.

1. Ўқитувчи дастлаб талабаларга Кластер таълим технологияси тўғрисида тушунтириб беради. Кластер услуби “тўплам” деган маънони англатиб, маълумотларни бир ғоя атрофида йиғиш ва асосий хулоса чиқаришдир. Бу услуб билимларни чуқурлаштириш, фикрлаш жараёнини фаоллаштиришга ёрдам беради. Ўқитувчи Кластер технологияси хақида тушунтириш берганидан сўнг, бевосита мавзуга ўтади.

2. Гуруҳга мавзунинг ўзагини ташкил қилувчи савол берилади. Бачадондан ташқари ҳомиладорлик? Фаннинг ўрганилиш зарурлиги сўзи айлана ичига ёзилади. Шу сўздан келиб чиқувчи ва асосий манба эканлигига далил бўлувчи жавоблар айлана атрофида ёзилади. Бу жавобларни янада кенгроқ очувчи жавоблар кичик айланаларга ёзилади. Гуруҳдаги жавоблар тугагунча кичик айланаларни тўлдирадilar. Талабалар тугагандан сўнг жавоблар бир-бирига боғланиб хулоса қилинади.

Гуруҳ сардори охирида Кластерни презентация қилади.





Топшириқ 2.

Тест саволлари:

1. Юракнинг чап тож артерияси қаердан бошланади?
 - а) кўтарилувчи аорта пиёзчасидан
 - б) кўкрак ичи артериясидан
 - в) чап аортал синусдан
 - г) орқа аортал синусдан

д) аорта равоғидан

2. Юқори ковак вена чапда ёндошади?

- а) кўтарилувчи аортага
- б) ўнг адашган нервга
- в) елка бош стволига
- г) ўнг диафрагма нервига
- д) ўнг ўпка артериясига

3. Катта қон айланиш доираси қаердан бошланади?

- а) юракнинг чап қоринчасидан
- б) юракнинг ўнг қоринчасидан
- в) аорта равоғидан
- г) юракнинг чап бўлмачасидан
- д) юракнинг ўнг бўлмачасидан

4. Катта қон айланиш доираси қаерда тугайди?

- а) юракнинг ўнг бўлмачасида
- б) юракнинг чап қоринчасида
- в) аорта равоғида
- г) юракнинг ўнг қоринчасида
- д) юракнинг чап бўлмачасида

5. Кичик қон айланиш доираси қаерда тугайди?

- а) юракнинг чап бўлмачасида
- б) юракнинг чап қоринчасида
- в) аорта равоғида
- г) юракнинг ўнг қоринчасида
- д) юракнинг ўнг бўлмачасида

6. Кичик қон айланиш доираси қаердан бошланади?

- а) юракнинг ўнг қоринчасидан
- б) юракнинг чап қоринчасидан
- в) аорта равоғидан
- г) юракнинг чап бўлмачасидан
- д) юракнинг ўнг бўлмачасидан

7. Митрал ёки икки табақали клапан қаерда бўлади?

- а) юракнинг чап бўлмача ва чап қоринчаси ўртасида
- б) юракнинг ўнг бўлмача ва ўнг қоринчаси ўртасида
- в) юракнинг чап бўлмача ва ўнг қоринчаси ўртасида
- г) юракнинг чап бўлмача ва ўнг бўлмача ўртасида
- д) юракнинг ўнг қоринча ва чап қоринчаси ўртасида

8. Уч табақали клапан қаерда бўлади?

- а) юракнинг ўнг бўлмача ва ўнг қоринчаси ўртасида
- б) юракнинг ўнг бўлмача ва чап қоринчаси ўртасида

- в) юракнинг чап бўлмача ва ўнг қоринчаси ўртасида
- г) юракнинг чап бўлмача ва ўнг бўлмача ўртасида
- д) юракнинг ўнг қоринча ва чап қоринчаси ўртасида

9. Боталлов йўли қаерда бўлади?

- а) ўпка стволи ва аорта равоғи ўртасида
- б) ўпка венаси ва артеричси ўртасида
- в) ўпка артерияси ва пастга тушувчи аорта ўртасида
- г) аортанинг бошланинг жойида
- д) юрак бўлмачалари ўртасида

10. Овал тешик қаерда бўлади?

- а) юрак бўлмачалари ўртасида
- б) ўпка венаси ва артеричси ўртасида
- в) ўпка артерияси ва пастга тушувчи аорта ўртасида
- г) аортанинг бошланинг жойида
- д) ўпка стволи ва аорта равоғи ўртасида

11. Перикарднинг қандай бўшлиқлари бор?

- а) олдинги – пастки, кўндаланг, қийшиқ
- б) олдинги – орқа, кўндаланг, қийшиқ
- в) орқа – пастки, кўндаланг, тўғри
- г) тўғри, орқа – олдинги, пастки қийшиқ
- д) олдинги – тўғри, олдинги – пастки, олдинги – қийшиқ

Топшириқ 3. Ўқитувчи томонидан берилган вазиятли масалаларни ечишади.

Топографик анатомия ва оператив хирургия асослари фанидан талабалар билимини баҳалаш варақаси

Аъзонинг топографияси			Аъзонинг қон ва нерв билан таъминланиши	Аъзонинг анатомо-физиологик хусусиятлари
голотопияси	скелетотопияси	синтопияси		

Машғулотнинг ўқув жихозлар билан таъминланиши:

Муляж, слайдлар, плакатлар, препаратлар.

Жорий баҳолаш мезони

Балл	Баҳо	Талабанинг билим даражаси
86-100	Аъло	Талаба юрак ва перикарднинг голотопияси, скелетотопияси ва синтопияси, қон билан таъминланиши, иннервацияси, лимфа тизимини тушунтира олса. Юракнинг чегаралари, перикарднинг синусларини айтиб бера олса. Амалий кўникмаларни бажариб бера олса.
71-85	Яхши	Талаба юрак ва перикарднинг голотопияси, скелетотопияси ва синтопияси, қон билан таъминланиши,

		иннервацияси, лимфа тизимини тушунтира олса. Юракнинг чегаралари, перикарднинг синусларини айтишда қийналса. Амалий кўникмаларни бажаришда хатоликларга йўл қўйса.
55-70	Қониқарли	Талаба юрак ва перикарднинг голотопияси, скелетотопияси ва синтопияси, қон билан таъминланиши, иннервацияси, лимфа тизимини тўлиқ тушунтира олмаса. Юракнинг чегаралари, перикарднинг синусларини айтишда қийналса. Амалий кўникмаларни ўқитувчи ёрдамида бажарса.
55 дан кам	Қониқарсиз	Талаба ҳеч қандай тасаввурга эга бўлмаса.

Амалий машғулот №17

Болаларда ва катталарда орқа кўкс оралиғи аъзоларининг клиник анатомияси.

Иш босқичнинг давомийлиги 2 соат (1пара) 90 мин.	Ишни олиб бориши	
	Муаллим томонидан	Талаба томонидан
1-босқич. Ўқув дарсига кириш қисми. (30 мин.)	Машғулотдан мақсад:Талабаларга орқа кўкс оралиғи соҳасидаги аъзоларни болалардаги ва катталардаги хусусиятлари билан таништириш. Орқа кўкс оралиғи аъзоларининг чегаралари, голотопиясини ўргатиш. 1. Ўқитувчи янги мавзунини оғзаки тушунтиради. 1.1 Талабалар машғулот юзасидан билишлари керак: - Орқа кўкс оралиғи аъзоларининг болалардаги хусусиятларини билиш; - Орқа кўкс оралиғи аъзоларининг катталардаги хусусиятларини билиш; - Қизилўнгач ва пастга тушувчи аортани ўзаро жойлашишини билиш; - Адашган нервнинг йўналишини билиш; - Кўкрак лимфа йўлининг топографиясини билиш; - Тоқ ва яримтоқ веналарнинг жойлашувини билиш; - Кўкрак симпатик поясини тоқ вена ва қовурғалараро артерияларга муносабати ва йўналишини билиш. 1.2 Қуйидаги кўникмаларини талабалар қила билишлари керак:	Эшитишади, аниқлик киритишади, саволлар беришади.

	- Талаба муляж ва плакатда орқа кўкс оралиғи аъзоларини жойлашишини кўрсатиб беришни билиши керак; - Адашган нервнинг йўналишини кўрсата билиши керак;	
2-босқич. Асосий қисм (40мин.)	2.1 Савол-жавоб шаклида билимларини актуаллаштириш ўтказилади. Назорат саволлари: 1. Орқа кўкс оралиғи соҳаси, унинг чегараларини айтиб беринг? 2. Орқа кўкс оралиғида аъзоларининг жойлашуви тузилиши қон билан таъминланиши иннервацияси? 3. Орқа кўкс оралиғи аъзоларининг болалар ва катталардаги хусусиятлари? 4. Кўкрак лимфа йўли қаердан бошланади ва қаерда тугайди? 5. Кўкрак лимфа йўли қаердан лимфа суюқлигини йиғади? 6. Қизилўнгачнинг топографиясини айтиб беринг? 7. Тоқ ва ярим тоқ веналар қаердан қон йиғади, топографиясини айтиб беринг? 8. Пастга тушувчи аортанинг топографиясини айтиб беринг? 2.2 Ўқув машғулоти структурасига биноан Амалий ишлар орқали, Вазиятли масалаларни муҳокама қилишади. Амалий ишлар: - Талаба орқа кўкс оралиғи аъзоларининг топографо-анатомик нуқтаи назаридан синтопиясини галотопиясини ўрганишади. - Орқа кўкс оралиғи аъзоларининг болалардаги ва катталардаги хусусиятларини ўрганишади. 2.3 Аналитик қисм. Вазиятли масала: 1. Болаларда қизилўнгачнинг қисилган жойларида тез-тез ёт жисмлар тикилиб қолади, бунда врач ёки рентгенолог қизилўнгачнинг қисилган жойларни билиши керак. Қизилўнгачнинг нечта қисилган жойи бор ва улар қаерда? 2. Қизилўнгач кўкрак пастки қисмида диафрагма тешигидан ўтаётган жойларида муолажа қилишга тўғри келади, қизилўнгач тешигидан қизилўнгач билан бирга яна нима ўтади?	Жавоб берадилар, эшитадилар, гуруҳда ишлайдилар, иш натижаларини, презентация қиладилар.
3-босқич. Яқунловчи-натижаловчи қисм (20 мин.)	3.1Мавзу бўйича хулоса чиқарилади, талабаларнинг фикрни мавзуни асосига йўналтириб, профессионал иш юритишда қилинган ишларни муҳимлигини айтиб ўтади. 3.2Гуруҳни алоҳида қатнашчиларни иш олиб боришини баҳолайди, ўзаро баҳолашни яқунига етказди.	Ўз-ўзини баҳолаш, ҳамма қатори баҳолашни ўтказди. Саволлар беради.

	3.3 Ўқув машғулотини мақсадига етишиш даражисини тахлил қилади ва баҳолайди. 3.4 Аудиториядан ташқари бажариладиган мустақил ишни тарқатади.	
--	--	--

Назарий қисм:

Қизилўнгач — ютқиннинг давоми бўлиб, олтинчи, бўйинумурткаси олдидан бошланади. Қизилўнгачнинг бўйин, кўкрак ва қорин қисмлари бор, улар ичида энг узун 16—18 см ли кўкрак қисмидир. Қизилўнгачнинг учта торайган жойи бўлиб, биринчиси қизилўнгачнинг бошидадир, бу торайган жой бўйин умуртқаларига тўғри келади, иккинчи торайган жой кекирдакнинг иккита бош бронхларга бўлиниши натижасида IV кўкрак умуртқасининг олдидан ва учинчи торайиши қизилўнгачнинг диафрагмадан ўтар жойида XI кўкрак умуртқасига тўғри келади. Қизилўнгач олдиндан юрак перикарди ва юқоридан кекирдак, орқадан кўкрак умуртқалари билан чегараланади. Қизилўнгач олдинги деворида чап адашган нерв, орқа деворида эса ўнг адашган нервнинг чигалини ҳосил қилади.. Қизилўнгач чап ён томонидан кўкрак аортасига тегиб туради. Диафрагманинг юқорисида қизилўнгач ва кўкрак аортаси бир-бирини кесиб ўтади. Диафрагманинг қизилўнгач тешиги — hiatus esophageus дан қизилўнгач ва адашган нервлар ўца, аорта тешиги — hiatus aorticus дан кўкрак аортаси ва кўкрак лимфа йўли ўтади. Бу иккала тешик диафрагмани бел қисмидан медиал ва латерал ёқчаларида ҳосил бўлган икки тешикни ташкил қилади.

Кўкрак аортасидан чикувчи, 6—9 та қизилўнгач артериялари қизилўнгачни таъминлайди, адашган нервлар ва кўкрак симпатик тугунларидан чикувчи симпатик нервлар эса нервлайди. Юқорида кўрсатилган қон томирлардан бошқа қизилўнгачнинг юқори қисмига қалқонсимон без артерияларидан, ўрта қисмига қовурға оралик томирлардан ва пастки қисмига чап меъда ва чап диафрагма артерияларидан толалар келади. Қизилўнгач бошдан-оёқ сероз қават остидаги лимфа томирларидан иборат. Лимфа томирлари умров ости лимфа тугунларига, ўртада кекирдакнинг бўлиниш соҳасидаги учта кекирдак — бронх лимфа тугунларига ва қизилўнгачнинг пастки қисмидаги лимфа толаларига, диафрагма тагидаги меъданинг кириш қисми ва қорин артерия пояси олдида жойлашган лимфа тугунларига йўлланади.

Адашган нерв — nervus vagus кўкс бўшлиғига кўкрак қафасининг юқори тешигидан киради. Ўнг адашган нерв ўнг ўмров ости артериясининг олдидан кесиб ўтаётганда орқага қайтувчи пастки ҳикилдоқ нерви nervus recurrens laryngeus ни беради. Бу нерв қизилўнгач билан кекирдак орасидан йўналиб, уларни нерв билан таъминлайди, сўнгра ҳикилдоқнинг ичига кириб, овоз мускулини нервлайди. Чапга қайтувчи пастки ҳикилдоқ нерви аорта равоғини айланиб, чап адашган нервдан ажралиб ўнг нервга ўхшаб кўкракда ва бўйинда давом этади.

Чап адашган нерв диафрагмадан қизилўнгач билан қорин бўшлиғига тушиб, меъданинг олдинги деворида ёйилади. Ўнг адашган нерв ўнг ўмров ости артерияси ва венаси орасидан ўтиб, бирданига кўкс орқа бўшлиғига тушади, сўнгра толалари билан қизилўнгачнинг орқа деворида орқа чигал — plexus esophageus posterior ни ҳосил қилади. Қизилўнгач билан бирга диафрагмадан ўтиб, меъданинг орқа деворига толалар беради. Иккала адашган нерв ўз толалари билан кўкрак ва кўкс бўшлиқларидаги бутун аъзолар, без ва қон томирларни нервлайди.

Пастга тушувчи аорта. Кўкрак аортаси — aorta thoracica (Aorta descendens) аорта равоғининг IV кўкрак умуртқаси олдида тамом бўлиб, пастга тушувчи кўкрак аортасига ўтади. Аортанинг кўкрак қисми, яъни кўкрак аортаси кўкрак умуртқаси олдида диафрагманинг бел қисмидан аорта тешиги — hiatus aorticus орқали қорин бўшлиғига тушиб, қорин аортаси — aorta abdominalis га айланади. Диафрагмадаги аорта тешиги қизилўнгачнинг диафрагма тешиги олдида жойлашган.

Кўкрак аортаси юқоридан пастга йўналган ҳолда чап ўпканинг орқа қиррасига ёпишиб туради, у хатто чап ўпканинг орқа қиррасида узун ариқча - *sulcus aorticus* ни ҳосил қилади. Кўкрак аортаси кўкрак умуртқаларининг чапида ётиб, 9-10 кўкрак умуртқаси олдида, диафрагма юқорисида қизилўнгач билан кесишади, натижада аорта қизилўнгачнинг чап томонидан ўнг томонга ўтади.

Кўкрак аортасидан қуйидаги артериялар чиқади:

а) қизилўнгач артериялари — *arteriae esophagei*;

б) бронхартериялари — *arteriae bronchiales posterior*;

в) қовурға оралиғи орқа артериялари — *arteriae intercostales posteriores*. Бу артериялар III — XI қовурға оралиқларига боради.


г) диафрагманинг устки артерияси — *arteria diaphragmatica superior*.


Кўкраксимпатик тугунлари.— турли шаклларда 11 —12—13 жуфтдан иборат бўлади ва қовурға плеврасининг орқасида қовурға боши билан кўкрак умуртқаларининг бирлашган бўғимлари олдида жойлашади. Биринчи, иккинчи, ўчинчи ва тўртинчи кўкрак симпатик тугунларидан чиқувчи нервлар кўкрак ва кўкс бўшлиғидаги аъзо системаларни симпатик нерв толалари билан таъминлайди. 5, 6, 7, 8, 9-кўкрак симпатик тугунларидан чиқувчи нерв толалари ўзаро бирлашиб, қориннинг катта нерви—*nervus splanchnicus major* ни ҳосил қилса, кўкрак симпатик 10, 11, 12-туғунларидан нервлар қўшилиб, қориннинг кичик нерви — *nervus splanchnicus minor* ни ҳосил қилади. Бу икки жуфт нервлар диафрагмани тешиб, қорин бўшлиғи — қорин пардасининг орқа чигалига ўтиб, унинг симпатик қисмини кучайтиришга хизмат қилади.

Тоқ ва ярим тоқ веналар — *venae azygos et hemiazygos*. Қорин бўшлиғининг орқа деворида, бел умуртқаларининг ёнида, ўнг ва чап томонда бел веналари бор. Ўнг юқори бел веналари ҳамда тоқ вена ва чап юқори бел веналарининг қўшилишидан ярим тоқ веналар ҳосил бўлади. Улар диафрагмани тешиб ўтиб, ўнг томондаги қовурға оралик веналарни ўзига қўшиб олади. Тоқ вена кўкрак умуртқаларининг ўнг ёнидан IV кўкрак умуртқасининг олдида ўнг бош бронхни кесиб ўтади ва юқори кавак венасига қуйилади. Яримтоқ вена эса кўкрак умуртқаларининг чап ёнидан VII ёки VIII кўкрак умуртқаларини кесиб ўтиб, тоқ венага қуйилади. Яримтоқ венанинг юқори қисми чап ўмров ости венасига қуйилади. Тоқ ва яримтоқ веналар қовурға оралик ва кўкс деворидаги веналарни йиғиб олади. Тоқ ва яримтоқ веналар юқорида юқори кавак венасига қуйилса, пастда бел веналари орқали пастки кавак венасига қуйилади.

Кўкрак лимфа йўли — *ductus thoracicus* танадаги энг катта лимфа йўли ҳисобланади. Кўкрак лимфа йўли қорин бўшлиғининг орқа деворида III — IV бел умуртқалари олдида учта лимфа йўллариининг қўшилишидан ҳосил бўлади: а) чап ёнбош лимфа томири чап оёқдан, чанокнинг чап қисмидан лимфаларни йиғди, у *ductus iliacus sinistra* деб аталади; б) ўнг ёнбош лимфа томири — *ductus iliacus dextra* ўнг оёқдан, чанокнинг ўнг қисмидан лимфаларни йиғиб келади; в) ичаклар лимфа томири — *ductus intestinalis* ичаклардан лимфа йиғди ва шу тариқа юқоридабаён қилинган учта лимфа томири биринчи бел умуртқаси олдида лимфа қопчаси — *cisterna chyli* ни ҳосил қилади, бу қопчадан кўкрак лимфа йўли бошланади.

Топшириқ1. Тушунтирилган мавзу бўйича график органайзерни (Кластер усули) тўлдиришади.





Топшириқ 2.

Тест саволлари:

1. Юракнинг чап тож артерияси қаердан бошланади?
 - а) кўтариловчи аорта пиёзчасидан
 - б) кўкрак ичи артериясидан
 - в) чап аортал синусдан
 - г) орқа аортал синусдан
 - д) аорта равоғидан
2. Юқори ковак вена чапда ёндошади?
 - а) кўтариловчи аортага
 - б) ўнг адашган нервга
 - в) елка бош стволига
 - г) ўнг диафрагма нервига
 - д) ўнг ўпка артериясига
3. Плеврал бўшлиғи бу -
 - а) париетал вароқ ва висцерал вароқ орасидаги ёриқсимонбўшлиқ
 - б) париетал вароқнинг висцерал вароққа ўтиш чегараси
 - в) ўпка дарвозаси ва кукс оралиғи фасцияси орасидаги бўшлиқ
 - г) ўпка париетал плевранинг қисми
 - д) плевра дубликатураси
4. Кўкрак қафасини ёнтомондан қопловчи мускул?
 - а) олдинги тишсимон
 - б) кичик кўкрак
 - в) сербар
 - г) катта кўкрак
 - д) кўкрак усти
5. Сут безини қинини нима ташкил этади?

- а) кўкракнинг юза фасцияси
- б) кўкракнинг хусусий фасцияси
- в) кўкракнинг ёғ клетчаткаси
- г) тўш-қовурға-ўмров фасциясининг юза варағи
- д) тўш-қовурға-ўмров фасциясининг чуқур варағи

6. Орқа қовурғалараро артерия қаердан бошланади?

- а) кўкрак аортасидан
- б) қўлтиқ ости артериясидан
- в) ички кўкрак артериясидан
- г) ўмров ости артериясидан
- д) ўпка артериясидан

7. Қовурғалараро бўшлиқни ташқи деворини нима ҳосил қилади?

- а) ташқи қовурғалараро мускул
- б) ички қовурғалараро мускул
- в) ички қовурғалараро бойлам
- г) ташқи қовурғалараро бойлам
- д) кўкракнинг кўндаланг мускули

Топшириқ 3. Ўқитувчи томонидан берилган вазиятли масалаларни ечишади.

Топографик анатомия ва оператив хирургия асослари фанидан талабалар билимини баҳалаш варақаси

Аъзонинг топографияси			Аъзонинг қон ва нерв билан таъминланиши	Аъзонинг анатомо-физиологик хусусиятлари
голотопияси	скелетотопияси	синтопияси		

Машғулотнинг ўқув жихозлар билан таъминланиши:

Муляж, слайдлар, плакатлар, препаратлар.

Жорий баҳолаш мезони

Балл	Баҳо	Талабанинг билим даражаси
86-100	Аъло	Талаба орқа кўкс оралиғи аъзоларининг голотопияси, скелетотопияси ва синтопияси, қон билан таъминланиши, иннервацияси, лимфа тизимини тушунтира олса. Симпатик поя ва кўкрак лимфа йўлини топографияси ва клиник аҳамиятини айтиб бера олса. Амалий кўникмаларни бажариб бера олса.
71-85	Яхши	Талаба орқа кўкс оралиғи аъзоларининг голотопияси, скелетотопияси ва синтопияси, қон билан таъминланиши, иннервацияси, лимфа тизимини тушунтира олса. Симпатик поя ва кўкрак лимфа йўлини топографияси ва клиник аҳамиятини айтишда қийналса. Амалий кўникмаларни

		бажаришда хатоликларга йўл қўйса.
55-70	Қониқарли	Талаба орқа кўкс оралиғи аъзоларинингтопографияси, скелетотопияси ва синтопияси, қон билан таъминланиши, иннервацияси, лимфа тизимини тўлиқ тушунтира олмаса. Симпатик поя ва кўкрак лимфа йўлини топографияси ва клиник аҳамиятини айтишда қийналса. Амалий кўникмаларни ўқитувчи ёрдамида бажарса.
55 дан кам	Қониқарсиз	Талаба ҳеч қандай тасаввурга эга бўлмаса.

Амалий машғулот №18

Кўкрак девори ва сут безида бажариладиган операцияларнинг клиник анатомик асослари.

Иш босқичнинг давомийлиги 2 соат (1пара) 90 мин.	Ишни олиб бориши	
	Муаллим томонидан	Талаба томонидан
1-босқич. Ўқув дарсига кириш қисми. (30 мин.)	Машғулотдан мақсад:Талабаларга кўкрак соҳасида бажариладиган операцияларнинг топографо-анатомик хусусиятини тушунтириш. 1. Ўқитувчи янги мавзунини оғзаки тушунтиради. 1.1 Талабалар машғулот юзасидан билишлари керак: - Торакотомия ва унинг турларини; - Қовурға резекциясинингтопографо-анатомик хусусиятини; - Сут безида бажариладиган операцияларнинг топографо-анатомик хусусиятларини; - Плевра бўшлиғини пункция қилиш техникасини; - Перикард бўшлиғини пункция қилиш техникасини. 1.2 Қуйидаги кўникмаларини талабалар қила билишлари керак: - Кўкрак деворида ўтказиладиган кесмаларни муляжда чизиб кўрсатишни; - Талаба операцияда қўлланиладиган асбобларни ушлаш қоидасини билиши керак; - Плевра бўшлиғини пункция қилишни; - Перикард бўшлиғини пункция қилишни.	Эшитишади, аниқлик киритишади, саволлар беришади.
2-босқич. Асосий қисм (40мин.)	2. Савол-жавоб шаклида билимларини актуаллаштириш ўтказилади. Назорат саволлари:	Жавоб берадилар, эшитадилар,

	1. Торакотомия ва унинг турларини айтиб беринг? 2. Қовурға резекцияси техникасини айтиб беринг? 3. Очиқ ва ёпиқ пневмоторакс фарқини айтиб беринг? 4. Плевра бўшлиғини пункция қилиш техникасини айтиб беринг? 5. Перикард бўшлиғини пункция қилиш техникасини айтиб беринг? 2.1 Ўқув машғулотини структурасига биноан амалий ишлар орқали, вазиятли масалаларни муҳокама қилишади. Амалий ишлар: -Талабалар кўкрак соҳасида бажариладиган операцияларга кириш йўллари, кўрсатма ва қарши кўрсатмаларни, оғриқсизлантириш усуллари, операция техникасини ўрганишади. - Плевра ва перикард бўшлиғига пункция қилиш техникасини ўрганишади; -Мастит турлари ва маститларда кесиш усуллари ўрганишади; 2.2 Аналитик қисм. Вазиятли масала: 1. Плевранинг қовурға-диафрагма синусида экссудат тўпланган. Беморнинг нафас олишига қийинчилик туғдирмоқда. Бу ҳолатда сизнинг тактикангиз? 2. 7 ёшли беморнинг тўш олди чизиғи бўйича 4-5 қовурғалар оралиғидан бахциз ходиса туфайли мих кириб кетган. Мих кўкрак деворига 3-4 см чуқурликда кирган. Болада кўкрак қафасининг ички бўшлиғига қон кетиши кузатилмоқда. Мих кўкрак деворининг қайси қаватларини тешиб ўтган ва қайси қон томирни жароҳатлиган?	гуруҳда ишлайдилар, иш натижалари ни, презентация қиладилар.
3-босқич. Яқунловчи- натижаловчи қисм (20 мин.)	3.1Мавзу бўйича хулоса чиқарилади, талабаларнинг фикрларини мавзунга асосига йўналтириб, профессионал иш юритишда қилинган ишларни муҳимлигини айтиб ўтади. 3.2Гуруҳни алоҳида қатнашчиларни иш олиб боришини баҳолайди, ўзаро баҳолашни яқунга етказди. 3.3 Ўқув машғулотини мақсадига етишиш даражасини таҳлил қиладди ва баҳолайди. 3.4Аудиториядан ташқари бажариладиган мустақил ишни тарқатади.	Ўз-ўзини баҳолаш, ҳамма қатори баҳолашни ўтказди. Саволлар беради.

Назарий қисм:

Очиқ пневмоторакс операцияси.

Тез ёрдам кўрсатилаётган пайтда жароҳатга окклюзион, яъни бир неча қавтли дока сочикчадан иборат герметик боғлам қўйилади. Боғламнинг юқори қавати резинали тўқима бўлиб, у жароҳат қирғоқлари бўйлаб елимлаб қўйилади.

Кўкрак деворининг очиқ пневмоторакс билан кечадиган жароҳатланишларидаги операцияларда жароҳат қирғоқларидаги тўқима соғлом тўқима чегарасида кесиб олинади, ўпка ревизия қилинади ва плевра бўшлиғи йиртиғи йўқотилади, яъни очиқ пневмоторакс ёпиққа айлантирилади.

Оғриқсизлантириш: махаллий новокаинли анестезия А.В.Вишневскийнинг вагосимпатик блокадаси билан биргаликда қўлланилади.

Операция техникаси: айланасига тери, мускуллар кесилади ва жароҳатланган қовурға қирғоқлари соғлом тўқима чегарасида резекция қилинади. Унчалик катта бўлмаган жароҳатларда жароҳатлданган қавурға қирғоқлари Люэрниг суяк қисқичлари билан тишлаб олинади; қовурға жароҳатланиши билан кечадиган анча катта жароҳатларда қовурға суяк усти пардаси остида бутун жароҳат бўйлаб резекция қилинади. Жароҳат кесилиб ва тозаланиб бўлингандан сўнг, плевра бўшлиғи кўздан кечирилади, ивиган қон ва ёт таналар олиб ташланади, агар ўпка жароҳати бўлса тикилиди.

Жароҳатни тикиш – операциянинг муҳим босқичидир. Жароҳат одатда йўғон кетгут билан 2-3 қатор тугунча чоклар қўйиш орқали тикилади. Биринчи қатор чоклар плеврани, суяк усти пардасини ва қовурғалараро мускулларни камраб олади - плевра мускул чоки. Охирги герметиклаштирувчи чокнибоғлашдан олдин плевра бўшлиғига операциядан кейинги даврда ҳаво ва қонни сўриб олиш учун катетер киритилади. Иккинчи қатор чоклар юза мускул ва фасцияларга, терига сийрак чоклар қўйилади. Плевра бўшлиғига микроблар тушганлигини кўрсатувчи белгилар бўлса, у ҳолда еттинчи қовурға оралиғи орқали қўшимча кесма ўтказиб, у ерга резина най киритилади ва дренаж қилинади, вақти вақти билан йиринг сўриб олинади. Жароҳат ёмон герметикланган бўлса ва қаттиқ йўтал туца, унда фақатгина плевра-мускул чокини қўйиш эмас, балки жароҳатга ёндошиб турган иккита қовурғани йўғон кетгут билан 2-3 жойидан тикиш орқали яқинлаштириш ҳам тавсия этилади. Агар нуқсон катта бўлса ва уни кўкрак деворининг юмшоқ тўқималарини тикиш билан ёпишга имконият бўлмаса, унда париетал плевра қирғоқларига диафрагма тикиб қўйилади (диафрагмопексия).

Йирингли маститларда кесмалар. Сут безларида йирингли жараёнлар тери остида, без бўлакчаси ичида, без капсуласи оралиғида жойлашиши мумкин.

Йирингли жараён жойлашиши, чуқурлиги ва тарқалишига кўра тегишли операциялар ўтказишга киришилади.

Сут беzi бўлакчалари ва чиқарув найчаларининг радиал жойлашишини ҳисобга олиб, кесмаларни ҳам радиал, сўрғич учи йўналишида, безнинг асосий найчаларини жароҳатлантirmаслик учун сўрғич олди айланасига ўтиб кетмасдан ўтказиш тавсия этилади.


Оғриқсизлантириш – наркоз ёки махаллий инфилтратсион анестезия.

Операция техникаси – без қўл билан инфилтратга қарама қарши томонга тортилади.

Абсцесс битта бўлган ҳолда сўрғич атрофидаги пигментли доғ қирғоғидан бошлаб, чуқур радиал кесма ўтказилиб, периферик йўналишда 5-6 см масофада давом эттирилади. Янги яллиғланиш ўчоғи ривожланмаслиги ёки без тўқимасининг некрози юзага келмаслиги учун ҳатто кичкина йирингли жой ҳам очилмай қолмасин, деган мақсадда абсцесс бўшлиғи бармоқлар билан текширилади. Туташган бўшлиқ аниқланганда қўшимча кесма ўтказилиди, бутун безнинг ўткир йирингли инфилтратсиясида 3-4 та шундай радиал кесмалар ўтказилади. Абсцесс бўшлиқлари бармоқ билан тешкирилади ва некротик тўқимадан озод этилади. Антисептик эритмалар билан ювилади ва фурациллин ош тузининг 5 % ли эритмаси билан дренаж қўйилади.

Сут безлари пастки ярмининг чуқур абсцесслари, шунингдек унинг ортидаги флегмоналари (ретромаммар абсцесс) без остидаги тери бурмаси бўйлаб ўтказилган ярим айлана кесмалар билан очилади. Сут безлари юқорига кўтарилади ва ўтувчи бурмача бўйлаб безнинг орқа юзаси катта кўкрак мускулини қоплайдиган фасция оралиғида (ретромаммар флегмоналарда ана шу ерда йиринг тўпланади) тўқималарнинг чуқур қаватларига кира туриб, кесма ўтказилади. Чуқур без ичи маститларида шу кесмадан безнинг орқа (очилмаган) юзасида радиал кесмалар ўтказиб, йирингли ўчоклар очилади. Жароҳатга тампон қўйилади. Без юқорига кўтарилган ҳолатда боғлам қўйилади.

Топширик 1. Тушунтирилган мавзу бўйича график органиайзерни (Кластер усули) тўлдиришади.



Топширик 2.

Тест саволлари:

1. Юракнинг чап тож артерияси қаердан бошланади?
 - а) кўтарилувчи аорта пиёзчасидан
 - б) кўкрак ичи артериясидан
 - в) чап аортал синусдан
 - г) орқа аортал синусдан
 - д) аорта равоғидан
2. Юқори ковак вена чапда ёндошади?
 - а) кўтарилувчи аортага
 - б) ўнг адашган нервга
 - в) елка бош стволига
 - г) ўнг диафрагма нервига
 - д) ўнг ўпка артериясига
3. Плеврал бўшлиғи бу -
 - а) париетал вароқ ва висцерал вароқ орасидаги ёриқсимонбўшлик
 - б) париетал вароқнинг висцерал вароққа ўтиш чегараси
 - в) ўпка дарвозаси ва кукс оралиги фасцияси орасидаги бўшлик
 - г) ўпка қўидаги париетал плевранинг қисми
 - д) плевра дубликатураси
4. Кўкрак қафасини ёнтомондан қопловчи мускул?
 - а) олдинги тишсимон
 - б) кичик кўкрак
 - в) сербар
 - г) катта кўкрак
 - д) кўкрак усти
5. Сут безини қинини нима ташкил этади?
 - а) кўкракнинг юза фасцияси
 - б) кўкракнинг хусусий фасцияси
 - в) кўкракнинг ёғ клетчаткаси
 - г) тўш-қовурға-ўмров фасциясининг юза варағи
 - д) тўш-қовурға-ўмров фасциясининг чуқур варағи
6. Орқа қовурғалараро артерия қаердан бошланади?
 - а) кўкрак аортасидан
 - б) қўлтиқ ости артериясидан
 - в) ички кўкрак артериясидан
 - г) ўмров ости артериясидан
 - д) ўпка артериясидан
7. Қовурғалараро бўшлиқни ташқи деворини нима ҳосил қилади?

- а) ташқи қовурғалараро мускул
- б) ички қовурғалараро мускул
- в) ички қовурғалараро бойлам
- г) ташқи қовурғалараро бойлам
- д) кўкракнинг кўндаланг мускули

8. Қовурғалараро қон томир нервнинг пастдан юқорига нисбати қандай?

- а) нерв, артерия, вена
- б) вена, нерв, артерия
- в) артерия, нерв, вена
- г) артерия, вена, нерв
- д) вена, артерия, нерв

Топшириқ 3. Ўқитувчи томонидан берилган вазиятли масалаларни ечишади.

Топографик анатомия ва оператив хирургия асослари фанидан талабалар билимини баҳалаш варақаси

Аъзонинг топографияси			Аъзонинг қон ва нерв билан таъминланиши	Аъзонинг анатомо-физиологик хусусиятлари
голотопияси	скелетотопияси	синтопияси		

Машғулотнинг ўқув жихозлар билан таъминланиши:

Муляж, слайдлар, плакатлар, препаратлар.

Жорий баҳолаш мезони

Балл	Баҳо	Талабанинг билим даражаси
86-100	Аъло	Талаба мастит, радикал мастоэктомия, плевра ва перикард бўшлиғини пункция қилиш, қовурға резекцияси операцияларга кўрсатмалар ва қарши кўрсатмаларни билса, оператив очиб кириш ва оператив усулларни тушунтира олса. Операция техникаси билан боғлиқ бўлган асоратларни айтиб бера олса. Амалий кўникмаларни бажариб бера олса.
71-85	Яхши	Талаба мастит, радикал мастоэктомия, плевра ва перикард бўшлиғини пункция қилиш, қовурға резекцияси операцияларга кўрсатмалар ва қарши кўрсатмаларни билса, оператив очиб кириш ва оператив усулларни тушунтира олса. Операция техникаси билан боғлиқ бўлган асоратларни айтишда қийналса. Амалий кўникмаларни бажаришда хатоликларга йўл қўйса.
55-70	Қониқарли	Талаба мастит, радикал мастоэктомия, плевра ва перикард бўшлиғини пункция қилиш, қовурға резекцияси операцияларга кўрсатмалар ва қарши кўрсатмаларни билса, оператив очиб кириш ва оператив усулларни тўлиқ тушунтира олмаса. Операция техникаси билан боғлиқ бўлган асоратларни айтишда қийналса. Амалий кўникмаларни ўқитувчи ёрдамида

		бажарса.
55 дан кам	Қониқарсиз	Талаба ҳеч қандай тасаввурга эга бўлмаса.

Якуний баҳолаш мезонлари

Якуний баҳолашни ўтказиш усули: Якуний баҳолаш тест асосида тест марказида ўтказилади. Умумий балл 50 баллни ташкил этади.

Якуний баҳолаш мезонлари			
Балл	Тўғри жавоб	Баҳо	Талабаларнинг билим даражаси.
43-50	43-50	Аъло	Топографик анатомия ва оператив хирургия асослари фанининг барча бўлимларидан 400 та тест саволлар: бир жавобли, кўп жавобли, кетма-кетлик ва мосликни аниқланг усулида ўзбек ва рус тиллирида берилган, ҳамда ТошПТИ тест марказига топширилган. Шу тестларнинг 50 тадан 43 та ва ундан кўпига тўғри жавоб беради.
36-42	36-42	Яхши	Талаба берилган 50 та тест саволларининг 36 тадан – 42 тагача тўғри жавоб беради.
28-35	28-35	Қониқарли	Талаба 50 та тест саволларининг 28 тадан – 35 тагача тўғри жавоб беради.
0-27	0-27	Қониқарсиз	Талаба 50 та тест саволларининг 27 тадан кам тўғри жавоб беради.

Топографик анатомия ва оператив хирургия асослари фанидан якуний баҳолаш (ЯБ) саволлари:

1. Қорин бўшлиғи ва қорин парда бўшлиқлари (умумий маълумот).
2. Қорин олд-ён девори соҳалари (9 та соҳа).
3. Қорин олд-ён девори қаватлари (9 та қават).
4. Қорин олд-ён деворининг қон билан таъминланиши иннервацияси (порто-кавал ва кава-кавал анастомозлар).

5. Қорин тўғри мускули қини, қорин оқ чизиги(аҳамияти).
6. Киндик халқасининг топографик анатомияси.
7. Чов каналининг топографик анатомияси.
8. Уруғ тизимчасининг таркиби.
9. Қорин деворида ўтказиладиган кесмалар (лапаратомия турлари).
10. Тўғри ва қийшиқ чов чурраларига таъриф беринг.
11. Чурра халтасини олиб ташлаш техникаси.
12. Чов каналини олдинги деворини пластика қилиш усуллари.
13. Чувалчангсимон ўсимтани олиб ташлаш техникаси.
14. Киндик чуррасини пластика қилиш усуллари.
15. Ўт пуфагини олиб ташлаш техникаси.
16. Талокни олиб ташлаш техникаси.
17. Гастротомия техникасини ёритиб беринг.
18. Гастростомия техникасини ёритиб беринг.
19. Ошқозон резекцияси усуллари ёритиб беринг.
20. Ингичка ичак резекцияси ҳақида маълумот беринг.
21. Қорин бўшлиғи юқори қавати аъзоларини санаб беринг.
22. Ошқозоннинг топографик анатомияси.
23. Жигарнинг топографик анатомияси, бойламлари.
24. Ўт пуфаги ва ўт йўларининг топографик анатомияси.
25. Дарвоза венасини ҳосил бўлиши ва топографиясини айтиб беринг.
26. Талокнинг топографияси.
27. Меъда ости безининг топографик анатомияси.
28. Қорин бўшлиғи пастки қавати аъзоларини санаб беринг, уларнинг чанок билан алақаси.
29. Ингичка ичакнинг топографик анатомияси.
30. Йўғон ичакнинг қисмлари ва қон билан таъминланишини айтиб беринг.
31. Ингичка ва йўғон ичакларнинг қон билан таъминланиши.
32. Кўр ичак ва аппендикуляр ўсимтасини атипик жойлашувлари.
33. Қорин деворидаги чурралар ҳақида умумий маълумот.
34. Қорин бўшлиғидаги чурралар ҳақида умумий маълумот.
35. Қорин парда орқа бўшлиғи чегараларини айтиб беринг.
36. Буйракларнинг топографик анатомияси.
37. Буйрак усти безларининг топографик анатомияси.
38. Сийдик найларини топографик анатомияси.
39. Қорин аортаси топографияси, унинг жуфт ва тоқ тармоқлари.
40. Пастки ковак венасини ҳосил бўлиши ва топографияси.
41. Куёш чигалининг ҳосил бўлиши, топографияси ва аҳамияти.
42. Кўкрак лимфа йўлининг ҳосил бўлиши ва топографияси.
43. Тоқ ва яримтоқ веналар топографияси.
44. Бел чигалининг ҳосил бўлиши ва тармоқлари.
45. Бел соҳасининг чегаралари ва қаватларини айтиб беринг.
46. Бел соҳасининг заиф соҳаларини айтиб беринг.
47. Нефроэктомия операцияси техникасини ёритиб беринг.
49. Қорин парданинг йўли, топографияси, унинг қорин ва чанок аъзоларига муносабатлари.
50. Қорин парда ҳосил қилган бойламлар, халталар, чунтаклар ва ён каналлар, уларнинг амалиётдаги аҳамияти.
51. Қорин парда ҳосил қилган бойламлар, уларнинг амалиётдаги аҳамияти.
52. Қорин парда ҳосил қилган халталар, уларнинг амалиётдаги аҳамияти.
53. Қорин парда ҳосил қилган чунтаклар, уларнинг амалиётдаги аҳамияти.
54. Қорин парда ҳосил қилган ён каналлар, уларнинг амалиётдаги аҳамияти.

55. Чурралар, ва уларнинг таснифи (умумий маълумот).
56. Катта ва кичик чарви топографияси.
57. Чанок қаватлари, у ерда жойлашган аъзоларни санаб беринг.
58. Дуглас чуқурликларини ҳосил бўлиши ва аҳамиятини айтиб беринг.
59. Бачадоннинг топографик анатомияси.
60. Тухумдоннинг топографик анатомияси.
61. Бачадон найларининг топографияси.
62. Эркаklar сийдик чиқариш канали топографияси.
63. Эркаklar ва аёллар сийдик қопи топографияси.
64. Тўғри ичакнинг топографик анатомияси.
65. Ёрғокнинг топографик анатомияси, мойк пардалари.
66. Мойкларнинг топографияси.
67. Сийдик қопини катетерлаш (эркакларда ва аёлларда).
68. Чанок ва сийдик-таносил диафрагмасининг ҳосил бўлиши.
69. Уруғ йўллари ва уруғ пуфакчаларининг топографияси.
70. Простата безининг топографияси.
71. Ўғил болаларда сийдик пуфагини катитерлаш.
72. Қиз болаларда сийдик пуфагини катитерлаш.
73. Сийдик пуфаги пункцияси.
74. Цистотомия операцияси техникаси.
75. Цистостомия операцияси техникаси.
76. Фимоз ва парафимоз операциялари техникасини айтиб беринг.
77. Кичик чарви топографик анатомияси
78. Катта чарви топографик анатомияси
79. Диафрагма тешиқлардаги ўтувчи ҳосилалар
80. Талоқ топографик анатомияси
81. Ўт йўллари
82. Ўн икки бармоқли ичак топографияси
83. Ингичка ичак
84. Меъдани қон билан таъминланиши
85. Қуёш чигали топографик анатомияси
86. Қорин аортаси шохларини сананг
87. Паски ковак вена қорин қисми
88. Юқори тутқич артерия ва вена
89. Пастки тутқич артерия шохлари
90. Пастки тутқич вена
91. Юқори тутқич венаси
92. Жигар – ўн икки бармоқ ичак боғлами (DVA)
93. Чарви бўшлиғига кириш
94. Ўғон ичак қон билан таъминланиши
95. Ингичка ичак қон билан таъминланиши
96. Қорин олд - ён девори (9та обл.)
97. Қорин олд –ён девори қаватлари
98. Қорин оқ чизиғи ҳосил бўлиши
99. Қорин парда йўли
100. Қорин парда топографияси (3 хил аъзолар билан)
101. Интроперитонеал аъзолар
102. Мезоперитонеал аъзолар
103. Экстранеритонеал аъзолар
104. Меъда топографияси
105. Талоқ топографияси
106. Жигар топографияси

107. Кичик чарви (DVA)
108. Катта чарви топографияси
109. Ингичка ичак топографияси
110. Қорин юқори қават аъзолари
111. Қорин пастки қават аъзолари
112. Қорин бўшлиғи деворлари
113. Қорин парда ортқа бўшлиғи аъзолари
114. Қорин аъзолари (чақолоқларда)
115. Appendix топографияси
116. Йўғон ичак топографияси
117. Чарви халтасига кириш
118. Меъда ости беzi топографияси
119. Киндик чов чурралари (умумий маълумот)
120. Чурралар хақида умумий маълумот
121. Кўндаланг чамбар ичак
123. Буйраклар топографияси
124. Сийдик йўли топографияси
125. Қорин аортасининг жуфт шохлари
126. Қорин аортасининг париетал шохлари
127. Қорин аортасининг висцерал шохлари
128. Меъда топографияси
129. Чаноқ аъзоларини қон билан таминланиши
130. Чаноқ аъзолари синтопияси (олдидан орқага)
131. Бачадон топографияси
132. Бачадон найи топографияси
133. Қин топографияси
134. Чаноқ диафрагмаси
135. Сийдик – таносил диафрагмаси
136. Оралиқ топографияси (эркакларда)
137. Оралиқ топографияси (аёлларда)
138. Сийдик йўли топографияси
139. Сийдик чиқарув канали
140. Сийдик чиқарув канали катетеризацияси
141. Фимоз ва парафимоз (умумий тушунча)
142. Жинсий олат топографик анатомияси
143. Сийдик чиқарув канали (аёлларда)
144. Фимоз ва парафимоз хақида умумий тушунча
145. Бачадон топографияси
146. Чаноқ аъзоларининг қон билан таминланиши
147. Чаноқ қаватлари
148. Чаноқ юқори қават аъзолари
149. Чаноқ ўрта қават аъзолари
150. Чаноқ пастки қавати топографияси
151. Кўкрак чегараси, деворининг қаватлари, топографик анатомияси.
152. Қовурғалараро бўшлиқнинг топографик анатомияси.
153. Кўкрак деворида ўтказиладиган кесмалар, ўпкаларнинг чегараси.
154. Сут безининг топографияси, маститларда кесиш усуллари.
155. Сут безининг қон билан таъминланиши ва лимфа тизими.
156. Диафрагма топографияси.
157. Диафрагмада ҳосил бўлувчи учбурчаклар, уларнинг амалиётдаги аҳамияти.
158. Кўкс оралиғи чегаралари, олдинги ва орқа кўкс оралиғида жойлашган аъзоларни айтиб беринг.

159. Юракнинг топографик анатомияси.
160. Катта қон айланиш доирасини тушунтиринг ва чизиб кўрсатинг.
161. Кичик қон айланиш доирасини тушунтиринг ва чизиб кўрсатинг.
162. Коронар қон айланишини тушунтиринг.
163. Аорта равоғининг топографияси.
164. Боталлов найи топографияси(чизиб кўрсатинг ва тушунтиринг).
165. Трахея ва бронхлар топографияси.
166. Айрисимон безнинг топографияси.
167. Елка-бош веналарининг топографияси.
168. Диафрагма нервларининг топографияси.
169. Перикарднинг топографияси.
170. Кўкрак аортасининг топографияси.
171. Адашган нервлар топографияси.
172. Тоқ ва ярим тоқ веналар топографияси.
173. Қизилўнгачнинг топографияси.
174. Юқори қавак венасининг ҳосил бўлиши ва топографияси.
175. Кўкрак лимфа йўлининг топографик анатомияси.
176. Ўпкаларнинг топографияси.
177. Плевра ва унинг бўшлиқлари топографияси.